

У.250.2  
326  
С-74



Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги



UN  
DP

Uzbekistan

# БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

Тошкент 2010

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ  
ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ  
(БМТТД)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**СРОЖИДДИНОВА З.Х.**

**БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР**

**ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА**

*B-15500*

Тошкент – 2010  
Издательство «infoCOM.UZ»

**Тақризчилар:**

**А.Н. Ли** - Иқтисод фанлари номзоди, Банк-молия Академияси  
“Молия” кафедрасининг доценти

**В.Г. Кильберг** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ҳазначилиги Давлат бюджети ғазна ижросини  
таҳлил ва назорат қилиш бошқармасининг бошлиғи

**Бюджетлараро муносабатлар: Ўқув қўлланма / З.Х.Срожиддинова.** –  
Тошкент, 2010. – 156 бет.



*Uzbekistan*

Барча ҳуқуқлар БМТ Тараққиёт дастурига тегишли. Ўқув қўлланмани дар қандай шаклда қайта нашр этиш ёки ундан кўчирмалар олиб фойдаланиш, фақатгина ёзма розилик орқали амалга оширилиши зарур, манбага ҳавола қилиш мажбурийдир. Қайта босиб чиқариш, таржима қилиш ва босма нашрларни сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

100029, Тошкент шаҳри., Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, 2010 йил.

Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри., Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

Тел.: (+998 71) 120-34-50

Факс: (+998 71) 120-34-85

Интернет-сайт: [www.undp.uz](http://www.undp.uz)

© БМТТД «Ўзбекистонда давлат молияси ислохоти» лойиҳаси, 2010 йил.

Ўзбекистон, 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-й.

Тел.: (+998 71) 259-21-52

Факс: (+998 71) 259-20-51

Интернет-сайт: [www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz)

ISBN 9789943-320-25-3

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	4
<b>1-бўлим. Бюджетлараро муносабатлар: тушунчалар аппарати, асосий элементлари .....</b>	<b>5</b>
1.1. Бюджетлараро муносабатлар: тушунчаси, принциплари, мақсадлари, моделлари, шакллари, усуллари, воситалари .....	5
1.2. Худудларнинг бюджет маблағлари билан минимал даражада таъминланганлиги: зарурияти, моҳияти, усуллари .....	13
1.3. Бюджетлараро муносабатлар тизимининг асосий элементлари .....	24
1.4. Бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштириш услубларига мисоллар .....	45
<b>2-бўлим. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш асослари ва амалиёти .....</b>	<b>52</b>
2.1. Бюджет тузилмаси ва бюджет тизими .....	52
2.2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг шаклланиши ва амал қилишининг ҳуқуқий асоси .....	59
2.3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг шакллантириш хусусиятлари.....	66
2.4. Бюджетлараро муносабатлар: методологияси ва Ўзбекистон Республикасидаги амалиёти .....	71
2.5. Худудларнинг бюджетларини баланслаш алгоритми .....	89
2.6. Бюджетлараро тартибга солиш йўллари бўйлаб пул маблағларининг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.....	99
<b>3-бўлим. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш борасида жаҳон тажрибаси .....</b>	<b>108</b>
3.1. Федератив давлатларда бюджетлараро муносабатлар тизимининг асосий элементлари: Австралия, Канада, Германия, АКШ .....	108
3.2. Унитар давлатларда бюджетлараро муносабатлар тизими: Буюк Британия, Италия, Япония, Хитой, Беларусь Республикаси .....	122
<b>Глоссарий.....</b>	<b>138</b>
<b>Адабиётлар .....</b>	<b>144</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>148</b>

## Сўзбоши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТТД) уч йилдирики, Ўзбекистонга давлат молиясини бошқаришни ислох этишни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, БМТТДнинг “Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўқув маркази учун махсус фанлардан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ўз ичига олган бир канча ўқув модуллари ишлаб чиқилди. Мазкур “Бюджетлараро муносабатлар” фанидан тайёрланган ўқув қўлланма ҳам шулар жумласидандир.

Ўқув қўлланма уч бўлимдан иборат.

Ўқув қўлланманинг “Бюджетлараро муносабатлар: тушунчалар аппарати, асосий элементлари” деб номланган биринчи бўлимида бюджетлараро муносабатлар тизими тушунчаси, принциплари, максадлари, моделлари, шакллари, усуллари, воситалари, механизмлари ва асосий элементларига тавсиф берилади, шунингдек, бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштириш услубларига мисоллар келтирилади.

“Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш асослари ва амалиёти” деб номланган иккинчи бўлимда бюджет тузилмаси, бюджет тизими ҳамда бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш асослари ва амалиёти ёритилган. Бюджет тизими бюджетлари, Ўзбекистон Давлат бюджети ва бюджетлараро муносабатларнинг негизини белгиловчи амалдаги қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатларининг, шунингдек, Бюджетлараро муносабатлар методологияси ва Ўзбекистон Республикасида амалиётининг қисқача тавсифи келтирилади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳудудларнинг бюджетларини баланслаш алгоритми тузилган. Бюджетлараро тартибга содиш йўллари бўйлаб пул маблағларининг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, маҳаллий бюджетларга ажратилган қўшимча бюджет маблағларини бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағларини ўтказиш ёки чегириб қолиш, дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудаларини бериш ва қайтариш масалалари ёритилган.

Ўқув қўлланмасининг “Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш борасида жаҳон тажрибаси” деб номланган учинчи бўлимида бюджетлараро муносабатлар тизимини ташкил этиш масалаларини ечишга нисбатан турли мамлакатлар, хусусан бюджет тузилиши марказлаштиришдан чиқарилган ва ўта марказлаштирилган мамлакатлар, хусусан: Австралия, Канада, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Япония, Хитой ва Беларусь Республикаси ҳукуматларининг ёндашувлари ёритиб берилган.

Муаллиф БМТТДнинг “Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти” лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўқув маркази раҳбариятига “Бюджетлараро муносабатлар” фанидан ўқув модулини, шу жумладан, мазкур ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиш ҳуқуқини бергани учун ўз миннатдорчилиги ва чуқур эҳтиромини билдиради, шунингдек, тақризчилар ҳамда Молия вазирлиги мутахасссларига ўқув қўлланmani ёзиш жараёнида берган қимматли маслаҳатлари ва тавсиялари учун алоҳида миннатдорчилик изҳор этади.

## **1-бўлим. Бюджетлараро муносабатлар: тушунчалар аппарати, асосий элементлари**

### **1.1. Бюджетлараро муносабатлар: тушунчаси, принциплари, мақсадлари, моделлари, шакллари, усуллари, воситалари**

Бюджетлараро муносабатлар деганда, бюджет жараёни давомида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келувчи иктисодий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Бюджетлараро муносабатлар давлат бошқаруви тизимида вертикал ёки горизонтал бўйича пайдо бўлади ва амал қилади ҳамда ҳокимият ҳар бир даражасининг фаолият мақсадларидан келиб чиқиб, уларнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади.

Бюджетлараро муносабатлар қуйидаги **принципларга** асосланади:

1. Вақтинчалик қисқа муддатли (молия йилидан кам бўлмаган муддатга) ёки бюджет тизимининг даражалари бўйича даромадларни тартибга солишнинг узок муддатли меъёрлари бўйича доимий асосда чегаралаш ва бириктириш.

2. Бюджет харажатларини бюджет тизимининг даражалари бўйича тақсимлаш ва бириктириш.

3. Бюджетларнинг ўзаро муносабатларида бюджет ҳуқуқларининг тенглиги.

Бюджет ҳуқуқларининг тенглиги қуйидагиларни назарда тутати: давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларга молиявий харажатлар меъёрларини, ҳудудий бюджетларга молиявий ёрдам меъёрларини ҳисоб-китоб қилишнинг ягона услубларидан фойдаланишни.

Бюджетлараро муносабатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: алоҳида ижтимоий ва иктисодий функцияларни бажариш учун жавобгарликни бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан бириктиришни; бюджет тизимининг ҳар бир даражасига бириктирилган ваколатларни амалга оширишни таъминлайдиган харажатлар ҳажмини белгилашни; бюджетнинг барча даражаларида даромадлар манбасини белгилаш ва ҳуқуқий бириктиришни; ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг барча шаклларини.

Бюджетлараро муносабатларнинг **мақсадлари**: ягона иктисодий маконни яратиш, ҳудудларнинг иктисодий ва ижтимоий ривожланишида ягона минимал стандартларни таъминлаш, тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва

фукараларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш, яъни бутун мамлакат ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг қулай шароитларини таъминлаш.

Мақсадларга эришишни бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш усулларини жамловчи **механизм** таъминлайди. Бу механизм **моделларни** (марказлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва кооператив), **шаклларни** (деконцентрациялаш, делегирлаш (ваколатни ўтказиш), деволюция ва бошқалар.), **усуллар (методлар)ни** (даромадлар ва харажатларни тартибга солиш, трансфертлар, кредитлар, бюджет ссудалари ва бошқалар.) ва **воситаларни** (даромадларни қайта тақсимлаш, харажатларга оид ваколатларни белгилаш) ҳамда бюджетлараро муносабатларни ташкил этишнинг институционал-ҳуқуқий тузилмаларини ўзида мужассамлаштиради.

**Деконцентрациялаш** вазифаларни марказий ҳукуматнинг пойтахтда жойлашган тузилмаларидан уларнинг минтақавий бўлинмаларига ўтказишни назарда tutади. Rondinelli (1981)га кўра, деконцентрациялаш маҳаллий бошқарув тизими бўлиб, бунда қуйи турувчи даражаларнинг барчаси марказий ҳокимият ҳукмини бажарувчилар ҳисобланади ва марказий ҳукумат томонидан тайинланади ёки унга бевосита бўйсунди. Бу маъмурий марказлаштиришдан чиқаришнинг энг содда кўрипишларидан биридир. (52)

**Делегирлаш** – давлат ҳокимиятини, маъмурий ваколатларни ва (ёки) аниқ белгиланган вазифаларни бажариш учун жавобгарликни ё мустақил бўлган, ё марказий ҳукуматга билвосита бўйсунадиган тузилмалар ва ташкилотларга ўтказиш. Одатда, функцияларни бериш марказий вазирликлар томонидан ярим мустақил ташкилотларга нисбатан амалга оширилади. Мазкур ташкилотлар марказий ҳукуматга қисман бўйсундилар, лекин қонунга мувофиқ унинг олдида ҳисобдор бўладилар (масалан, давлат корхоналари, коммунал корхоналар, режалаштириш ва иқтисодий ривожланиш минтақавий ташкилотлари). (52)

**Марказлаштиришдан чиқариш.** Кенг маънода бу атама жавобгарликни турли даражадаги ҳокимият тузилмалари, шу жумладан, миллий ҳукумат, минтақавий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимлаш ҳамда ўтказишнинг барча шаклларини қамраб олади. Тор маънода марказлаштиришдан чиқариш деганда муайян функциялар (ваколатлар)ни маҳаллий даражага бериш тушунилади. (215)

**Қонун йўли билан мустаҳкамланган марказлаштиришдан чиқариш** – марказлаштиришдан чиқаришнинг ўта ривожланган шакли бўлиб, бунда мустақил ташкил этилган маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари муайян ижтимоий хизматлар тўпламини кўрсатиш учун жавоб берадилар, шунингдек, бундай хизматларни молиялаштириш учун солиқлар ва йиғимларни ундириш

ваколатларига эга бўладилар. Бундай тизимда маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари ўз даромадларини йиғиш ва инвестицион қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар. Сиёсий соҳада марказлаштиришдан чиқариш замирида айнан қонун йўли билан мустаҳкамланган марказлаштиришдан чиқариш ётади. (52)

Қонун йўли билан мустаҳкамланган марказлаштиришдан чиқариш одатда, **бюджетни марказлаштиришдан чиқариш** синоними сифатида ишлатилади. Бюджетни марказлаштиришдан чиқаришда маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари аниқ белгиланган харажатларга оид мажбуриятларга, сезиларли даражада мустақил бюджетга эга бўладилар, бунда улар давлат функцияларини бажарувчи ҳудуднинг географик чегараси қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилади. Бюджетни марказлаштиришдан чиқаришнинг субмиллий даражада қарорлар қабул қилишда мустақиллик даражасига мувофиқ келадиган турли хил шакллари мавжуд бўлса-да, “бюджетни марказлаштиришдан чиқариш” атамасининг умумий таърифи бюджетлараро муносабатларнинг сиёсий, иқтисодий ва институционал асосларини ўз ичига олади ҳамда давлат институтларининг самарадорлиги, инфратузилмани молиялаштиришнинг барқарор тизимини яратиш масалаларининг таҳлилидан бюджет трансфертлари механизмларини такомиллаштириш ва ижтимоий таъминот тизимларини қўллаб-қувватлашга бўлган жиҳатларни қамраб олади (Ebel and Hoiga, 1997). (52)

**Девальюция** – бошқарув ёки ҳокимиятнинг бир даражаси ҳуқуқлари ёки бурчларини бошқа даражага ўтказиш. (151)

*Манба:* Развитие бюджетного федерализма: международный опыт и российская практика/Общая ред. Мигары Де Сильвы, Галины Курляндской; Науч. ред. Центр фискальной политики. – М. Изд. «Весь мир», 2006.

Бюджетлараро муносабатларнинг модели деганда, бюджет тизими даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлаш масалаларини ечишда ўзаро муносабатларни ташкил этишнинг асосларини аниқлашга нисбатан институционал ёндашув тушунилади. Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва кооператив моделлари фарқланади.

Бюджетлараро муносабатларнинг **марказлаштирилган модели** қуйидаги принципларга асосланади:

1. Маҳаллий ҳокимият органларининг ўз бюджетларини шакллантиришга доир ҳуқуқларини чеклаш.
2. Давлат бошқаруви бўғинлари ўртасида функционал мажбуриятлар тақсимотининг йўқлиги ёки расмийлиги.
3. Ҳудудий манфаатларнинг миллий эҳтиёжларга бўйсунishi.

4. Солиқ ваколатларини давлат томонидан тақсимлаш ва маҳаллий ҳокимият органларига молиявий ёрдам беришнинг авторитар усули амал қилиши.

5. Давлат тузилиши шаклига боғлиқлик.

Марказлаштирилган моделда маҳаллий бюджетларни шакллантириш марказий бюджет билан узвий боғлиқликда консолидациялашган бюджет режаси доирасида амалга оширилади.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этишнинг ушбу модели ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Афзалликларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бошқаришни ташкил этишнинг ягоналиги; бюджет тизимининг ташкилотчилик қобилиятини ошириш; белгиланган мақсадларга жадал эришишга молиявий ресурсларни йўналтириш; маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлар ваколатларини назоратини яхшилаш ва мувофиқлаштириш; маҳаллий ҳокимият органлари томонидан уларга берилган ваколатлар доирасида маблағларни тақсимлаш борасида ҳато қарорлар қабул қилиш ҳавфини пасайтириш; ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини назорат қилиш ва тенглаштириш.

Камчиликлари: марказий ҳокимият органларининг иш ҳажми кўпайиб кетганлиги сабабли фаолияти самарадорлигининг пасайиши; ҳудудларнинг молиявий таъминоти ва молиявий базасини ривожлантиришнинг заифлашиши; маҳаллий ҳокимият органларининг боқимандалик кайфияти, улар ҳар қандай ҳолатда ҳудудлар бюджетлари баланслаштирилишига ишончлари камлиги.

**Марказлаштиришдан чиқарилган модель қуйидаги принципларга асосланади:**

1. Марказий ҳукумат муниципалитетлар ва минтакаларнинг бюджет жараёнига аралашмайди.
2. Харажатларга оид ваколатлар бошқарувнинг турли даражалари ўртасида қонун йўли билан аниқ белгилаб қўйилади.
3. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг молиявий мустақиллигини ривожлантириш изчил амалга оширилади.
4. Даромадлар манбаларини тақсимлаш бюджет келишувларига мувофиқ амалга оширилади.
5. Марказлаштиришдан чиқарилган бюджет давлат тузилиши шаклига боғлиқ бўлмайди.

Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштиришдан чиқарилган модели иқтисодий ривожланган федератив давлат тузилмасига эга мамлакат-

ларга хос бўлиб, улар ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг бюджет ҳуқуқлари кенгайишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида, умумий давлат харажатларида маҳаллий бюджетларнинг улуши ошиб боришига олиб келади.

Камчиликлари: бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштиришдан чиқарилган моделида ҳукуматнинг макроиктисодий мақсадларга эришиш ва давлатда молиявий имкониятлар мувозанатини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш мураккаблашади; марказлаштиришдан чиқарилган тартибда бюджетлараро муносабатларни бошқариш кўп ҳажмда ахборот талаб қилади ва қарорлар қабул қилишнинг тезкорлиги пасаяди; қарорлар қабул қилишда маҳаллий ҳокимият органлари кўпинча ўзининг ижтимоий-иктисодий сиёсати манфаатларидан келиб чиқади ва давлат аҳамиятига молик мақсадларни доим ҳам ҳисобга олавермайди.

Бюджетлараро муносабатларнинг **кооператив модели** куйидаги принципларга асосланади:

1. Миллий даромадни қайта тақсимлаш ва макроиктисодий барқарорликка эришишда ҳудудий ҳокимиятларнинг кенгрок катнашиши, бу ўз навбатида, ҳудудий ва марказий давлат тузилмаларининг бюджет соҳасидаги ҳамкорлиги кенгайиб боришига кўмаклашади.

2. Солиққа оид даромадларни тақсимлаш тизимида ҳудудий ҳокимиятлар ролини ошириш.

3. Горизонтал бюджет тенглашувининг фаол сиёсати, ҳудудий давлат молиясининг ҳолати, ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси учун марказнинг маъсулиятини ошириш, бу эса ўз навбатида, марказ томонидан назоратнинг кучайишига олиб келади ва ҳудудий ҳокимиятларнинг мустақиллигини маълум даражада чегаралайди (бу бошқарувнинг юқори даражада марказлашувида ҳамда ҳудудий ҳокимиятлар марказий тузилмаларнинг агентларига айланишида намоён бўлади).

Бюджетлараро муносабатларни амалга ошириш усуллари деганда, бу муносабатларни ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ҳолатига шахсий, бириктирилган ва бошқарувчилик даромадлари, трансфертлар, маблағларни мусодара қилиш ҳамда кредитлаш йўли билан таъсир кўрсатиш тушунилади. Функционал, ваколатларни ўтказиш ва баланслаш усуллари фарқланади.

Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган моделига даромадлар қисмида даромадларни трансфертлаш ва бошқариш усуллари, марказлаштиришдан чиқарилган моделига эса – шахсий ва бириктирилган даромадлар усуллари хос.

Харажатлар ваколатларини чегаралаш борасида – марказлаштирилган модель шароитида давлат хизматларини тақдим этиш учун жавобгарликни тақсимлашда **ваколатларни ўтказиш** услуги (методикаси)дан фойдаланилади; марказлаштиришдан чиқарилган модель **функционал** усулга асосланади, бунда ҳокимиятнинг барча даражалари ўртасида компетенция ва харажатлар ваколатлари чегараланади, лекин бунда баъзи бир бюджетлараро муносабатлар механизмларининг мослашувчанлигини таъминловчи харажатлар ваколатларининг ўтказилишига ижозат берилади.

Бюджетлараро муносабатларнинг муҳим жиҳати бюджетни **баланслаш** (тартибга солиш) ҳисобланади. Бунга вертикал ва горизонтал тенглаштириш орқали эришилади.

**Бюджетни тартибга солиш** – бу турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадлар манбасининг конун билан бириктирилган тарзда тақсимланиши, яъни давлат бюджети даромадларини тақсимлаш тартиби (турли даражадаги бюджетлар ўртасида молиявий ресурсларнинг қисман қайта тақсимланиши); ҳудудий бюджетларга минимал ҳажмда зарур даромадлар даражасини таъминлаш мақсадида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига йўналтириладиган маблағларни қайта тақсимлаш.

**Вертикал тенглаштириш** ўзида ҳар бир ҳокимият органи даражасида унинг даромадлар базаси салоҳияти билан харажатлари ҳажми ўртасида мутаносибликка эришиш даражасини ақс эттиради. Агар қуйи даражада даромадлар қисмини таъминлаш бўйича потенциал имкониятлар функцияларни бажариш учун молиялаштиришга етарли бўлмаса, юқори даражадаги ҳокимият шу қуйи даражадаги ҳукуматга етишмаётган бюджет ресурсларини тақдим этади.

Ҳар вертикал тенглаштириш ҳақида борганида, маҳаллий бюджетларнинг харажат функциялари билан уларга бириктирилган даромадлар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш тушунилади. Марказий ҳукумат иқтисодий тартибга солиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиб, маҳаллий бюджетларнинг номутаносиблигини республика бюджети даражасидаги даромадларнинг бир қисмини бериш орқали бартараф этиш зарур. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига бириктирилган функцияларни молиявий таъминлаш учун жавобгар бўлишлари, ўз даромад потенциалини саклаш ва кучайтириш бўйича ҳуқуқларидан масъулият билан ва самарали фойдаланишлари зарур.

Вертикал тенглаштириш бюджетни баланслашнинг барча муаммоларини ечишга имкон бермайди. У бюджетларни горизонтал баланслаш билан уйғунликда амалга оширилиши лозим.

**Горизонтал тенглаштириш** ҳудудларнинг солиқ имкониятларидаги тенгсизликларни бюджет маблағларини ҳудудий тузилмалар ўртасида пропорционал тақсимлаш йўли билан бартараф этишни назарда тутати. Горизонтал тенглаштириш жараёнида қуйидаги ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олиниши зарур: аҳоли сони, аҳоли турмуш даражаси индекси, ҳудудлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг фарқи.

**Бюджетни тартибга солиш усуллари**нинг тўрт гуруҳи фарқланади:

1) бюджет даромадларининг тартибга солувчи манбаларини белгилаш ва тақсимлаш. Даромадларнинг тартибга солувчи манбалари юқори турувчи даража ҳудудларнинг ҳокимият вакиллик органлари томонидан белгиланади (тасдиқланади). Даромадларнинг тартибга солувчи манбаларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш ушбу даромадлардан ажратмаларнинг тасдиқланган нормативлари воситасида амалга оширилади;

2) бюджет манбаларининг ўзини қайта тақсимлаш. Уларга қуйидагилар киради: а) юқори ваколатли органлар томонидан тегишли қуйи ҳудудий даражадаги бюджетларга узоқ муддатга (камида беш йилга) тўлиқ ёки қатъий чекланган фоизда ҳар қандай тартибга солувчи даромадларни бириктириш; б) юқори ваколатли органлар томонидан тегишли қуйи бюджетларга ўзларида бириктирилган даромадларни ўтказиш; в) қуйи бюджетлардан маблағларни юқори турувчи бюджетларга олиш.

3) қуйи бюджетларга юқори даражадаги бюджетларнинг маблағлари ҳисобига беғараз ёрдам кўрсатиш. Бу усуллар гуруҳига дотация, субвенция ва субсидия киради;

4) бир бюджет маблағларидан бошқа бюджетларга ажратиладиган ссудалар.

Тартибга солувчи солиқлар ва даромадлардан ажратмалар – охириги вақтларда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда юқори даражадаги бюджетларга тушаётган солиқлардан маълум даражада тегишли фоиз ўрнатилиб, у ҳудудий бюджетга ажратмалар кўринишида келиб тушади.

**Бюджет дотациялари** – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бу баланслашни таъминлашнинг энг оддий шаклидир, лекин шу билан бир вақтда, у энг номукамал бўлиб, боқимандаликни юзага келтиради.

**Бюджет субвенциялари** – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга ажратиладиган пул маблағлари.

Бу ҳолда маҳаллий бюджетлар транзит ҳисоб рақамлари ролини бажаради, чунки субвенцияларнинг ҳажми ва уларни олувчилар тўғрисидаги қарорлар юқори турувчи даражадаги қонунлар билан белгиланади (масалан, болалар нафақасини тўлаш, ҳудудий мақсадли дастурларни молиялаштириш). Бошқача қилиб айтганда, марказий ҳукумат ўзининг харажат мажбуриятларини маҳаллий органларга ўтказиб, уларни мақсадли маблағлар билан таъминлайди.

**Субсидиялар** – бошқа даражадаги бюджетга, жисмоний ёки юридик шахсга мақсадли харажатларни ҳиссали молиялаштириш шартларида бериладиган бюджет маблағлари. Ўзбекистонда амалда бўлган бюджетлараро муносабатларда мавжуд эмас.

**Бюджет ссудалари** – юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтариш шarti билан ёки республика бюджетидан юридик шахс-резидентга ёки хорижий давлатга ажратиладиган маблағ.

**Бюджет трансферти** – бюджетдан бевосита ёки ваколатли орган орқали юридик ёки жисмоний шахсга бегараз ажратиладиган пул маблағлари.

Хорижий мамлакатлар амалиётида **трансфертлар** – ҳудудлар бюджетларига ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига молиявий ёрдам кўрсатишнинг янги шаклидир. Бу жамғармалар юқори бюджетлар таркибида солиқлар ва йнғимлардан фоизли ажратмалар эвазига шаклланади. Масалан, Россияда молиявий ёрдам кўрсатиш учун бюджетлар таркибида қуйидаги жамғармалар тузилган:

- федерал бюджетда – Минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Минтақавий ривожланиш жамғармаси, Компенсация жамғармаси, Ижтимоий харажатларни қўшма молиялаштириш жамғармаси, Худудий молияни ислоҳ этиш жамғармаси;

- минтақавий бюджетларда – кишлоқларни молиявий қўллаб-қувватлаш худудий жамғармалари, муниципал районларни (шаҳар округларини) молиявий қўллаб-қувватлаш худудий жамғармалари, муниципал ривожланиш худудий жамғармалари ва бошқалар.

Ҳар бир муайян ҳудудга молиявий ёрдам ажратиш зарурияти бюджетни режалаштириш жараёнида уларнинг солиқ салоҳияти ва бюджет таъминотини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

## **1.2. Ҳудудларнинг бюджет маблағлари билан минимал даражада таъминланганлиги: зарурияти, моҳияти, усуллари**

Бюджетлараро муносабатларнинг муҳим мақсадларидан бири минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ягона минимал стандартларни таъминлашдир. Бюджет маблағлари билан минимал даражада таъминланганлик деганда, давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан аҳоли жон боши ҳисобига кўрсатиладиган давлат хизматлари ёки муниципал хизматларнинг йўл кўйиладиган минимал пул қиймати тушунилади.

Ўқув қўлланманинг мазкур қисмида ҳудудларни бюджет маблағлари билан минимал даражада таъминлаш зарурияти, унинг моҳияти ва усулларини кўриб чиқамиз.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бир хил эмаслиги ва бу уларнинг молиявий таъминланганлик даражасида акс этиши туфайли, ҳудудлар доирасида аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражаси, истеъмол даражаси, товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати фарқланади.

Шу билан бир вақтда, мамлакатнинг ўз бюджетини шакллантириш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги, ўз даромадлар базаси ҳажмидан қатъий назар, ўз ҳудудида яшайдиган аҳоли учун давлат томонидан кафолатланадиган ижтимоий хизматларнинг муайян минимумини таъминлаши шарт.

Чет эл, хусусан Россия амалиётида бундай хизматларнинг ҳажми ва тузилиши давлатнинг минимал ижтимоий стандартлари билан белгиланади. Мазкур стандартлар замирида бюджетларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва ҳудудларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам миқдорларини аниқлашда фойдаланиладиган минимал (ҳам натура ҳолида, ҳам пулда ифодаланган) ижтимоий ва молиявий меъёрлар ҳамда нормативлар ётади. Улар таълим, тиббиёт, турар жой, маиший, ижтимоий-маданий хизматлар каби муҳим ижтимоий хизматлар билан аҳолининг зарурий минимал таъминланганлик даражасини акс эттиради.

Давлат ижтимоий стандартлари турларига мисол куйида 1-жадвалда келтирилган:

1-жадвал. Давлат минимал ижтимоий стандартларининг турлари<sup>1</sup>

Т/б №	Амал қилиш соҳаси	Давлат ижтимоий стандартининг тури
1.	Мехнатга ҳақ тўлаш	Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори Бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси
2.	Пенсия таъминоти	Давлат пенсияларининг энг кам миқдорлари
3.	Таълим	Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган таълим муассасаларининг бепул хизматлари тўплами Давлат ва муниципал таълим муассасаларида синфлар ҳамда гуруҳларнинг чегаравий тўлдирилиши, таълим муассасалари умумий майдони ва аҳолини бепул таълим хизматлари билан таъминлаш солиштирма кўрсаткичларининг меъёрлари ҳамда нормативлари Таълим олувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш меъёрлари ва нормативлари
4.	Соғлиқни сақлаш	Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул хизмат турларининг рўйхати Бюджет маблағлари, шунингдек мажбурий тиббий сугурта жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган амбулатория-поликлиника, стационар ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича бепул хизматлар тўплами Шифохона муассасалари, амбулатория-поликлиника муассасалари, дорихоналар, тиббий ёрдам билан таъминланиш нормативлари
5.	Маданият	Бепул хизматлар кўрсатувчи давлат ва муниципал маданият муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул хизматлар тўплами Аҳолининг маданият муассасалари билан таъминланиш меъёрлари ва нормативлари, маданият муассасаларининг турлари бўйича (кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғлари, кинотеатрлар ва кинокурilmалар)

<sup>1</sup> Қаранг: Муниципальные финансы: учебное пособие / Л.Л.Игонина. – М.: Экономист, 2003. – 105-б.

6.	<b>Ижтимоий хизматлар</b>	Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатувчи давлат ва муниципал муассасаларнинг бепул хизматлари тўплами Аҳолининг ижтимоий хизматлар кўрсатиш муассасалари хизматлари билан таъминланиш меъёрлари ва нормативлари
7.	<b>Уй-жой коммунал хизматлари</b>	Аҳолига имтиёзли шартларда кўрсатиладиган уй жой-коммунал хизматлари тўплами Аҳолига уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш минимал даражасининг меъёрлари ва нормативлари

Давлат минимал ижтимоий стандартлари асосида, маҳаллий нархлар ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудни бюджет билан таъминлашнинг минимал даражаси – киши бошига нисбатан бюджет маблағларига зарурий минимал эҳтиёж ҳисоблаб чиқарилиши мумкин. Мазкур кўрсаткич уни тегишли ҳудудда яшовчи аҳоли сонига кўпайтириш йўли билан ҳудуд жорий харажатларининг ҳажмини аниқлаш имкониятини беради.

Россия конун ҳужжатларида ҳар бир муниципал тузилмани минимал бюджет билан таъминлаш тартиби уларга даромад манбаларини доимий ёки узоқ муддатли асосда бириктириш йўли билан белгилаб қўйилган. Ҳудуд минимал бюджетининг даромад қисми мазкур манбалар ҳисобидан таъминланиши мумкин бўлмаган ҳолда, давлат ҳокимияти органлари юқори турувчи бюджетнинг даромад манбаларини қисман ёки тўлиқ ҳажмда маҳаллий ҳокимият органларига беришга мажбурдирлар. Агар бу чоралар маҳаллий бюджетни баланслаш имкониятини бермаса, бу ҳолда юқори турувчи бюджетдан молиявий ёрдам кўрсатилади.

Давлат минимал ижтимоий стандартлари ҳудуднинг бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжини аниқлашда, юқори турувчи бюджетлардан кўйин турувчи бюджетларга молиявий ёрдам ҳажмларини ҳисоблашда, маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланувчиларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини жорий этишда норматив база бўлиб хизмат қилишга қаратилган. Улардан фойдаланиш маҳаллий бюджетларнинг амалдаги ижросини таҳлил қилиш, ҳудуд аҳолиси ҳаётининг сифатига баҳо бериш учун зарурдир.

Ўзбекистон амалиётида бюджетларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳудудларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам ҳажмларини аниқлашда ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштиришнинг вақтинчалик базавий нормативлари қўлланилади. Бу нормативлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал. Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан мөлиялаштиришнинг муваққат базавий нормативлари<sup>2</sup> (сўм ҳисобида)

N	Бюджет ташкилотлари тури	Мөлиялаштириш нормативи кўрсаткичи	Сақлаш учун жами	Жорий харажатларга	Шу жумладан, иш хақи устама ва қўшимчалар билан	Асбоб-ускуналар харид қилишга	Капитал таъмирлашга
1	Болаларни мактабгача таълим муассасалари	бир болага	61 121,00	60 907,00	18 844,00	13,00	199,00
2	Умумтаълим мактаблари, гимназиялар, лицейлар, академик лицейлар	бир ўқувчига	17 992,00	17 918,00	16 003,00	14,00	51,00
3	Мактаб-интернатлар, лицей-интернатлар, тарбияси оғир ўсмирлар учун махсус мактаблар	бир ўқувчига	109 884,00	108 233,00	44 677,00	102,00	674,00
4	Жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар	бир ўқувчига	210 077,00	208 456,00	115 036,00	81,00	935,00
5	"Меҳрибонлик" уйлари (оилавий уйлар бундан мустасно)	бир болага	201 779,00	197 546,00	71 811,00	1 389,00	1 250,00
6	Мактабдан ташқари муассасалар	муассасаларни сақлаш учун тегишли харажатларга нисбатан % да	1,37%	1,37%	1,51%	0,54%	0,84%

16

<sup>2</sup> Мөлия вазирлигининг 2011 йилнинг 18 январдаги 15-сон буйруғи, 2-илова.

7	Болаларнинг етти йиллик мусика мактаблари	бир ўқувчига	24 036,00	23 695,00	22 368,00	89,00	237,00
8	Кечки (сменали) ва сиртки мактаблар	бир ўқувчига	14 858,00	14 747,00	13 954,00	5,00	4,00
9	Ўқувчилар билан методик ҳамда касбга йўналтириш бўйича ишлар, марказлаштирилган бухгалтериялар ва марказлаштирилган тартибда хизматлар кўрсатувчи хўжалик гуруҳлари	таълим муассасаларини сақлаш учун тегишли харажатларга нисбатан фондда	1,21%	1,20%	1,28%	0,71%	2,07%
10	Олий таълим муассасалари, малака ошириш институтлари	бир талабага (тингловчига)	165 138,00	102 358,00	62 780,00	2 412,00	3 672,00
11	Касб-хунар-техника ўқув юртлари	бир ўқувчига	97 291,00	93 543,00	23 289,00	113,00	2 213,00
12	Академик лицейлар	бир ўқувчига	106 580,00	106 580,00	36 450,00	0,00	0,00
13	Касб-хунар коллежлари	бир ўқувчига	67 297,00	67 073,00	34 331,00	142,00	0,00
14	Ўрта махсус ўқув юртлари	бир ўқувчига	73 557,00	71 109,00	25 241,00	128,00	1 276,00
15	Спорт мактаблари	бир ўқувчига	9 813,00	8 164,00	5 040,00	104,00	634,00
16	Ўқув курслари	бир тингловчига	5 129,00	4 685,00	2 553,00	27,00	154,00
17	Маданият ташкилотлари (кутубхоналар, маданият уйлари ва саройлари, музейлар)	бир киши ҳисобига	123,70	109,70	63,80	3,50	2,60

17


18	Шифохоналар	даволанган бир беморга	10 671,00	10 512,00	6 082,00	9,00	84,00
19	Худудий-тиббий бирлашмалар	бир киши хисобига	844,10	840,00	579,90	1,10	3,00
20	Поликлиникалар	бир киши хисобига	385,90	384,60	286,30	0,10	0,30
21	Кишлоқ врачлик пунктлари	бир киши хисобига	25,10	25,10	18,90	0,04	0,05
22	Тез ёрдам ва кон куйиш станциялари	бир киши хисобига	8,30	8,30	2,90	0,01	0,04
23	Санатория-курорт муассасалари	бир ўринга	179 803,00	177 868,00	80 682,00	520,00	415,00
24	Болалар уйи	бир ўринга	164 887,00	159 103,00	97 900,00	686,00	986,00
25	Санитария-профилактика муассасалари	бир киши хисобига	106,40	104,60	78,60	0,60	0,30
26	Эпидфонд бўйича тадбирлар	бир киши хисобига	5,10	5,10	-	-	-
27	Санитария-оқартув уйлари	бир киши хисобига	2,00	1,90	1,40	0,02	0,10
28	Бошқа соғлиқни сақлаш ташкилотлари (сув-тиббий экспертиза бюрослари, латалогоанатомия маркази, ОИТС маркази, РИВЦ)	бир киши хисобига	11,90	11,90	10,10	0,01	0,20
29	Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг марказлаштирилган бухгалтериялари ва марказлаштирилган тартибда хизматлар кўрсатувчи хўжалик	муассасаларни сақлаш учун тегишли харajatларга нисбатан фонда	0,64%	0,63%	0,92%	-	-

30	Қариалар ва ногиронлар учун уй-интернатлар	бир ўринга	320 020,00	303 876,00	68 980,00	13 782,00	2 355,00
31	Ақли заиф болалар учун уй-интернатлар	бир ўринга	346 244,00	332 458,00	91 601,00	13 785,00	38 271,00
32	Реабилитация марказлари	бир ўринга	310 733,00	297 880,00	86 154,00	6 803,00	36 522,00
33	Уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимлари	бир ёлғиз пенсионерга	24 464,00	24 464,00	11 488,00	-	-
34	Тиббий-мехнат экспертиза комиссиялари (ТМЭК)	бир киши ҳисобига	11,20	10,90	9,040	0,14	0,18

Бюджетдан молиялаштиришнинг базавий нормативлари қуйдаги принципларга асосланади (1-схема):

- мамлакат аҳолиснинг кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;
- нормативларнинг иқтисодий ва ижтимоий асосланганлиги;
- уларга риоя этилмаган ҳолда ҳокимият органларининг жавобгарлиги;
- бюджетдан молиялаштириш нормативларини белгилашда халқаро меzonлар ва ёндашувларга мувофиқлик.

1-схема.



Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш стратегияси<sup>3</sup> тадбирлари доирасида Ўзбекистонда бюджетни режалаштириш усуллари такомиллаштирилмоқда. Жумладан, болаларни мактабгача тарбиялаш муассасалари, умумтаълим мактабларини (2008 йилдан)<sup>4</sup> ва бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларини (2005 йилдан)<sup>5</sup> бюджетдан молиялаштириш суммаларининг ҳисоб-китобида жон бошига

<sup>3</sup> <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон Қарори, 3-илова.

молиялаштириш усули қўлланилмоқда. Мазкур усул хизматлардан фойдаланувчиларнинг бир нафарига (бир нафар ўқувчи (тарбияланувчи)га; бириктирилган бир кишига) харажатларнинг базавий нормативларига асосланади.

2010 йилдан бошлаб бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда болалар мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ҳамда харажатларини молиялаштириш тартиби республиканинг барча ҳудудларидаги бундай муассасаларга татбиқ этилмоқда.<sup>6</sup>

Мактаб бюджетининг ҳисоби харажатларнинг базавий меъёрлари асосида, мактаб миқёси коэффиценти ва марказлаштирилган ёки газли иситишга эга мактаблар коэффицентларини қўллаш билан ҳисобланади. Мактаб бюджетини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш амалга оширилади: таълим босқичлари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони; узайтирилган кун гуруҳларига қатновчи ва овқатланувчи болаларнинг сони; уйда ўқийдиган ва мактаб интернатларда ўқийдиган ўқувчилар сони.

Умумтаълим мактаби бюджетини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:<sup>7</sup>

<sup>6</sup> Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган академик лицейларда 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффицентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 32/28-сон қўшма қарори.

Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган касб-хунар коллежларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффицентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 33/29-сон қўшма қарори.

Мактабгача таълим муассасаларида 2010 йил учун бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 34/16-сон қўшма қарори.

Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффицентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори.

$$МБ = (БМЗ_1 \times N_1 + БМЗ_2 \times N_2 + БМЗ_3 \times N_3) \times K_{мм} (K_{индив}) \times K_{то} + БМЗ_4 \times N_4 + БМЗ_5 \times N_5 + БМЗ_6 \times N_6,$$

бу ерда:

**МБ** - мактаб бюджети

**БМЗ<sub>1</sub>, БМЗ<sub>2</sub>, БМЗ<sub>3</sub>** - таълим босқичлари бўйича базавий меъёр;

**N<sub>1</sub>, N<sub>2</sub>, N<sub>3</sub>** - таълим босқичлари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

**K<sub>мм</sub>** - мактаб микёси коэффициенти;

**K<sub>индив</sub>** - уч ёки undan кўп таълим тиллари бўлган умумтаълим мактаблари учун коэффициент;

**K<sub>то</sub>** - марказлаштирилган ёки газли иситишга эга мактаблар коэффициенти;

**БМЗ<sub>4</sub>** - узайтирилган кун гуруҳларига қатновчи бир ўқувчига харажатларнинг базавий меъёрлари;

**N<sub>4</sub>** - узайтирилган кун гуруҳларига қатновчи ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

**БМЗ<sub>5</sub>** - уйда таълим олаётганда базавий меъёр;

**N<sub>5</sub>** - уйда таълим олаётганларнинг ўртача йиллик сони;

**БМЗ<sub>6</sub>** - мактаб қошидаги интернатда яшовчи бир ўқувчига харажатларнинг базавий меъёри;

**N<sub>6</sub>** - мактаб қошидаги интернатда яшовчиларнинг ўртача йиллик сони.

Умумтаълим мактаби бюджетини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқарилади:

1. таълим босқичлари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони - N<sub>1</sub>, N<sub>2</sub>, N<sub>3</sub>;
2. узайтирилган кун гуруҳларига қатновчи ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони - N<sub>4</sub>;
3. уйда таълим олаётганларнинг ўртача йиллик сони - N<sub>5</sub>;
4. мактаб қошидаги интернатда яшовчиларнинг ўртача йиллик сони - N<sub>6</sub>.

Таълим босқичлари умумтаълим мактабидаги бошланғич ва ўрта синфларни гуруҳлашдан иборат:

**N<sub>1</sub>** - 1-босқич (умумтаълим мактабларининг I-IV синфлари);

**N<sub>2</sub>** - 2-босқич (умумтаълим мактабларининг V-IX синфлари);

**N<sub>3</sub>** - 3-босқич (умумтаълим мактабларининг X - XI синфлари), бу синфларда ўқувчиларни тайёрлашни амалга оширувчи мактаблар учун.

Уч ёки undan кўп таълим тиллари бўлган умумтаълим мактаблари учун мактаб микёси коэффициенти (**K<sub>мм</sub>**) ўрнига индивидуал коэффициент (**K<sub>индив</sub>**) қўлланилади:

(БНЗ<sub>1</sub> x N<sub>1</sub>+ БНЗ<sub>2</sub> x N<sub>2</sub>+ БНЗ<sub>3</sub> x N<sub>3</sub>) x K<sub>индив</sub> x K<sub>то</sub>

Индивидуал коэффициент куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{индив.} = C_{вил.} / C_{мактаб.}$$

бу ерда:

**K<sub>индив.</sub>** – уч ёки undan кўп таълим тиллари бўлган умумтаълим мактаблари учун индивидуал коэффициент;

**C<sub>вил.</sub>** – вилоят бўйича синфларнинг ҳисобий тўлиш даражаси;

**C<sub>мактаб.</sub>** – мактабда синфларнинг ўртача тўлиш даражаси.

Харажатлар сметасини, штатлар жадвалларини ва педагог ходимларнинг тарификация рўйхатларини тузиш умумтаълим мактабининг директори ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан белгиланган тартибга қатъий мувофиқ тарзда (иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов, коммунал харажатлар, бошқа жорий харажатлар ва б.) ва ҳажми харажатларнинг базавий нормативларига мувофиқ ҳисобланган маблағлар доирасида амалга оширилади.<sup>8</sup>

Харажатларнинг базавий меъёрлари асосида ҳисоблаб чиқилган умумтаълим мактабларининг бюджетлари суммаси иктисодий таснифга биноан харажатлар гуруҳлари бўйича тақсимланиши зарур. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ бўйича харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича кўрилаётган чораларга мувофиқ,<sup>9</sup> бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларига юридик шахс мақоми берилди ва улар 2005 йил 1 октябрдан бюджетдан молиялаштиришнинг янги тартиби – бириктирилган бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришга босқичма-босқич ўтказилди<sup>10</sup>.

Бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ҳар йили экспериментда иштирок этувчи вилоятларнинг ҳар бир ҳудуд учун алоҳида белгиланади ва куйидаги формула бўйича аниқланади:

<sup>8</sup> Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон Қарори.

<sup>10</sup> Уша ерда, 3-илова.

## ХБНЙ – ВСБЙ х ЎУЙ / АСЙ,

бунда:

**ХБНЙ** – режалаштирилаётган йил учун бир киши ҳисобига харажатларнинг норматив базаси;

**ВСБЙ** – санитария-эпидемиология шохобчалари, капитал қўйилмалар ва режалаштирилаётган йил учун марказлаштирилган тадбирлар харажатларидан ташқари, ҳудудий соғлиқни сақлаш соҳасининг умумий бюджети,

**АСЙ** – режалаштирилаётган йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган ҳудуд аҳолиси сони;

**ЎУЙ** – ҳисобот даврида тегишли ҳудуд соғлиқни сақлаш бюджетига БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиология назорати хизматлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда ҳудуд соғлиқни сақлаш соҳасининг умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда давлат минимал ижтимоий стандартлари учун замин яратилмоқда, деб айтишимиз мумкин. Шу нуқтан назардан, ижтимоий соҳа (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бошқа ижтимоий хизматлар) ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштиришнинг муваққат базавий нормативлари негизида ҳудудлар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг ўсишига қараб вақти-вақти билан қайта кўриладиган донмий базавий нормативларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш зарурлигини қайд этиб ўтиш зарур.

### 1.3. Бюджетлараро муносабатлар тизимининг асосий элементлари<sup>11</sup>

Сўнгги йилларда жаҳонда қарорлар қабул қилишда ҳокимият даражаларининг ваколатларини марказлаштиришдан чиқаришга қизиқиш кучаймоқда. Марказлаштиришдан чиқариш усулини жорий этиш истаги айни кенг тарқалган, чунки ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам марказий ҳукуматнинг стратегиялар ишлаб чиқиш

<sup>11</sup> Материални тайёрлашда қуйидаги манбадан фойдаланилди: Гл. 3. Глобализация и локализация: тенденции и результаты децентрализации. Роберт Д.Эбел, Сердар Йылмаз. Развитие бюджетного федерализма: международный опыт и российская практика / Обшая ред. Мигары Де Сильвы, Галины Курьяндской; Науч. ред. Центр фискальной политики. – М.: Изд. «Весь мир», 2006.

соҳасидаги яккахокимлигини чеклаш йўлида ҳаракатлар кузатилмоқда (World Bank, 1999).

Ғарбда марказлаштиришдан чиқариш ҳукумат ташкилий тузилишини қайта кўриш мақсадида амалга оширилмоқда. Бош мақсад – “Фаровонлик давлати” юзага келган даврда харажатлар бўйича самарали ижтимоий хизматлар кўрсатилишини таъминлаш. Ривожланаётган мамлакатлар бюджетни марказлаштиришдан чиқаришга самарали ва таъсирчан бўлмаган бошқарув, макроиктисодий бекарорлик, иктисодий ўсиш суръатларининг ҳаддан ташқари, пастлиги муаммоларини ечиш учун мурожаат этмоқдалар.

Бюджетни марказлаштиришдан чиқаришнинг мақсади – давлат хизматларининг самарадорлигини янада ошириш. Stigler (1957) фикрига кўра, халқ манфаатларини ифода этувчи ҳукумат халққа қанча яқин бўлса, шунча самарали ишлайди. Бюджетни марказлаштиришдан чиқаришнинг иктисодий асослари замирида аллокацион самарадорлик омили ётади. Ўзининг давлат молияси назариясига бағишланган асарида Musgrave (1959) ҳокимият субмиллий органларининг ёндашувлари тегишли вилоятлар аҳолисининг манфаатларини ифода этиш учун ҳар хил бўлиш имкониятига эга бўлиши лозимлигини қайд этади. Stigler ва Musgrave келтирган далилларни ривожлантирар экан, Oates (1972) марказлаштиришдан чиқариш теоремасини таърифлади:

Давлатнинг ҳар бир хизмати – уни кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ва бундан кўриладиган нафларнинг уйғунлиги таъминланадиган минимал географик вилоятни назорат қилувчи тузилма томонидан кўрсатилиши лозим.

Марказлаштиришдан чиқариш теоремаси умумий маънодаги бюджетни марказлаштиришдан чиқариш соҳасидаги ҳаракатлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Аммо турли мамлакатларда иктисодий ва сиёсий тузилишда фарқлар мавжудлиги туфайли марказлаштиришдан чиқаришнинг белгиланиши ва амалга оширилиши бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Бу ҳар хиллик турли мамлакатлардаги марказлаштиришдан чиқариш даражасини ўлчаш ва таққослашни, шунингдек, муайян ҳулосалар чиқаришни қийинлаштиради.

**Бюджетлараро муносабатлар тизимининг таркибий элементлари.** Самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик мақсадларига эришишни,


шунингдек, аҳолининг турли гуруҳлари ва географик ҳудудларга нисбатан адолатлилики, давлатнинг яхлитлиги ва сиёсий барқарорликнинг сақланишини таъминлашга мумкин қадар қўмаклашишга қодир бўлган бюджетлараро муносабатларнинг ҳар томонлама мукамал тизими марказлаштиришдан чиқаришни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий шунингдек, институционал ривожланиши билан боғлашни назарда тутати.

Бюджетлараро муносабатлар тизимининг асосий таркибий элементлари 2-схемада кўрсатилган.

Уларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

**1. Харажатларга оид ваколатларни мустаҳкамлаш** – бюджетлараро муносабатлар тизимини яратиш йўлида ташланган биринчи қадам. Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштиришдан чиқарилган тизимида харажатлар бўйича аниқ вазифалар мавжуд бўлмаган ҳолда даромадлар ва трансфертлар элементларининг яратилиши марказлаштиришдан чиқариш жараёнини заифлаштириши мумкин (Martinez-Vazquez, 1994). Лотин Америкаси ва Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатларида асосий эътиборни даромадларга қаратиш одат тусини олган, харажатларга оид мажбуриятларни аниқ белгилашга эса лозим даражада эътибор берилмаган. Охир-оқибатда бу марказлаштиришдан чиқарилган тизимларнинг заифлашувиغا олиб келди ва марказий ҳукумат елкасига тушувчи юкнинг ҳаддан ташқари оғирлашувини белгилади.

**2-схема. Бюджетлараро муносабатлар тизимининг таркибий элементлари**



Маҳаллий даражада мажбуриятлар аниқ белгилаб қўйилмагани уч салбий натижага олиб келади:

1). Мажбуриятлар аниқ бўлмаса, тегишли зарурий даромадлар ҳам аниқ белгиланмайди;

2). Мажбуриятлар аниқ бўлмаган шароитда маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари минтақа иқтисодиётига узок муддатли истикболда самара келтирувчи лойиҳаларга (масалан, инфратузилма, таълим ва бошқалар) инвестицияларни амалга ошириш ўрнига, қисқа муддатли самара берадиган популистик лойиҳаларни амалга оширишга берилиб кетишлари мумкин;

3). Қуйи турувчи даражада амалга ошириладиган харажатлар, хусусан, маҳаллий аҳамиятга молик устувор вазифалар ёки марказ томонидан белгиланган дастурлар биринчи даражали аҳамият касб этиши аниқ бўлмайди.

Марказлаштиришдан чиқарилган тизимнинг самарадорлиги харажатлар бўйича мажбуриятларнинг у ёки бу хизматни мустаҳкамлашда қўйиладиган мақсадларга мувофиқлиги билан таъминланади. АҚШ Бюджетлараро муносабатлар бўйича консултатив комиссиясининг давлат функциялари ва жараёнларига доир маърузасида (1974) функцияларни белгилашда фойдаланиладиган қуйидаги асосий мезонлар келтирилган (3-схема):

- иқтисодий самарадорлик;
- бюджетнинг адолатлилиги;
- сиёсий ҳисобдорлик;
- маъмурий самарадорлик.

Тавсифларга кўра, харажатларга онд ваколатлар қуйидагиларга қодир бўлган бошқарув тузилмаларига берилиши лозим:

- 1) энг арзон нархларда хизматлар кўрсатишга;
- 2) бюджетни тенглаштиришнинг юксак даражасида у ёки бу функцияни молиялаштиришга;
- 3) лозим даражадаги жамоатчилик назорати остида хизматлар кўрсатишга;
- 4) у ёки бу функцияни истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаган ҳолда самарали ва оқилона бажаришга.<sup>12</sup>

Юқорида зикр этилган омиллардан келиб чиқиб, марказий ҳукумат ёки бошқа ҳар қандай бошқарув органи муайян функцияни қай даражада

<sup>12</sup> ACIR (1974), Governmental Functions and Processes: Local and Areawide. Advisory Commission on Intergovernmental Relations, A-45, Washington D.C., p.7

самарали бажариши мумкинлиги аникланади. Бу омиллар иқтисодий, сиёсий ва маъмурий мулохазаларни миқдор ўзгарувчиси билан нисбатлашга ёрдам беради.<sup>13</sup>

1). *Иқтисодий самарадорлик*: функциялар қуйидаги хоссалар билан тавсифланувчи юрисдикцияларга бириктирилиши лозим:

- кўламда иқтисод қилиш имкониятидан фойдаланиш учун анча йирик ва кўламдан зарар кўрмаслик учун анча кичик (кўламда иқтисод қилиш);

---

<sup>13</sup> Ўша ерда.



**Манба:** ACIR (1974), *Governmental Functions and Processes: Local and Areawide. Advisory Commission on Intergovernmental Relations.* A-45, Washington D.C. дан мослаштириб олинди

- ўз фуқароларига муқобил хизматларни ва муайян хизматларни маҳаллий аҳолига мақбул бўлган нархлар доирасида ҳамда лозим даражада самарали кўрсатишга тайёр (давлат секторидаги рақобат);

- имкониятга қараб ўз функцияларига нисбатан нархлар белгилашни назарда тутати (давлат секторида нархларни белгилаш).

2). *Бюджетнинг адолатлилиги*. Тегиншли функциялар қуйидаги хоссалар билан тавсифланадиган юрисдикцияларга бириктирилиши лозим:

- мазкур функцияни бажариш билан боғлиқ фойда ва харажатларни камраб олиш учун лозим даражада йирик ёки функцияни бажариш ёхуд фойда олиш муносабати билан қилинган харажатларни бошқа юрисдикцияларга қоллашга тайёр (иктисодий экстерналиялар);

- ўзларининг ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларини молиялаштириш учун етарли бюджет имкониятларига эга ва у ёки бу функцияни бажаришда фуқаролар ҳамда юрисдикцияга нисбатан бюджетнинг адолатлилигини таъминловчи чоралар кўришга тайёр (бюджетни тенглаштириш).

3). *Сийсий ҳисобдорлик*: функциялар қуйидаги хоссалар билан тавсифланувчи юрисдикцияларга бириктирилиши лозим:

- ўз аҳолиси томонидан назорат қилинади, ўзининг ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича вазибаларини очик бажаради ва аҳоли олдида ҳисобдор (очиклик ва назорат);

- функцияни бажаришда фуқаролар фаол ва унумли иштирок этишлари учун қулай шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратади (фуқаролар иштироки).

4). *Маъмурий самарадорлик*: функциялар қуйидаги хоссалар билан тавсифланадиган юрисдикцияларга бириктирилиши лозим:

- турли-туман функциялар учун жавоб беради ва қарама-қарши функционал манфаатларнинг уйғунлигини таъминлай олади (кўп мақсадли хусусиятга эгаллик);

- функцияни самарали бажариш учун етарли бўлган географик ҳудудни камраб олади (географик етарлили);

- ижтимоий функцияларни амалга ошириш мақсад ва воситаларини аниқ белгилайди ҳамда дастур мақсадларини олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўради (бошқарув салоҳияти);

- турли ҳудудлар ўртасида функционал рақобат манфаатларида ва функционал зиддиятларни камайтириш учун бошқарувнинг турли даражалари ўртасидаги муносабатлар стратегиясига амал қилишга тайёр (турли ҳудудлар ўртасида ўзаро алоқаларда мослашувчанлик), шунингдек,

функцияларни бажариш учун етарли бўлган юридик ваколатларга эга ва функцияларни амалга оширишда уларга таянади (юридик базанинг етарлилиги).

АҚШ Бюджетлараро муносабатлар бўйича консултатив комиссиясининг маърузасида кўрсатилган хусусиятлар харажатларга оид ваколатларни белгилашда бир-бирига зид тавсиялар пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги ва айти шу сабабли функционал ваколатларни белгилашда уларни марказлаштиришдан чиқариш вазифаларидан келиб чиқиб, бир-бири билан таққослаш лозимлиги таъкидланади. Масалан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига таълим соҳасида хизматлар кўрсатиш учун жавобгарлик юклатилган бўлса, фаровонлик даражаси юқорироқ бўлган юрисдикциялар мазкур функцияни бажаришга қашшоқроқ юрисдикцияларга караганда, кўпроқ маблағларни йўналтиришлари мумкин. Шу сабабли маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органига мазкур функциянинг бириктирилиши бюджетни тенглаштириш мезонига зид бўлади. Шу билан бир вақтда, унинг марказий ҳукуматга бириктирилиши маҳаллий аҳоли мазкур функциянинг бажарилиши устидан сиёсий назоратни йўқотишини аниқлатади.

Давлат молияси статистикасининг 1998 йил учун Ахборотномасига киритилган мамлакатларда харажатлар таркибий тузилишининг таҳлили кучли “окувчанлик эффекти” билан тавсифланадиган функциялар (масалан, мудофаа ва ижтимоий таъминот) фақат марказий ҳукумат томонидан бажарилишини, юқсак даражада сиёсий ҳисобдорликни талаб этувчи функциялар эса (масалан, таълим), федератив давлатларда ҳам, унитар давлатларда ҳам маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёрига берилганини аниқлаш имкониятини берди.

Назарий нуқтаи назаридан, харажатларга оид ваколатлар ва функцияларнинг бюджет даражалари ўртасида қуйидагича тақсимланиши, айниқса, мақсадга мувофиқдир (3-жадвал):

3-жадвал. Харажатларга оид ваколатлар ва функцияларнинг бюджет даражалари ўртасида тақсимланиши (назарий ёндашув)<sup>14</sup>

Харажатлар ва функцияларнинг турлари	Сўсат, стандартлар ва назорат	Амалга ошириш ва бошқариш	Изоҳлар
Мудофаа	Ф	Ф	Умумий миллий миқёсдаги фойда ва харажатлар
Халқаро муносабатлар	Ф	Ф	---
Халқаро савдо	Ф	Ф	---
Пул-кредит сўсати	Ф	Ф	
Минтақаларо савдо	Ф	Ф	
Аҳолига трансфертлар	Ф	Ф	Қайта тақсимлаш
Тармоқлар ва корхоналар бўйича субсидиялар	Ф	Ф	Минтақавий ривожланиш, саноатга оид сўсат
Иммиграция	Ф	Ф	Умумий миллий миқёсдаги фойда ва харажатлар
Ишсизлик бўйича суғурта	Ф	Ф	---
Ҳаво ва темир йўл транспорти	Ф	Ф	
Солиқ-бюджет сўсати	Ф, Р	Ф, Р, М	Мувофиқлаштириш имконияти мавжуд
Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш	Ф	Ф, Р, М	Умумий ички бозорни муҳофаза қилиш
Табий ресурслар	Ф	Ф, Р, М	Ички бозорнинг ривожланишига қўмаклашади
Атроф муҳит	Ф, Р, М	Р, М	Умумий миллий, минтақавий ёки маҳаллий миқёсда фойда ва харажатлар бўлиши мумкин

<sup>14</sup> Anwar Shah. The Reform of Intergovernmental Fiscal Relations In Developing & Emerging Countries, Policy and research Series N 23, World Bank 1994.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги	Ф, Р, М	Р, М	Сезиларли даражада минтакалараро таъкир эффектлар
Таълим	Ф, Р, М	Р, М	Натура ҳолидаги трансфертлар
Соғлиқни сақлаш	Ф, Р, М	Р, М	---
Ижтимоий таъминот	Ф, Р, М	Р, М	
Полиция	Р, М	Р, М	Асосан маҳаллий миқёсда фойда кўрилади
Сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни утиллаштириш	М	М	---
Енгиндан муҳофаза	М	М	---
Истрохат боғлар ва жамоат дам олиш жойлари	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Асосан маҳаллий ҳокимият органлари функцияси, лекин миллий ёки минтакавий боғлар ташкил этилиши ҳам мумкин
Федерал аҳамиятга молик йўллар	Ф	Р, М	Умумий ички бозор
Минтакавий аҳамиятга молик йўллар	Р	Р, М	Минтакавий миқёсдаги фойда ва харажатлар
Маҳаллий йўллар	М	М	Маҳаллий миқёсдаги фойда ва харажатлар
Молиявий ёрдам	Ф, Р	Ф, Р	Ўз мақсадларига эришиш учун бюджет трансфертлари
Ф – федерал даража, Р – регионал (минтакавий) даража (федерация субъектлари), М – маҳаллий (муниципал) даража			

2. Даромадларни белгилаш. Марказлаштиришдан чиқаришнинг пировард мақсади маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари охир-оқибатда маҳаллий даражада кўрсатиладиган хизматларни ўз куч ва воситалари билан молиялаштириш ваколатларини олишлари ҳамда бунинг учун уларга жавобгарлик юклатилишига эришишдан иборатдир. Даромадларга нисбатан бюджетнинг тўла мустақиллиги умуман олганда, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари солиқларнинг ставкаларини ўзгартириш ва солиқ солиш базаларини белгилаш имкониятига эга бўлишларини талаб этади.

Турли солиқ солиш тизимларида маҳаллий бюджетлар мустақиллигининг турли хил даражаларига мисоллар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал. Қуйи турувчи бошқарув даражаларининг бюджетга оид мустақиллиги<sup>15</sup>

Ўз солиқлари	База ва ставка маҳаллий даражада назорат қилинади
Такрорланувчи солиқлар	Умуммиллий солиқ базаси, лекин ставкалар маҳаллий даражада назорат қилинади.
Солиқсиз тушумлар	Йиғимлар ва тўловлар. Одатда марказий ҳукумат бундай йиғимлар нималарга нисбатан жорий этилиши мумкинлигини, шунингдек, уларнинг ундирилишни тартибга солувчи қоидаларни белгилаб қўяди.
Қўшма солиқлар	Умуммиллий солиқ базаси ва ставкалар, лекин солиқ тушумларининг қайд этилган қисми (ҳар бир солиқдан ёки турли хил солиқ манбалари ҳисобидан ҳосил қилинадиган «ПУЛ»дан келган тушумлар) қуйи турувчи даража бюджетига (1) ҳар бир юрисдикцияда олинадиган даромад ҳажмларидан келиб чиқиб (бу ёндашув «ажратиб олиш принципи» деб ҳам аталади) ёки (2) бошқа мезонлардан, қонда тарикасида – аҳоли сони, харажатларга бўлган эҳтиёжлар ва (ёки) солиққа оид имкониятлардан келиб чиқиб тушади.
Мақсадсиз дотациялар	Қуйи турувчи даража бюджетларига тушувчи улуш марказий ҳукумат томонидан қайд этилган (одатда, қайта тақсимлаш элементи мавжуд), лекин маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бу маблағларни нимага сарфлашни ўзлари белгилай олмайдилар; маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига ажратиладиган суммалар уларнинг куч-ғайрати ва имкониятларига боғлиқ бўлиши мумкин.
Мақсадли дотациялар	Дотациянинг мутлак суммаси марказий ҳукумат томонидан белгиланиши ёки “очиқ” (яъни маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланувчи харажатлар даражасига боғлиқ) бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай шароитда бу маблағларнинг сарфланишига асос бўладиган дастурлар марказий ҳукумат томонидан белгиланади.

<sup>15</sup> Anwar Shah. The Reform of Intergovernmental Fiscal Relations In Developing & Emerging Countries, Policy and research Series N 23, World Bank 1994.

Бюджет федерализми ва маҳаллий молияга бағишланган адабиётларда (Oates, 1972; Bird, 2000) бошқарувнинг турли даражаларига даромадларни бириктиришнинг қуйидаги умумий принциплари келтирилган:

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилган солиқ базаси ҳаракатсиз ҳамда, маҳаллий ҳокимият органлари солиқ ставкаларига ўзгартиришлар киритиш борасида муайян эркинликка эга бўлишлари лозим. Турли юрисдикциялар ўртасида солиқ базасининг ҳаракатчанлиги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари учун ишлаб чиқаришнинг ҳаракатчан омилларига солиқ солишни қийинлаштиради;

- қайта тақсимлашга қаратилган солиқлар марказий ҳукуматга бириктирилиши лозим. Қайта тақсимлашга қаратилган солиқлар ишлаб чиқаришнинг ҳаракатчан омилларидан ундириладиган бўлса, бундай омилларни турли юрисдикцияларида жойлаштириш ўз самарадорлигини йўқотиши мумкин. Қайта тақсимлашга қаратилган солиқларнинг бир хиллиги жойларда олиб борилаётган иқтисодий фаолиятдаги тафовутларни мумкин қадар камайтиради;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар фойдаланувчилардан олинадиган ҳақ ҳамда олинадиган фойдага боғланган бошқа йиғимлар ва солиқлар ҳисобидан молиялаштирилиши лозим. Ресурсларни самарали жойлаштириш учун маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз харажатларини тегишли хизматлардан фойдаланувчи бенефициарлар ҳисобига қоплашлари талаб этилади. Хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадларга мисол тариқасида транспорт воситалари, ёнилғига олинадиган солиқлар ва қурилиш ишлари учун йиғимни келтириш мумкин;

- норезидентларга солиқ экспортини амалга ошириш имконияти берилмаслиги керак;

- йиғиш вақтида кўламдан сезиларли даражада иқтисод қилиш имкониятини берувчи солиқлар марказлаштирилиши лозим;

- мавсумий тебранишлар билан тавсифланадиган солиқлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фискал ваколатларни суинистеъмол қилишларига йўл қўймаслик учун солиқ ставкасига цикли тузатишлар киритилиши қарши тизим билан муҳофазаланиши лозим;

- нотекис тақсимланган солиқ базасидан ундириладиган солиқларни марказлаштириш талаб этилади. Солиқ базалари маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида нотекис тақсимланиши айрим ҳудудлар аҳолисига бошқа ҳудудларда ундириладиган солиқлар юки тушишига олиб келади. Бундай амалиётга ёрқин мисол – табиий ресурсларга солиқ солиш;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларига бириктирилган худуд доирасида олган даромад маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун етарли ва лозим даражада ҳаракатчан бўлиши, яъни унинг ўсиш суръатлари ҳеч бўлмаса, эҳтиёжларнинг ўсиш суръатларидан оқсамаслиги керак;

- даромад барқарор ва олдидан аниқ бўлиши лозим;

- даромадларни йнгиш тизими фойдаланиш учун содда ва қулай бўлиши, самарадорлик ва унумдорликни таъминлаш лозим;

- маҳаллий солиқлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг жавобгарлигини рағбатлантириш учун очик ва ошқора бўлиши керак.

Назария нуқтаи назаридан солиқларнинг бюджет тизими даражалари ўртасида қуйидагича тақсимланиши, айниқса, самаралидир (5-жадвал):

5-жадвал. Бюджет тизими даражалари ўртасида солиқларнинг тақсимланиши<sup>16</sup>

Солиқ тури	Белгиланиш даражаси		Йнгиш ва бошқариш	Изоҳлар
	солиқ базаси--нинг	солиқ ставкаси--нинг		
Божхона божлари	Ф	Ф	Ф	«Самарасиз» солиқ, ривожланаётган мамлакатлар бюджети даромадларида улуши анча катта
Фойда солиғи	Ф	Ф	Ф	Ҳаракатчан солиқ базаси, барқарорлаштириш воситаси
Табий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ				
Рента	Ф	Ф	Ф	Нотекис тақсимланган солиқ базаси
Роялти	Р, М	Р, М	Р, М	Олинган фойда принципига мувофиқ тўлов
Атроф-мухитни муҳофаза қилиш мақсадларига қаратилган тўловлар	Р, М	Р, М	Р, М	

<sup>16</sup> Anwar Shah. The Reform of intergovernmental Fiscal Relations In Developing & Emerging Countries. Policy and research Series N 23, World Bank 1994.


Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Ф	Ф, Р, М	Ф	Қайта тақсимлаш, барқарорлаштириш воситаси, ҳаракатчан солиқ базаси
Бойлик учун солиқ	Ф	Ф, Р	Ф	Қайта тақсимлаш воситаси
Иш хақи фонди учун солиқ	Ф, Р	Ф, Р	Ф, Р	Ижтимоий сугурта
Сотувлардан олинадиган кўп даражали солиқ (ККС)	Ф	Ф	Ф	Ставкалар ва базалар минтакалар бўйича ҳар хил бўлса, марказлаштиришдан чиқарилган бошқарувни амалга ошириш жуда кийин
Сотувлардан олинадиган бир даражали солиқ	Ф, Р	Р, М	Ф, Р, М	Бюджет тизимининг барча даражаларига мос келади (маҳаллий даража учун потенциал хавф – солиқ экспорти)
Тамаки ва алкогольли маҳсулотлар учун акциз солиғи	Ф, Р	Ф, Р	Ф, Р	Соғлиқни сақлаш – қўшма функция
Қиморхоналар, лотереялар, пул тикиб ўйналадиган бошқа ўйинлардан олинадиган солиқлар	Р, М	Р, М	Р, М	Қимор ўйинларини тартибга солиш минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида
Дунё миқёсида атроф-мухитнинг ифлосланишига (масалан, иқлим ўзгаришига) сабаб бўлувчи омилларга солиқлар	Ф	Ф	Ф	Дунё миқёсида таъсир кўрсатадиган омиллар федерал даражада тартибга солишни талаб этади
Ифлосланишнинг бошқа омиллари	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ифлосланишнинг таъсири миллий, минтақавий, маҳаллий бўлиши мумкин
Мотор ёнилғисига олинадиган солиқ	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Федерал, минтақавий, маҳаллий йўллардан катнаганлик учун тўланадиган ҳақ

Саноат билан боғлиқ ифлосланишга солинадиган солиқ	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Минтакалараро, минтакавий ва маҳаллий даражада ифлосланишни тартибга солиш учун
Йўлларда автомобилларнинг «пробкалари» учун йиғим	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Федерал, минтакавий, маҳаллий йўллардан қатнаганлик учун тўланадиган ҳақ
Парковка учун йиғим	М	М	М	Ички «пробкалар»ни тартибга солиш учун
Автомобилларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ва йиллик тўловлар	Р	Р	Р	Тегишли функция минтакавий ҳокимият органлари ихтиёрига берилган
Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун йиғим	Р	Р	Р	---
Бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун солиқ	Р	Р	Р	Олинган фойда принципига мувофиқ тўлов
Акциз солиғи	Р, М	Р, М	Р, М	Ишлаб чиқариш жойида солиқ солиш ( <i>resident -based taxation</i> ) солиқ экспортининг олдини олади
Кўчмас мулкдан олинадиган солиқ	Р	М	М	Ҳаракатсиз солиқ базаси, олинган фойда принципига мувофиқ тўлов
Ер солиғи	Р	М	М	---
Фасаднинг узунлиги учун солиқ	Р, М	М	М	Харажатларни қоплаш принципи (йўллар қурилишига)
Жон бошига олинадиган солиқ	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Хизматлар учун ҳақ
Бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун йиғим	Ф, Р, М	Ф, Р, М	Ф, Р, М	---

**3. Бюджетлараро трансфертлар.** Даромадлар ва харажатларнинг белгиланиши бюджетлараро молия тизимида вертикал ҳамда горизонтал номутаносибликлар пайдо бўлишига олиб келади. Ҳар қандай бюджетлараро трансфертлар тизими икки даражада амал қилади: (i) **вертикал даражада** (даромадларни марказ ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимлаш) ва (ii) **горизонтал даражада** (молиявий ресурсларни уларнинг олувчилари ўртасида жойлаштириш).

Вертикал номутаносиблик маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органининг харажатларга оид мажбуриятлари унинг даромадларни йиғиш бўйича ваколатлари билан мувофиқ келмаган ҳолда юзага келади. 1-гистограмма вертикал номутаносиблик барча минтақаларда мавжудлигини кўрсатади.

**1-гистограмма. Минтақалар бўйича вертикал номутаносиблик**



Эслатма: қуйи турувчи даражалардаги харажатларда бошқарувнинг қуйи турувчи даражаларига трансфертлар улуши сифатида ўлчанади. Маълумотлари мавжуд бўлган мамлакатлардаги сўнги кузатишларнинг ўртача арифметик киймати. Қавс ичидаги рақамлар маълумотлари мавжуд мамлакатлар сонини акс эттиради.

Барча минтакаларда маҳаллий бюджетлар даромадларининг тахминан 30 фоизи бюджетлараро трансфертлар сифатида олинади. Горизонтал номуаносиблик ўхшаш функцияларни бажариш учун зарур бўлган бюджет салоҳияти турли маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида ҳар хил бўлган ҳолда юзага келади. Бундай номуаносибликлар муаммоси жаҳон амалиётида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига ўзларига бириктирилган функцияларни бажариш имкониятини берувчи турли-туман трансфертлар воситасида ҳал этилади.

Трансфертлар механизмларининг турли шакллари: даромадлар ва солиқ базаларида биргаликда иштирок этиш, белгиланган ва мақсадсиз дотациялар тизимлари мавжуд. Марказий ҳукумат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари даромадларни муайян формула бўйича тақсимлашлари ёки битта солиқ базасидан баҳамжihat фойдаланишлари мумкин, бунда бошқарув даражаларидан бирига солиқ ставкасига устама белгиланади.

Дотациялар тизимлари яратилган ҳолда белгиланган дотацияларни ажратиб олувчи ўз улуши билан иштирок этишни талаб қилади. Мақсадсиз дотациялар улардан фойдаланиш усуллари бирон-бир тарзда чекланмасдан берилади. Трансфертлар механизмнинг танланиши бюджетлараро муносабатларга оид сиёсат кўзлаган мақсадлар билан белгиланади. Агар бу тизим вертикал номуаносибликни бартараф этишдангина манфаатдор бўлса, вазифа ё даромадларда биргалашиб иштирок этиш йўли билан, ё “тирқишлар”ни мақсадсиз дотациялар воситасида беркитиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин. Горизонтал номуаносибликлар маҳаллий ҳукуматнинг маҳаллий бюджетларга тенглаштирувчи трансфертлари ёрдамида ҳал қилиниши мумкин. Бироқ амалда горизонтал номуаносибликлар даражасини ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг бюджетга оид имкониятларини ўлчаш анча оғир иш, айни шу сабабли бундай ўлчашлар айрим мамлакатлардагина амалга оширилади. Хусусан, горизонтал номуаносибликларнинг атрофлича таҳлили Австралия, Канада ва Германияда амалга оширилади (Ahmad and Craig, 1997).

Мамлакатда бюджетлараро трансфертлар тизими одатда турли вазифаларни ҳал қилишга қаратилади ва аксарият ҳолларда бунга воситалардан уйғунликда фойдаланиш йўли билан эришилади. Ahmad and Craig (1997)га кўра, **вертикал ва горизонтал номуаносибликларни бартараф этишнинг уч усули мавжуд:**

1). Ҳар бир номуаносибликни бартараф этиш учун ўз воситаларидан фойдаланиш. Вертикал номуаносиблик муаммоси ҳар бир даражада

солиқларда биргалашиб иштирок этиш ёки марказлаштирилган молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан ҳал қилинади. Сўнгра горизонтал номутаносиблик бюджет имкониятлари кенгроқ бўлган минтақалардан бундай имкониятлар пастроқ бўлган минтақаларга ўтказиладиган тўловлар воситасида бартараф этилади. Мазкур модель Германияда қўлланилади.

2). Тенглаштирувчи дотацияларнинг комплекс тизимини жорий этиш: вертикал ва горизонтал номутаносибликлар муаммолари бир вақтнинг ўзида дотациялар тизими орқали, шу жумладан, тенглаштирувчи йиғимлар ва мақсадли дотациялар ёрдамида ҳал қилинади. Мазкур ёндашув Канада ва Австралияда қўлланилади.

3). Фақат вертикал номутаносибликни бартараф этиш ва горизонтал номутаносибликка эътибор бермаслик. Биринчи ҳолатдаги каби, вертикал номутаносиблик солиқларда биргалашиб иштирок этиш ёки марказлаштирилган молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан бартараф этилади, лекин горизонтал номутаносибликни бартараф этиш бўйича ҳеч қандай чоралар кўрилмайди. Мазкур усул капитал ва ишчи кучида акс этади, аниқроқ айтганда, меҳнатга ҳақ тўлашдаги фарқлардагина эмас, балки турли минтақаларда кузатиладиган соф фискал фойдада (давлат харажатлари амалга оширилганидан ва солиқлар тўланганидан сўнг ҳосил бўладиган соф фойдада) ҳам намоён бўлади. Марказий ҳукуматнинг мақсадларига эришилишига мақсадли дотациялар кўмаклашиши, улар фаолиятнинг айрим соҳаларида горизонтал номутаносибликлар пасайишига олиб келиши мумкин. Шунга ўхшаш усул АҚШда қўлланилади.

Бюджетлараро трансфертлар тизимини яратишда куйидаги уч омилни ҳисобга олиш талаб этилади: тақсимланадиган маблағлар ҳажми, трансфертларни тақсимлаш учун асос ва уларни тақдим этиш шартлари (Bird, 2000). Тақсимланадиган маблағлар ҳажми қандай белгиланиши бюджетлараро муносабатлар тизимининг барқарорлигига муҳим таъсир кўрсатади. Барча марказий солиқларнинг қайд этилган муайян қисмидан биргаликда фойдаланиш трансфертлар тизимини яратишнинг бу масалада тизимнинг йўқлигига караганда, самаралироқ усулидир. Даромадларда иштирок этиш эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, формулага мувофиқ амалга оширилиши лозим. Дастлабки икки омил аниқланганидан сўнг, трансферт тақдим этиш бирон-бир кўрсаткичга боғланиши лозимми, деган охириги саволга жавоб топиш талаб этилади. Харажатларни амалга ошириш шартлари маблағлар аниқ бир хизматни кўрсатишга йўналтирилишини таъминлайди. Бошқа томондан, муайян натижаларга

эришишни талаб этувчи шарт трансфертни натижалар мезони билан боғлайди.

Назарий нуктаи назаридан бюджетлараро молиявий ёрдам тизими грантларнинг икки турига: лимитланмаган улушли грантлар ва мақсадсиз блокли грантларга асосланиши лозим. Турли хил грантларни амалда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал. Бюджетлараро муносабатлар тизимида грантлар<sup>17</sup>

Грантни беришдан қўзланган мақсад	Грант тури
1. Ташқи самара (экстерналиялар)ни тартибга солиш. Масалан, минтака нафақат ўз аҳолисига, балки кўшни ҳудудларда яшайдиган аҳолига ҳам фойда келтирувчи ижтимоий неъмат ишлаб чиқаради. Мазкур неъматни ишлаб чиқаришда сиртдаги истеъмолчилар оладиган фойда ҳисобга олинмайди, айни шу сабабли у етарли бўлмаган миқдорда яратилади	Мазкур неъматни ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантирувчи грант – лимитланмаган улушли мақсадли грант
2. Барча ҳудудлар ўхшаш солиққа оид шароитларда ижтимоий неъматларнинг тахминан бир хил минимал тўпламини тақдим эта олишлари учун солиштирма солиқ салоҳиятини тенглаштириш (бюджетни горизонтал тенглаштириш)	Ҳисоб-китоб шартлари формалаштирилган блокли мақсадсиз грант
3. Солиқларни йиғишнинг марказлаштирилган усули самаралироқ бўлган ҳолларда минтақавий бюджетларнинг даромадларини марказлаштирилган бюджетнинг солиқ тушумлари ҳисобидан тўлдириш	Блокли мақсадсиз грант

4. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари жалб қилган маблағлар/қарзлар. Маҳаллий даражада жалб қилинадиган маблағларга мазкур даражада давлат молиясининг мақбул воситаси сифатида ёндашиш имкониятини берувчи уч асосий омил мавжуд:

1). Авлодлар ўртасидаги муносабатларда адолатлилик: баъзи бир инвестиция лойиҳаларидан (масалан, инфратузилма ва таълим соҳасида) олиннадиган фойда вақтда тақсимланган бўлади, яъни ушбу лойиҳалар амалда

<sup>17</sup> Қаранг: Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. – М.: Дело, 2002. – 37-б.

оширилиши натижасида кўрсатиладиган хизматлардан худудларнинг hozirgi аҳолисигина эмас, балки бўлгуси аҳолиси ҳам фойдаланади. Шу туфайли ҳам фойдага солиқ солиш принципи инвестиция харажатларини қоплашга бўлгуси аҳоли ҳам ўз хиссасини қўшиши лозимлигини назарда тутати. Айни шу сабабли маблағларни жалб қилиш инвестиция лойиҳалари қийматини лойиҳадан фойдаланишнинг бутун муддатига тақсимлаш ва у келажакда кўриладиган фойда билан мутаносиб ҳолатда бўлишига эришишнинг энг мақбул воситаси ҳисобланади (Oates, 1972).

2). *Иқтисодий ривожланиш*: инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни чўзиш маҳаллий даражада олинладиган иқтисодий кўрсаткичларда салбий ақс этиши мумкин. Бундай салбий оқибатлар фуқаролар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади: ишга жойлашиш имкониятлари қисқаради, иш ҳақи миқдори камайтилади. Шу туфайли ҳам маблағларни жалб қилиш маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари учун минтақавий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантирувчи инфратузилма лойиҳаларига инвестицияларни таъминлашнинг мақбул воситаси ҳисобланади.

3). *Харажатлар ва даромадларнинг оқимларини синхронлаштириш*: молиявий воситалардан фойдаланиш маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига амалга ошириладиган харажатлар ҳамда даромадларни йиғишни синхронлаштириш имкониятини беради. Муайян йилда харажатлар ва солиқ тушумлари турли сабабларга кўра вақт бўйича бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин. Бундай вазиятда маблағларни жалб қилиш маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига мазкур номуносивликни текислаш ва хизматлар узлуксиз кўрсатилишини таъминлаш имкониятини беради.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат воситачиси (масалан, инфратузилма банки) орқали иш кўриш ёки хусусий капитал бозорига тўғридан-тўғри чиқиш йўли билан маблағларни жалб қилишни амалга оширишлари мумкин. Халқаро тажриба давлат тузилмаси орқали кредитлаш сиёсий мойилликларга таъсирчан эканлигини намойиш этади (World Bank, 1990). Шу билан бир вақтда, хусусий капитал бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш кредиторлар билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида бозор муносабатларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари маблағларни жалб қилиш жараёнини кузатиб бориши учун уларга кредит рейтинги ва облигацияларни суғурталаш хусусий агентликлари талаб этилади. Бундай тузилмаларни яратиш маҳаллий бошқарувда очиқлик ва ошкоралик ҳамда сиёсий ҳисобдорликни кучайтириш имкониятини беради.

Бошқарувнинг куйи турувчи даражалари – маҳаллий хокимиятларга маблағларни жалб қилиш ҳуқуқини қонун йўли билан бериш бюджетга оид ваколатларни марказлаштиришдан чиқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Маҳаллий даражада маблағларни жалб қилиш учун тегишли норматив база зарур, зеро бу маблағларни жалб қилишда қонунбузарликларга йўл қўйилмаслиги учун имконият яратади. Маҳаллий даражада маблағларни жалб қилиш учун норматив база маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари учун бухгалтерия ҳисобининг намунавий методикаларини, уларнинг мажбуриятлари ва бу мажбуриятларни бажариш имкониятлари ҳақида маълумотлар тақдим этиш тўғрисидаги низомларни ўз ичига олиши лозим. Аммо ахлокий риск муаммосини ечиш учун бу чора-тадбирларнинг ўзи кифоя қилмайди. Мазкур макроиктисодий муаммо маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан маблағларни жалб қилиш марказий ҳукумат томонидан қафолатланган ҳолда юзага келади. Бунда ортиқча маблағларни жалб қилишга стимуллар шаклланадики, бу пировард натижада, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари кредитларни қайтармаслигига олиб келади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кредитларнинг қайтарилмаслиги ҳолатининг олдини олиш учун одатда, уларга жалб қилиш руҳсат этилган маблағлар ҳажмига чеклашлар белгиланади. Бундай чеклашларни жорий этиш учун асос қуйидагилар билан белгиланади:

– чеклашлар бўлмаган шароитда бюджетга оид масъулиятсиз хатти-ҳаракатларга мойиллик жуда кучли бўлади. Масалан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан облигациялар чиқариш механизми билан таъминланадиган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимисиз маҳаллий хокимиятлар ўзларининг жорий харажатларини қўпайтиришлари мумкин, бу эса уларни молиялаштириш имкониятлари асоссиз равишда ошириб кўрсатилишига олиб келади. Пировардида вужудга келган тақчилликни қоплаш учун маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари маблағлар жалб қилишга қўл урадилар, айниқса, марказий хокимият бюджетни катъий чеклаш принципини жорий этишга қодир бўлмаган мамлакатларда;

– макроиктисодий барқарорлаштиришнинг зарурлиги. Бу маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари маблағлар жалб қилишига чеклашлар жорий этишни назарда тутлади. Марказий ҳукумат барқарорлаштириш учун жавобгар бўлгани боис, у давлат қарзи билан боғлиқ вазиятни тўла назорат қилиши муҳимдир.

Шундай қилиб, бюджетни марказлаштиришдан чиқариш – ҳар бир муайян давлатнинг шароитлари ва хусусиятларига боғлиқ бўлган мураккаб

ва серкирра ходиса. Шу билан бир қаторда, бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштиришдан чиқарилган тизимини ишлаб чиқишда барча мамлакатлар учун умумий бўлган баъзи бир жиҳатлар ҳам мавжуд. Булар: давлат функцияларини бажариш вазифаларини бириктириш, солиқ солиш ва даромадларни йиғиш бўйича ваколатларни бошқарувнинг турли даражаларига бириктириш, бюджетлараро трансфертлар табиати, шунингдек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг маблағлар жалб қилиш қобилияти.

Бюджетлараро муносабатларнинг таъсирчан тизимини яратиш юқорида кўриб чиқилган омиллар ва жиҳатлар билангина чекланмайди. Уларнинг қаторига маҳаллий мансабдор шахсларнинг сайлаб қўйилиши принципини, маҳаллий даражада бюджетнинг тасдиқланишини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига аҳолини иш билан таъминлаш ва иш ҳақи борасида талаблар йўқлигини, бухгалтерия ҳисоби тизимини, бюджетни марказлаштиришдан чиқариш жараёнининг мониторинги ва таҳлилининг лозим даражада ташкиллаштиришни ҳам киритиш мумкин.

#### **1.4. Бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштириш услубларига мисоллар**

Мазкур ўқув қўлланмадан фойдаланувчилар бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштиришнинг мавжуд услублари (методикалари) ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари учун айрим мисолларни келтирамыз.<sup>18</sup>

Бюджетлараро муносабатлар субъектининг бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражаси мазкур субъектнинг бюджети иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва тузилиши ҳамда даромадлар базасидан келиб чиқиб олиши мумкин бўлган, бир кишига тўғри келадиган даромадлар ва бюджетлараро муносабатларнинг субъектлари бўйича ўхшаш кўрсаткичнинг ўзаро нисбати билан белгиланади. Мазкур кўрсаткиччи аниқлашда субъектларнинг аҳоли таркибидаги фарқлар, бир кишига нисбатан ҳисобланадиган бюджет хизматларини кўрсатиш қийматига (тўловлар ҳажмига) таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий, иқлим, географик ва бошқа объектив омиллардаги тафовутлар ҳисобга олинади.

<sup>18</sup> Қаранг: Распределение трансфертов / А.Н.Дерюгин. Материалы семинара «Межбюджетные трансферты», Узбекистан, 14-16 мая 2009 г.

$$BT_i = \frac{D}{A_j} \times \frac{ССИ_i}{БХИ_i},$$

бу ерда:

$BT_i$  – бюджетлараро муносабатлар субъектининг бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражаси;

$D$  – бюджетлараро муносабатлар субъектининг даромадлари;

$A_j$  – ҳудуд аҳолисининг сони;

$ССИ_i$  – бюджетлараро муносабатлар субъектининг солиқ салоҳияти индекси;

$БХИ_i$  – бюджетлараро муносабатлар субъектининг бюджет харажатлари индекси – бир кишига ҳисобланган бюджет хизматларини кўрсатиш қийматидаги нисбий фарқларни кўрсатади.

Бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштиришнинг самарадорлигини **трансфертлар ажратишнинг турли услубларидан** фойдаланиш йўли билан таъминлаш мумкин:

1. **Пропорционал тенглаштириш**, давлат бюджети (федерал бюджет)дан вилоятлар (федерация субъектлари)нинг бюджетларига трансфертлар:

$$T_j = \Phi \times \frac{(BT^{тенг} - BT_j) \times БХИ_j \times A_j}{\sum_j (BT^{тенг} - BO_j) \times ИБР_j \times H_j}, \text{ бу ерда}$$

$\Phi$  – тақсимлаш учун мўлжалланган маблағлар ҳажми;

$BT^{тенг}$  – бюджет маблағлари билан таъминланганликни тенглаштириш даражаси;

$BT_j$  – ҳудуднинг бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражаси;

$ИБР_j$  – ҳудуднинг бюджет харажатлари индекси;

$A_j$  – ҳудуд аҳолисининг сони.

2. Мумкин бўлган даражагача **тенглаштириш**, давлат бюджети (федерал бюджет)дан вилоятлар (федерация субъектлари)нинг бюджетларига трансфертлар:

$$X_j = \left( \frac{ДП}{A} \right) \times (BT^{тенг} - BT_j) \times БХИ_j \times A_j,$$

*бу ерда:*

$ДП/А$  – бюджетлараро муносабатлар субъектлари даромадларининг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланган прогнози;

$БТ^{тенг}$  – бюджет маблағлари билан таъминланганликни тенглаштириш даражаси;

$БТ_j$  – ҳудуднинг бюджет малағлари билан таъминланганлик даражаси;

$БХИ_j$  – ҳудуднинг бюджет харажатлари индекси;

$A_j$  – ҳудуд аҳолисининг сони.

3. Бир кишига нисбатан ҳисоблаш йўли билан тенглаштириш (аҳоли даромадларини тенглаштириш):

$$X_j = \Phi \times \frac{БХИ_j \times A_j}{\sum_j БХИ_j \times A_j} ,$$

*бу ерда:*

$\Phi$  – тақсимлаш учун мўлжалланган маблағлар ҳажми;

$БХИ_j$  – ҳудуднинг бюджет харажатлари индекси;

$A_j$  – ҳудуд аҳолисининг сони.

4. Харажатларнинг ҳисобий даражасигача (Ўзбекистонда қўлланиладиган услуб):

$$A_j = X_j - D_j ,$$

*бу ерда:*

$P_j$  – ҳисобий харажатлар;

$D_j$  – ҳисобий даромадлар.

Украина, Венгрияда ва Европанинг бошқа собиқ социалистик мамлакатларида бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштириш учун трансфертлар ажратиш ноишлаб чиқариш соҳасига дотацияларни ҳисоблашнинг ҳудудий бирликларнинг даромадга оид имкониятлари ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олувчи очик-ошқора ва адолатли формулаларига асосланади. Беларусь Республикасида турли маъмурий-ҳудудий бирликлар учун трансфертлар ажратиш

схемаларига мисолни кўриб чиқамиз.<sup>19</sup> Схема республика бюджети таркибида хосил қилинадиган маъмурий-худудий бирликларни молиявий кўллаб-қувватлаш жамгармасидан маблағларни бевосита туман бюджетларига ҳамда республикага ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг бюджетларига ўтказишни назарда тутди. Трансферт ҳажми барча маъмурий-худудий бирликлар харажатларининг ҳисобланган ҳажми ва уларнинг худудларида жамланадиган даромадларнинг прогноз қилинган ҳажми ўртасидаги фарк сифатида қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$TR_i = \alpha_i (Exp_i - Rev_i),$$

*бу ерда:*

$TR_i$  –  $i$ -минтақага ёки маъмурий-худудий бирликка республика бюджетидан ажратиладиган тенглаштирувчи трансферт ҳажми;

$\alpha_i$  – альфа тенглаштирувчи коэффициентни ёки солиқ қобилияти коэффициентни. “Альфа” ( $\alpha$ ) тенглаштирувчи коэффициентни базис даври (3 йил) мобайнида даромад саватларининг ўсиш суръатини акс эттиради;

$Exp_i$  – минтақа ёки маъмурий-худудий бирликнинг харажатларга бўлган эҳтиёжлари;

$Rev_i$  – минтақа ёки маъмурий-худудий бирликнинг даромад олиш имкониятлари (қобилиятлари).

Формуладан кўриниб турганидек, трансфертлар (дотациялар)нинг ҳисоб-китоби даромадлар ва харажатлар бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Даромад олиш имкониятлари (қобилиятлари)нинг ҳисоб-китоби алгоритмда бюджет саватидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Бюджет савати – йиғилиши маҳаллий ҳокимият таъсирига боғлиқ бўлмаган ёки оз даражада боғлиқ бўлган, маҳаллий бюджетга бириктирилган даромадлар йиғиндиси.

Формула бўйича ҳисоб-китоблар босқичма-босқич амалга оширилади: биринчи босқичда ҳар бир базавий худудий тузилманинг фискал қобилияти коэффициентини ҳисоблаш амалга оширилади. Ушбу коэффициент даромад олиш имкониятини ҳисоблашнинг ажралмас элементи ҳисобланади. Иккинчи босқичда мазкур коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, даромад олиш имкониятлари (қобилиятлари)нинг прогноз қилинаётган ҳажми ёки  $i$ -чи базавий худудий тузилма ёки маъмурий-худудий бирлик даромадлар саватининг прогноз қилинаётган ҳажми (бириктирилган ва ў)

<sup>19</sup> Қаран: Криворотько Ю.В. Межбюджетные отношения в Беларуси: возможен ли прорыв на постсоветском пространстве? // Финансы и кредит. 2009.

даромадларининг режалаштирилаётган ҳажми) аниқланади. Учинчи босқичда минтақалар ва маъмурий-худудий бирликларнинг харажатларга бўлган жами эҳтиёжлари (*Exp<sub>i</sub>*) аниқланади. Трансфертларни тақсимлаш (маблағлар ажратиш)нинг асосий принциплари соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, жисмоний тарбия, спорт ва ҳоказолар бўйича республика ёки минтақада яшовчи бир кишини бюджетдан таъминлаш нормативларидан фойдаланишда асос этилади. Бундай норматив ишлаб чиқилган бўлса, формула элементи – харажатларга бўлган эҳтиёжлар бир кишини бюджетдан таъминлаш жами нормативини минтақада ёки маъмурий-худудий бирликда яшовчи аҳоли сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Шундай қилиб, ҳисобий эҳтиёжлар қуйидагича аниқланади:

$$Exp_i = \sum_{i=1}^j nbs * Pi ,$$

бу ерда:

*Exp<sub>i</sub>* – *i*-чи базавий худудий тузилма ёки маъмурий-худудий бирликнинг харажатларга бўлган эҳтиёжлари;

$\sum nbs i \dots j$  – ноиншлаб чиқариш соҳаси: таълим (*e*), соғлиқни сақлаш (*h*), маданият (*c*), жисмоний тарбия ва спорт (*fs*), ижтимоий муҳофаза (*sp*) моддалари бўйича вилоятда яшовчи бир кишини бюджетдан таъминлаш нормативларининг жамланмаси;

*Pi* – *i*-чи базавий худудий тузилма ёки маъмурий-худудий бирликнинг аҳолиси.

Горизонтал тенглаштиришнинг мазкур формуласи бир қанча афзалликларга эга:

1. У ҳаддан ташқари қатъий эмас, ҳисоб-китоб учун кўп сонли алгоритмларни талаб этмайди, марказий ҳокимият органлари томонидан ҳам, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳам тушуниш ва амалда қўллаш учун қулай.

2. Формула марказ ихтиёрига берилган умумдавлат солиқлари (КҚС, даромад солиғи)ни йиғишга эмас, балки маҳаллий ҳокимият органларига бириктирилган солиқларга қаратилган.

3. Формула муҳим элемент – худуднинг солиқларни жамлаш қобилиятини ўз ичига олади. Бу элемент трансферт тақдим этиш масаласини ҳал қилишда муҳим мезон ҳисобланади.

4. Формула “Робин Гуд” ўйинини эслатувчи усулларни, хусусан худудларaro тартибга солиш тартибида бириктирилган солиқларнинг

ажратилишини ва манфий трансфертнинг, яъни базавий ҳудудий бирликларнинг даромад олиш қобилиятларининг харажатларга бўлган эҳтиёжларидан ошувчи қисми юқори турувчи бюджетларга олиб кўйилишини истисно этади. Ваҳоланки, бунинг акси айрим федератив давлатларда амал қиладиган даромадлар ва харажатларни тенглаштириш формулаларида, айниқса, кўп учрайди.

5. Формула бюджетдан таъминлаш нормативларига мувофиқ харажатларга бўлган эҳтиёжларнинг ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутди.

Тенглаштирувчи ёндашувлардан самарали фойдаланиш “Ҳўин қондалари”нинг очик-ошқоралиги ва ўзгармаслигини молиявий йил мобайнида ҳамда кейинги даврларда сақлаб қолишни тақозо этади. Формула элементларининг тез-тез ўзгартирилиши, эскиларининг алмаштирилиши, янги элементлар киритилиши тенглаштиришнинг адолатлилиги принципларига жиддий зарба бериши, шунингдек, формулага мувофиқ молиявий тенглаштириш ғоясининг обрўсига амалда путур етказиши мумкин. Айни шу сабабли тенглаштириш формулаларига ўзгартиришлар уларга охириги ўзгартиришлар киритилганидан сўнг орадан камиди уч йил ўтган киритилса, максатга мувофиқ бўлади. Горизонтал тенглаштириш формуласини амалга жорий этиш учун у ягона асосий талабларга жавоб бериши лозим:

1. Нисбатан фаровон маъмурий-худудий бирликларнинг манфаатлари камситилмаслиги ва субсидияланаётган ҳокимият органларини уларнинг иш унумдорлигини оширишга стимуллардан маҳрум этмаслик учун молиявий тенглаштириш формуласи маҳаллий ҳокимият органлари билан келишилиши шарт.

2. Тенглаштириш формуласи мамлакатнинг солиқ-бюджет қонунчилигида (Бюджет кодексида ёки бошқа шунга ўхшаш қонун ҳужжатларида) албатта акс эттирилиши лозим.

3. Тенглаштириш формуласида бюджет маблағларини қайта тақсимлаш эмас, балки маблағларни ишлаб топишни рағбатлантириш ғояси намоён бўлиши лозим. Солиққа оид имқониятлар ва ижтимоий-иқтисодий даража бир-бирига боғлиқ бўлиши керак. Маҳаллий ҳокимият органи қанча қатта молиявий натижаларга эришган бўлса, худуд ёки муниципалитетнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси шунча юқсак бўлиши лозим.

4. Тенглаштириш формуласида дотациялар (трансфертлар), субсидиялар ва субвенциялар юқори турувчи ҳокимият органи ҳамда марказ қўлида бошқарувнинг қўйи турувчи даражаларига сиёсий, шунингдек, иқтисодий таъйик ўтказиш қуролига айланишига имқоният яратувчи элементлар мавжуд бўлмаслиги керак.

### **Назорат саволлари**

1. Бюджетлараро муносабатлар деганда нимани тушунаси?
2. Бюджетлараро муносабатларнинг шаклларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
3. Бюджетлараро муносабатларнинг усулларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
4. Бюджетлараро муносабатларнинг воситаларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
5. Бюджетлараро муносабатларнинг моделларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
6. Бюджетни тартибга солиш деганда нимани тушунаси?
7. Бюджетни тартибга солиш усулларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
8. Бюджетни вертикал ва горизонтал тенглаштиришнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Ҳудудлар бюджетини минимал таъминлаш усулларини айтинг.
10. Давлатнинг минимал ижтимоий стандартларига мисоллар келтиринг.
11. Давлатнинг минимал ижтимоий стандартлари ва ҳудуд бюджетини минимал таъминлаш ўртасидаги алокани тушунтириб беринг.
12. Бюджетни марказлаштиришдан чиқаришнинг мақсадини айтинг.
13. Марказлаштиришдан чиқариш теоремасининг мазмунини тушунтириб беринг.
14. Бюджетлараро муносабатлар тизимининг асосий элементларини айтинг ва уларга тавсиф беринг.
15. Вертикал ва горизонтал номуносабатликларни бартараф этиш усулларини айтинг.
16. Бюджет маблағлари билан таъминланганлик даражасини тенглаштириш услубларига мисоллар келтиринг.


## 2-бўлим. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш асослари ва амалиёти

### 2.1. Бюджет тузилмаси ва бюджет тизими

Бюджет тузилмаси давлатнинг тузилиши билан белгиланади. Мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши бюджет тизимлари бўғинлари сонини белгилайди, ҳар бир даражадаги давлат ҳокимияти органига тегишли бюджет конституциявий йўл билан бириктирилган бўлади.

Бюджет тузилмаси бюджет тизимини ташкил этиш тушунчасини ва уни тузиш принципларини ўз ичига олади, бюджет тизими бўғинларининг ўзаро муносабатларини белгилайди. Бюджет тузилмаси конун ҳужжатлари билан белгиланади ва тартибга солинади. Ушбу конун ҳужжатларида марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетларини тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилади. Бюджет тузилмаси бюджетлар ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлашни назарда тутати.

Бюджет тузилмасининг марказлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва аралаш моделлари фарқланади (4-схема).



Марказлаштирилган модель барча бюджетлар ягона давлат бюджетида марказлаштирилиши билан тавсифланади, бунда ҳар бир юкори бюджетга тартибга солиш роли бириктирилган бўлади (Франция, Италия, Қозғоғистон, Ўзбекистон).

Марказлаштиришдан чиқарилган модель бюджет тизими марказий ра маҳаллий бюджетларнинг эркинлиги билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (АҚШ).

Аралаш модель марказий бюджетга маҳаллий бюджетларни тартибга солиш роли бириктирилиши билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (Россия Федерацияси).

Мамлакат бюджет тизими даражаларининг сони давлат тузилиши шаклига боғлиқ бўлади.

**Унитар** давлатларда бюджет тизими, одатда, **икки даражадан** – Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат бўлади (Қозғоғистон, Польша, Туркманистон ва бошқалар). Унитар давлатлар автоном тузилмаларга эга бўлиши мумкин ва уларнинг бюджетлари бюджет тизимининг мустақил даражасини ташкил этади.

Унитар давлатлар бюджетнинг марказлаштиришдан чиқарилиш даражаси, ҳудудлар ҳукумат органларининг ваколатлари билан белгиланадиган **кўп даражали бюджет** тизимига эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, марказлаштиришдан чиқарилган унитар давлат – Франция **тўрт даражали бюджет** тизимига, маҳаллий ҳокимиятларнинг солиққа оид ваколатлари конституция билан белгиланган марказлашган унитар давлат – Швеция **уч даражали бюджет** тизимига эга.

**Федерация** таркибий қисмлари кенг кўламли давлат автономиясига эга бўлган ягона давлатни намоён этади. Маълум маънода, бу давлат ҳокимиятининг вертикал бўйича тақсимланиш усулидир. **Федератив** давлатларнинг бюджет тизими **уч даражадан** иборат: давлат бюджети (федерал бюджет ёки марказий ҳукумат бюджети), федерация аъзолари бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар (Австрия, Германия, Канада, Мексика, Россия, АҚШ ва бошқалар).



Бюджет тизими бюджетларнинг ўзаро алоқаси мамлакатнинг бирлиги ва яхлитлигини, бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромадлар ҳамда харажатлар оптимал тақсимланишини таъминлайди. Бюджет тизими бўғинларининг ўзаро алоқалари бюджетлараро муносабатлар механизми орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди (5-схема).<sup>20</sup>

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими маъмурий-худудий тузилишининг ўзига хослиги – Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлиги билан боғлиқ бўлган хусусиятга эга.

Ўзбекистон – давлат молиясини ташкил этиш ва бошқариш тизими марказлаштирилган давлат. У икки даражали бюджет тизимига эга бўлиб, бу ҳол “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида акс эттирилган:

**9-модда. Давлат бюджети тузилмаси**

Давлат бюджети:

- республика бюджетини;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Аmmo Ўзбекистон бюджет тизимига унинг маъмурий-худудий тузилишида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлиги нуқтаи назаридан ёндашилса, республика бюджет тизимида тегишли ҳуқуқларга эга бўлган мустақил даража – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ажратилиши ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими уч даражали тизим сифатида қаралиши мумкин.

<sup>20</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-И-сон Қонуни. 4-модда.

**7-модда. Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари:

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёزلарни белгилайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузади;

- бюджетга тушумлар тўлик ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган максатда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасини ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимият органларига солиқ соҳасида берилган ваколатларни эътиборга олиб, биз Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимига икки даражали тизим сифатида қараймиз.

**24-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга белгиланадиган чекловлар**

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва ижро этишда:

1) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган маблағлар ҳисобига жамғармалар ташкил этишига;

2) маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);

3) бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга (ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

4) бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар беришга;

5) юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудаларини бериш ҳоллари бундан мустасно. (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-113-сон Қонуни таҳриридаги кичик банд)

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизimini тузиш асослари Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ва қуйидаги асосий принциплар сифатида таърифланган:<sup>21</sup>

– бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

– бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

– турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

– Давлат бюджети баланслилиги;

– давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;


– Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш;

– барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунга<sup>22</sup> мувофиқ Давлат бюджети давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ҳамда миқдори назарда тутилади.

Ўзбекистон Давлат бюджети республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади (6-схема).

<sup>21</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-сон Қонуни. 5-модда.  
<sup>22</sup> Уша ерда. 3-модда.



6-схема. Ўзбекистон Республикаси Davlat byudjeti tuzilmasi

**Республика бюджети** Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети** Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

**Маҳаллий бюджетларга** вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари киради.

**Вилоятнинг бюджети** вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади

**Тошкент шаҳрининг бюджети** шаҳар бюджетини ва шаҳарга бўйсунувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган **шаҳарнинг бюджети** шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган **шаҳарлари бўлган тумanning бюджети** туман бюджетини ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

## **2.2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг шаклланиши ва амал қилишининг ҳуқуқий базаси**

Ўзбекистон бюджет тизимининг бюджетлари, Давлат бюджети фаолияти ва бюджетлараро муносабатлар асосини қуйидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ташкил этади:

- 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

- “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХII-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган);

- “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни;

- “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-II-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан ҳар йили қабул қилинадиган “Давлат бюджети тўғрисида”ги қарорлар ҳамда улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кейинги молия йили учун қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлари (масалан, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон; 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон);

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари (Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган);

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган ссудаларни тўлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган;

- Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштиришнинг йиллик муваққат базавий нормативларини белгилаш тўғрисида низом (Молия вазирлигининг 2001 йил 18 январдаги 15-сон буйруғи) ва бошқа ҳужжатлар.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг асосийларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**<sup>23</sup> давлатнинг маъмурий-худудий тузилишини, маъмурий-худудий тузилмаларнинг ўз пул маблағлари жамғармаларини – уларга ўз функциялари ва вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бюджетларни шакллантириш ҳуқуқларини белгилайди:

**1).** Давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши (XVI боб): Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат (68-модда); суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига қиради (70-модда); Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади (75-модда).

<sup>23</sup> 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

Юқорида зикр этилган ҳудудларнинг (шаҳарчалар, кишлоқлар ва овуллар бундан мустасно) маъмуриятларига улар ўзларига юкланган функциялар ва вазифаларни бажаришлари учун пул маблағлари жамғармаси – маҳаллий бюджетларни шакллантириш ҳуқуқи берилган.

2). **Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари (XXI боб):** маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради: қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунарига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3). **Ўзбекистон Республикасининг молия ва пул-кредит тизими (XXV боб):** Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат (122-модда). Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли (123-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига, шу жумладан, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш киритилган. “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўймайди, айни вақтда қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этиш, маблағ жалб қилишни амалга ошириш (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно) масалаларида ҳудудларнинг бюджетларини ва тегишли равишда ҳудудларнинг ҳокимият органларини чеклайди.

2. **“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**<sup>24</sup> маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий ва молиявий асосларини, унинг маҳаллий бюджетни тузиш ва ижро этиш ҳамда унинг ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этиш, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, ҳудуднинг

<sup>24</sup> “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХП-сон Қонуни.

бош режаси ва уни куриш коидаларини ишлаб чикиш ва қабул қилиш, амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш масалаларини ҳал қилиш бўйича ваколатларини мустаҳкамлайди.

1). Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асосини (II боб) мулк ва уни бошқариш ҳуқуқлари (7, 8, 9-моддалар): маъмурий-худудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ва вилоят, туман, шаҳарда мавжуд бўлган, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилаётган ўзга мулк ташкил этади.

2). Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асосини (III боб), ҳудудларнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади. Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, шу жумладан, ҳудудлараро дастурларни пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин (11-модда).

Қонунда халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг бюджетга доир ҳуқуқлари (12-модда); вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари ва сарф-харажатлари (13-модда); маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетидан ташқари фондларини ҳосил қилиш ҳуқуқи (14-модда); халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ вилоят, шаҳар валюта фонди ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланиш ҳуқуқи (15-модда) ҳам белгиланган.

3). Қонунда маҳаллий ҳокимият органлари – халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимнинг ваколатлари (VI боб), шу жумладан, маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантириш истикболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режа ва уни куриш коидаларини тасдиқлаш; амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш ва бошқа ваколатлари белгилаб қўйилган.

3. **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси**<sup>25</sup>. Унга мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими (3-боб) бюджет тизими даромадларини шакллантиришни таъминлайди. Солиқ кодексига солиқлар ва мажбурий йиғимларнинг турлари бўйича таснифи (умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар) назарда тутилган (23-модда); солиқ тўловчилар, шунингдек, солиқлар ёки бошқа мажбурий йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар (24-модда), чунончи: солиқ солиш объекти (25-модда), солиқ солинадиган база (26-модда), ставка (27-модда), ҳисоблаб чиқариш тартиби (28-модда), солиқ даври (29-модда), солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар (30-модда) белгиланган.

4. **Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни**<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни тузиш ҳамда уларни бошқариш асосларини белгилайди.

1). **Бюджет тизимини бошқариш.** Қонунда бюджет тизими тушунчасининг мазмуни (4-модда), бюджет тизимининг асосий принциплари (5-модда), марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари (6-8-моддалар) белгиланган.

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги.

2. Бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги.

3. Турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги.

4. Давлат бюджети баланслилиги.

5. Давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш.

6. Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш.

7. Барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

2). **Давлат бюджети.** Қонуннинг мазкур қисмида қуйидагилар белгиланган: Давлат бюджети тузилмаси (9-модда); бюджет таснифи (10-модда); Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (11, 12-моддалари);

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган.

<sup>26</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.

бюджетлар ўртасида тақсимланган маблағларни даромадлар ва харажатлар жумласига киритиш (13-модда); Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари (14-модда); даромадлар (15-модда); харажатлар (16-модда); республика бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари (17-модда); ҳудудлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари (18-19-моддалар); Давлат мақсадли жамғармалари (20-модда).

3). **Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар** куйидаги масалаларга доир қондаларни ўз ичига олади: Давлат бюджети маблағларини бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш (21-модда); харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш (22-модда); харажатларни ҳудудларнинг бюджетларидан молиялаштириш (23-модда); ҳудудларнинг бюджетларига белгиланадиган чекловлар (24-модда).

4). **Бюджет жараёни.** Қонуннинг бу қисмида Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш (25-30-моддалар), давлат бюджетининг ижроси ҳамда унинг ижро этилишини назорат қилиш (31-39-моддалар)ни ўз ичига олувчи бюджет жараёни тартиби белгиланган.

5). **Давлат томонидан маблағ жалб қилиш.** Қонуннинг мазкур қисмида қарз мажбуриятларининг мақсадлари ва турлари кўрсатилган (40-41-моддалар).

5. **Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги Қонуни**<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг газна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солади (1-модда).

Давлат бюджетининг газна ижросининг қассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналиги **принципларига** асосланади (3-модда) ва Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона газна ҳисоб варағига киритиш, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисоб варақдан тўлаш орқали **амалга оширилади** (4-модда).

Бюджетлараро муносабатлар шу жумладан, пул маблағлари юқори турувчи бюджетлардан қуйи турувчи бюджетларга ўтказилишини ва бунинг аксини ҳам назарда тутди. Қонунга<sup>28</sup> мувофиқ юқори турувчи бюджетларнинг ҳисоб варақларидан маблағларни қуйи турувчи бюджетларнинг ҳисобварақларига ўтказиш ва бунинг акси (субвенциялар, дотациялар, бюджет ссудалари, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни ўтказиш)ни Ғазначилик ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-ИИ-сон Қонуни.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-ИИ-сон Қонуни.

туманлар ва шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари билан ўзаро алоқада амалга оширади.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона газна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона газна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади (10-модда).

Давлат бюджетининг харажатлари ягона газна ҳисобварағи ёки Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади (12-модда).

Ҳазначилик ягона газна ҳисобварағидаги ва Ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради (14-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли бюджет йили учун қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасининг асосий макронқисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори. Ушбу ҳужжатда қуйидагилар келтирилади: Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган параметрлари; солиқларнинг ставкалари; умумдавлат солиқлари тушумларидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари; республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бериладиган дотациялар ва мақсадли субвенцияларнинг чегаравий миқдорлари ва бошқа кўрсаткичлар.

### **2.3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг шакллантириш хусусиятлари**

Ўзбекистонда марказлаштирилган бюджет тузилиши модели ва икки даражали бюджет тизими амал қилади. Республика бюджети бюджет тизимининг биринчи даражаси ҳисобланади, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар мажмуи эса Ўзбекистон бюджет тизимининг иккинчи даражасини ташкил этади (7-схема).

**Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг даромадлар қисми** умумдавлат солиқлари ва мажбурий йиғимлар ҳисобидан таркиб топтирилади ва умумдавлат хусусиятига эга харажатларни молиялаштириш учун ишлатилади.

**Республика бюджети даромадлари:**

– умумдавлат солиқлари, йиғимлари, бошлари ва бошқа мажбурий тўловлар (юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ҚҚС, акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, давлат божи ва бошхона тўловлари);


– давлат молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

– мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

– юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

– резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

– конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.



7-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизмининг таркибий тузилиши

Республика бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- капитал харажатлар шаклида: асосий фондлар ҳамда воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга; чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга; давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга; давлат захираларини вужудга келтиришга;
- капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;
- давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;
- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Республика бюджетидан умумдавлат хусусиятига эга тадбирларни молиялаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;
- ижтимоий таъминот;
- муҳофаза, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш;
- судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш;
- давлат захираси ва сафарбарлик захирасини вужудга келтириш ҳамда уларни сақлаш;
- давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик заволатхоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш;

– иктисодиёт турли тармоқларининг республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотларини сақлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иктисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

– ер тузиш, мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалиги зарарқундаларига қарши кураш;

– гидрометеорология, дўлга қарши кураш чора-тадбирлари;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

**Республика бюджети тақчиллиги** асосан давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш ҳамда республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари ҳисобига молиялаштирилади.

Бюджет тизими иккинчи даражаси бюджетлари: Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республика (Қорақалпоғистон)га бўйсунувчи туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларини ўз ичига олади.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари:**

– маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, jisмоний шахслардан транспорт воситаларига

бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

– қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулк объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

– юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

– юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида куйидагича амалга оширилади:

– Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялантириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;

– жорий бюджет трансфертлари шаклида;

– капитал харажатлар шаклида: асосий фондлар ва воситаларни (узр билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга; давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

– қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда куйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

– фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича);

– ижтимоий таъминот;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;
- иқтисодиёт турли тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларини сақлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва ижро этишда:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга;
- маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);
- бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортқикрок маблағ сарфлашга (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);
- бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафиликлар беришга;
- юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудаларини бериш ҳоллари бундан мустасно.

#### **2.4. Бюджетлараро муносабатлар: методологияси ва Ўзбекистон Республикасидаги амалиёти**

Ўзбекистон бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган модели амал қиладиган давлатдир. Ушбу модель доирасида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва ижро этиш жараёнида ҳокимият органларининг бюджетга оид ваколатлари,

ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги масалаларига доир муносабатлар юзга келади.

Бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида ўзаро муносабатлар бюджет жарғинининг биринчи босқичи – бюджетни режалаштириш босқичида юзга кели бошлайди. Бу босқичда Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар бўйича лойиҳасини мамлакат иқтисодий ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичларига мувофиқ тузди, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар солиқ имкониятлари ва харажатларга оид мажбуриятларининг вертикал номуносабатлигини тартибга солади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Бюджет харажатлари унинг даромадларидан режали очиши (тақчиллик) фақат республика бюджети параметрларида назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қошчаларига<sup>29</sup> мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг баланслилигини таъминлаш бўйича тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг баланслилигини таъминлаш бўйича тадбирларни эса - тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг молия бошқармалари амалга оширади.

Молия органлари бюджет сўровини олганларидан сўнг режалаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги бюджет буюртманомасини тайёрлаш бўйича иш бошланади. Ушбу буюртманома қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Даромадлар бўйича – солиқлар, йнғимлар, боғлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, келгуси молия йили Давлат бюджети даромадлари контингентининг ҳар бир даромад тури бўйича ҳисоб-китоблари шакллари тегишли минтақалар бўйича алоҳида-алоҳида. Шунингдек, уларни тузиш ва тўлдириш бўйича кўрсатмалар.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 1111-сонли қарори билан тасдиқланган. Ақлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан қайта тасдиқланган.

Ўзбекистон амалиётида бюджет даромадлари контингенти – бюджетнинг даромад қисмини шакллантирувчи барча даромадлар: солиқлар, мажбурий тўловлар ва солиқсиз даромадлар.

2. Харажатлар бўйича – давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан маблағлар олишга буюртманомалар тузишлари лозим бўлган кўрсаткичлар рўйхати ва ҳисоб-китоб шакллари ҳамда уларни тузиш ва тўлдириш бўйича кўрсатмалар, шунингдек, тармок, штатлар ва контингентлар бўйича кўрсаткичлар.

1.1. Даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар шакллари ҳудудий молия органларига бўйсунуш тартибига мувофиқ юборилади. Ушбу органлар ўз навбатида олинган ҳисоб-китоблар шаклларини солиқ органларига белгиланган муддатларда юкори турувчи молия органларига тақдим этилиши лозим бўлган даромадлар бўйича буюртманомани тузиш учун юборадилар.

1.2. Молия вазирлиги қўйи турувчи молия органларидан, Давлат солиқ ва божхона кўмиталаридан тегишли буюртманомаларни олгач, Давлат бюджети даромадлари контингенти лойиҳасини Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун тайёрлайди. Давлат бюджети даромадлари контингенти лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳам, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳам тузилади.

1.3. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг даромадлари ҳамда харажатларини баланслаш учун умумдавлат солиқларидан тегишли бюджетларга ажратмаларни тартибга солиш режаси тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг даромадлар қисмини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети бош бошқармаси умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмаларни тартибга солиш режасини тузади. Ушбу режада қуйидагилар белгиланади:

- 1) тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари ва суммалари;
- 2) республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктирилган умумдавлат солиқлари рўйхати ва ҳажмлари;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктирилган маҳаллий солиқлар, йиғимлар рўйхати ҳамда ҳажмлари.

Тартибга солиш режасининг мақсади умумдават солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг нормативлари ва суммаларини, қўйи турувчи бюджетларга уларнинг даромадлари ва харажатларини баланслаш учун ажратиладиган дотациялар (субвенциялар) миқдорини белгилашдан иборат. Тартибга солиш режаси ўз таркибида бошқа қўйи турувчи минтака бюджетига эга бўлган ҳар бир минтака бюджети учун тузилади.

Бюджетни тузиш ва ижро этиш Қоидаларига<sup>30</sup> мувофиқ тартибга солувчи солиқлар билан, қоида тариқасида, юридик шахслардан олиннадиган фойда (даромад) солиғи, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи белгиланиши мумкин. Шу билан бир вақтда, ҳозирги давр амалиётида умумдават солиқларининг барчаси тартибга солувчи ҳисобланади ва турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Умумдават солиқлари – ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қоида тариқасида, турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланмайди ва тўлиқ ҳажмда республика бюджети ёки маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Шу билан бирга, амалда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларга ўтказилади (айрим ҳолларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юқори турувчи ва қўйи турувчи маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши ҳам мумкин), ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар эса, охириги 4 йил мобайнида республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланмоқда.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи умумдават солиқлари рўйхатини ва улардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмаларнинг миқдорларини белгилаш ҳақида тақлифлар киритади.

1.5. Олий Мажлис қабул қилган Давлат бюджетига мувофиқ тартибга солувчи умумдават солиқларининг рўйхати ва улардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган.

ажратмаларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан тасдиқланади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда республикага (Қорақалпоғистон Республикаси), вилоят ва шаҳарга (Тошкент шаҳри) бўйсунадиган шаҳарлар ва туманларнинг бюджетларига ажратмаларнинг миқдорлари ҳақида таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг молия бошқармалари томонидан киритилади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан шаҳар (туманга бўйсунадиган шаҳарлар) таркибига кирувчи туманлар бюджетларига ажратмаларнинг миқдорлари ҳақида таклифлар туманлар ҳокимликларига мазкур ҳокимликларнинг молия бўлимлари томонидан киритилади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан республикага (Қорақалпоғистон) ва вилоятга бўйсунадиган туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари айти шу солиқлардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмаларнинг нормативларидан ошмайдиган ҳажмларда белгиланади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари айти шу солиқлардан вилоятга бўйсунадиган шаҳар бюджетига ажратмаларнинг нормативларидан ошмайдиган ҳажмларда белгиланади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан туманга бўйсунадиган шаҳарлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари айти шу солиқлардан вилоятга бўйсунадиган туман бюджетига ажратмаларнинг нормативларидан ошмайдиган ҳажмларда белгиланади.

1.6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия органлари таклифига биноан маҳаллий солиқлар тўлиқ ҳажмда қайси даражадаги, шу жумладан, юқори турувчи бюджетга ўтказилишини белгилайдилар.

1.7. Турли даражадаги бюджетларга ажратмаларнинг нормативлари белгиланмаган ва тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари солиқ тўловчи қайси шаҳар, туман ҳудудига

жойлашган бўлса, шу шаҳар, туманининг маҳаллий бюджетига; тўлик ҳажмда республика бюджетига ўтказилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари эса – солиқ тўловчи қайси шаҳар, туман ҳудудида жойлашганидан қатъи назар, республика бюджетига ўтказилади.

**2.1. Бюджет жараёни мобайнида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилувчи бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет маблағларини олиш учун буюртманомалар тузилади ва белгиланган муддатларда тегишли ҳудудий молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келгуси молия йилига тегишли бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш учун топширилади.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг келгуси молия йили учун мўлжалланган лойиҳалари куйидагиларни ўз ичига олади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ҳамда харажатларининг бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган ҳажмларини;

2) тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативларини, шунингдек, кўрсатилган бюджетларнинг бюджет дотациялари, субвенциялар, ўтказиладиган даромадларни ўз ичига олувчи даромадларининг ҳамда бюджет дотациялари, субвенциялар, ўтказиладиган даромадларни ўз ичига олувчи харажатларининг миқдорларини;

**Ўтказиладиган даромадлар:** тегишли ҳудудларда шаклландуви даромадларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тегишли бюджетларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қуйи турувчи бюджетларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан ўтказиш.

3) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёрларини;

4) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари, туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетлари захира

жамғармаларнинг мазкур худудий тузилмалар доирасида тегишли бюджетларнинг маблаглари кутилмаган харажатларни қоплашга йўналтирилиши мумкин бўлган заҳира жамғармаларнинг миқдорларини.

**Ўтказиладиган солиқлар** – бу товарларга ёки товарларни реализация қилишдан олинган даромадларга солинадиган шундай бир солиқки, бунда бир худудда товар ишлаб чиқарилади, лекин унга солинадиган солиқлар бошқа (товар ишлаб чиқарувчи юридик рўйхатдан ўтган) худудда тўланади ва солиқлар товар ишлаб чиқарилган худуднинг бюджетига қисман қайтарилади.

**Масалан,** UzBAT компаниясининг Самарқанддаги тамаки фабрикасида сигаретлар ишлаб чиқарилади. Сигаретларни сотишдан олинган даромадлар Тошкент шаҳрида жойлашган UzBAT компаниясига келиб тушади, шу ерда солиқлар тўланади ва уларнинг бир қисми Самарқанд вилояти бюджетига ўтказилади.

Юқорида зикр этилган бюджетларнинг лойиҳаларида бюджет маблагларини олувчиларнинг харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблаглар куйидагича акс эттирилади:

- 1) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан уларга юклатилган функциялар ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатларига маблаглар шаклида;
- 2) жорий бюджет трансфертларига маблаглар шаклида;
- 3) капитал харажатларга маблаглар шаклида;
- 4) юридик шахсларга капитал харажатларни қоплаш учун бюджет трансфертларига маблаглар шаклида;
- 5) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларга маблаглар шаклида.

Бундан ташқари, бюджетлар лойиҳаларининг харажатларида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларига бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари, ўтказиладиган даромадлар ва бюджет ссудаларида акс эттирилади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси:

- 1) бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;
- 2) умумдават солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси

бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва ўтказиладиган даромадлар ҳамда харажатлари миқдорларини;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри миқдорларини;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларни коплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини;

5) Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

6) давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманнинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

**2.2.** Республика бюджетига мазкур бюджетнинг аниқ мақсадга қаратилган харажатларини коплаш учун назарда тутилган режали бюджет маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетига аниқ мақсадда фойдаланиш учун ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетининг режали бюджет маблағлари уларга республика бюджетидан режали бюджет маблағларининг ўтказилиши ҳисобига кўпайтирилганида, аynи вақтда республика бюджетининг тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетига олдида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича қарзи ҳам кўпайтирилади.

Бунда ўтказилган режали бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар, агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, республика бюджетидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ўтказиладиган маблағлар билан копланган.

Шуни қайд этиш лозимки, ўзаро ҳисоб-китоблар фақат юқори турувчи ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида, масалан, республика бюджетига вилоятлар бюджетлари ўртасида ёки вилоят бюджетига туман, шаҳар (вилоятга бўйсунадиган шаҳарлар) бюджетлари ўртасида юқори келиши мумкин. Бунда ўзаро ҳисоб-китоблар қуйидаги ҳолларда юқори келиши мумкин:

даромадлар прогнози кўпайтирилган ёки камайтирилганда, режали бюджет маблағлари кўпайтирилган ёки камайтирилганида. Бундан ташқари, ўзаро ҳисоб-китоблар қуйи бюджетлар даромадлари ёки харажатларининг чоракма-чорак таксимланишига ўзгартиришлар киритилган ҳолда юзага келади. Юқори турувчи ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар даромадлар ёки харажатларнинг кўпайтирилиши ёки камайтирилиши юқори молия органи томонидан тузилган ва қуйи молия органи томонидан белгиланган тартибда ижро этиш учун юборган 11-сон билдиришномага мувофиқ киритилган ҳолда юзага келади.

**2.3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетида йилнинг айрим даврларида ҳосил бўладиган даромадлар ҳамда харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплашга республика бюджетидан ссудалар берилиши мумкин.**

Бюджет ссудаларини ажратиш Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ҳамда олинган ссудаларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда<sup>31</sup> белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2.4. Юқори турувчи бюджетлардан бюджет ссудалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетида, шунингдек, қуйи маҳаллий бюджетларда ҳосил бўладиган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплашга қуйи турувчи бюджетлардаги касса тафовутларини уларнинг айланма касса маблағлари, ўтган йиллар бюджети қолдиқлари ҳамда жорий йилнинг олдинги чораги харажатларидан даромадларнинг ошқича суммалари ҳисобига қоплаш мумкин бўлмаган ҳолларда берилади.**

Ссудаларни қайтариш муддатлари, агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, жорий йил доирасида белгиланади.

Ўзбекистонда бюджетлараро муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай тартибга солинади.

### **Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар амалиёти**

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларни шакллантириш жамланган бюджет доирасида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва юқори турувчи маҳаллий бюджетлар билан узвий боғлиқликда амалга оширилади. Бюджет тизимининг ҳар бир даражасига Ўзбекистон

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон буйруғи. Молия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган.

Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни (22, 23-моддалар) билан харажатларга оид ваколатлар бириктирилган бўлиб (8-схема), уларни молиялаштириш маълум даражада маҳаллий бюджетнинг даромадлари (маҳаллий солиқлар ва мажбурий тўловлардан тушумлар, солиқсиз даромадлар) ҳисобига амалга оширилади.

**8-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида харажатларга оид ваколатларнинг тақсимланиши**

Республика бюджети	Судлар ва прокуратура органлари фаолияти	—
Республика бюджети	Миллий хавфсизлик	—
Республиканин бюджет	Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва миссиялари фаолиятини таъминлаш	—
Республика бюджети	Ер тузиш, мелiorация, табиатни муҳофаза қилиш ва энvоотияга қарши кураш чора-тадбирлари	—
Республика бюджети	Қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши кураш	—
Республика бюджети	Қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши кураш	—
Республика бюджети	Мудофаа ва жамоат тартиби	Маҳаллий бюджетлар
Республика бюджети	Иқтисодиёт турли тармоқларидаги бюджет ташкилотларини сақлаш	Маҳаллий бюджетлар
Республика бюджети	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти	Маҳаллий бюджетлар
Республика бюджети	Ижтимоий таъминот	Маҳаллий бюджетлар
Республика бюджети	Ижтимоий-маданий тадбирлар: фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт	Маҳаллий бюджетлар
Республика бюджети	Давлатнинг марказлаштирилган инвестициялари	Маҳаллий бюджетлар

Республика бюджети	Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш	Маҳаллий бюджетлар
-	Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Маҳаллий бюджетлар

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг бир қисми бюджетлараро тартибга солиш йўллари орқали тартибга солувчи умумдавлат солиқлари, молиявий ёрдам ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори бюджетдан келиб тушадиган маблағлар ҳисобига шаклланади (9-схема).

**9-схема. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларни  
баланслаш манбалари**



Конун ҳужжатларига<sup>32</sup> мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг баланслилиги умумдавлат солиқларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда юқори турувчи маҳаллий

<sup>32</sup> "Бюджет тизими тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-III-сон Қонуни, 24-модда.

бюджетлардан ажратмалар ва молиявий ёрдам (субвенциялар, дотациялар, ўтказиладиган даромадлар ва бюджет ссудалари) нормативларига мувофиқ тақсимлаш, шунингдек, қайта тақсимлаш ҳисобига таъминланади.

Ҳозирги вақтда умумдавлат солиқларининг деярли барчаси ажратмалар нормативларига мувофиқ бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимланади (10-схема).

Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар нормативларининг ҳисоб-китоби молия йили бошлангунга қадар, умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган харажатлар ҳажми белгиланганидан сўнг амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Нормативларни белгилашда маҳаллий ва умумдавлат солиқлари бўйича тушумлар прогнози, тегишли бюджетларнинг минимал харажатлари прогнозларидан келиб чиқилади.


Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари ҳар йили кўриб чиқилади ҳамда Олий Мажлис томонидан Давлат бюджети қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари ҳам ҳар йили қайта кўрилади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан белгиланади.

7-жадвалда тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари келтирилган. 2009 ва 2010 йилларда кичик бизнес хўжалик юритувчи субъектлари тўлайдиган ягона солиқ тўлови тўлиқ ҳажмда (100%) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар бюджетлари ихтиёрига берилди, Тошкент шаҳри бундан мустасно. Ушбу чора маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган.

Ер каъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар асосан республика бюджетига тушади, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти бундан мустасно бўлиб, уларнинг бюджетларига мазкур солиқ 2009 ва 2010 йилларда тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

10-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимланадиган умумдавлат солиқлари



7-жадвал. 2009 ва 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумлават солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари<sup>33</sup> (% ҳисобида)

Минтакалар (вилоятлар) номи	КҚС		Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи		Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи		Ақшз солиғи						Ер қазыран фойдалан- ганлик учун солиқ		Ягона солиқ туловдан ажратмалар (макрофирма- лар ва кичик корхоналар билан бирга)		Савдо ва умумий омаклавши корхоналарга солинган ягона солиқ тулови- ли ақрамли		
	2009	2010	2009	2010	2009	2010	бензинга	дизель ёқилтигига	авиа- керосинга	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010		
	2009	2010	2009	2010	2009	2010	алкоголли маҳсулот- ларга (этил спиритдан ташқари)*	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010		
Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	50	50	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100	
Андижон вилояти	100	100	100	100	100	100	50	50	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Бухоро вилояти	55	55	55	55	50	50	50	55	55	55	55	55	55	55	-	100	100	100	100
Жиззах вилояти	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Қашқадарё вил.	100	90	100	90	50	100	50	50	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Навоий вилояти	50	62	50	62	50	62	-	-	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Наманган вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Самарқанд вил.	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100	100
Сурхондарё вил.	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100	100
Сирдарё вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Тошкент вилояти	65	65	65	65	50	50	50	50	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Фарғона вилояти	100	83	83	83	100	100	50	50	83	83	83	83	83	83	-	100	100	100	100
Хоразм вилояти	100	100	100	100	100	100	50	50	-	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
Тошкент шаҳри	10	5	10	5	5	5	50	50	-	-	-	-	-	-	-	35	15	35	15

<sup>33</sup> Жадал Узебекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон ва 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарорлари маълумотлари а мувофиқ тузилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарканд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида асосий тартибга солувчи солиқлар – ҚҚС, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи маҳаллий бюджетга тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

Бухоро, Навоий, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилояти бюджетлари, шунингдек, Тошкент шаҳар бюджетига мазкур солиқларнинг бир қисми ажратмаларининг 5 дан 90% фойзгача бўлган оралиқдаги нормативларига мувофиқ ўтказилади.

Ақциз солиғидан келган тушумлар ажратмаларнинг тасдиқланган нормативларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва республика бюджети ўртасида тақсимланади.

8-жадвалда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар бюджетларига иш берувчиларнинг ажратмалари, ижтимоий нафақалар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга мақсадли субвенциялар сифатида, шунингдек, дотациялар сифатида ажратиладиган молиявий ёрдам миқдорлари келтирилган. 2009 ва 2010 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятларининг бюджетлари ҳамда Тошкент шаҳар бюджети тартибга солувчи солиқлар, шунингдек, ўтказиладиган даромадлар ҳисобига балансланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Самарканд, Сурхондарё (2010 йилдан бошлаб), Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг маҳаллий бюджетлари умумдават солиқларидан ажратмалар, ўтказиладиган даромадлар ҳисобига, шунингдек, иш берувчиларнинг ажратмалари, ижтимоий нафақалар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга мақсадли субвенциялар билан балансланади.

2009 йилда Наманган ва Сурхондарё вилоятларининг маҳаллий бюджетларига умумдават солиқларидан ажратмалар, ўтказиладиган даромадлар ва субвенциялар беришдан ташқари дотациялар ҳам ажратилган. 2010 йилда Сурхондарё вилояти дотацион минтақалар каторидан чиқарилди, ҳозирги вақтда фақат Наманган вилояти дотация олади.

Бюджетлараро тартибга солиш молиявий ёрдам билан бир қаторда, давлат ҳокимияти органлари томонидан куйи турувчи бюджетларнинг даромадлар ёки харажатлар қисмини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши натижасида маҳаллий бюджетларга тушувчи ёки маҳаллий бюджетлардан ўтказилувчи суммалар – ўзаро ҳисоб-китобларни ҳам ўз

ичига олади. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳаракатини расмийлаштириш учун “Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган даромадлар ва харажатлар йиллик режали ҳажмларининг чоракма-чорак тақсимотини тузиш, бюджетларни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш, бюджетда назарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисида” Йўриқномага<sup>34</sup> илова қилинган 11-шакл билдиришномадан фойдаланилади.

**8-жадвал. 2009 ва 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг ҳажмлари, дотациялар ва республика бюджетидан ажратиладиган мақсадли субвенцияларининг юқори чегараси<sup>35</sup> (% ҳисобида)**

Минтақалар номи	Маҳаллий бюджетлар харажатлари		Даромадлар, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ўтказилган даромадларни қўшиб ҳисоблаганда		Иш берувчиларнинг чегирмаларини, ижтимоий нафақаларни ва марказлаштирилган инвестицияларни		Дотация	
	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	100,0	66,9 *	68,2 *	33,1	31,8	—	—
Андижон вилояти	100,0	100,0	65,2 *	69,1*	34,8	30,9	—	—
Бухоро вилояти	100,0	100,0	100,0	100	—	—	—	—
Жиззах вилояти	100,0	100,0	60,6 *	67,7 *	39,4	32,3	—	—
Кашқадарё вилояти	100,0	100,0	100,0	100	—	—	—	—
Навоий вилояти	100,0	100,0	100,0	100	—	—	—	—
Наманган вилояти	100,0	100,0	35,0	40,8	34,7	32,7	30,3	26,5
Самарқанд вилояти	100,0	100,0	61,6 *	67,2 *	38,4	32,8	—	—
Сурхондарё вилояти	100,0	100,0	40,1*	62,9 *	37,8	37,1	22,1	—
Сирдарё вилояти	100,0	100,0	68,8	70,2	31,2	29,8	—	—
Тошкент вилояти	100,0	100,0	100,0	100	—	—	—	—
Фарғона вилояти	100,0	100,0	100,0	100	—	—	—	—
Хоразм вилояти	100,0	100,0	66,0 *	68,2 *	34,0	31,8	—	—
Тошкент шаҳри	100,0	100,0	100,0	100	—	—	—	—
Жами	100,0	100,0	76,9	80,3	19,1	17,6	4,0	—

<sup>34</sup> Молия вазирининг 2001 йил 26 мартдаги 29-сон буйруғи билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2001 йил 12 апрелда 1025-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>35</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон ва 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарорлари маълумотларига мувофиқ тузилган.

\* Республика бюджетидан ўтказиб бериладиган ва шу ҳудудда шаклланадиган даромадлар суммаси билан бирга, Республика бюджетидан тегишли бюджетларга ўтказиб бериладиган даромадларни таъминлайдиган корхоналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ўзаро ҳисоб-китобларга мисоллар:

**1-вариант. Маҳаллий бюджетнинг режалаштирилаётган даромадлари кўпайтирилганида**

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Кирилган ўзгаришлар (+, -)	Аниқлаштирилган режа
Даромадлар	100	10	110
Режалаштирилаётган харажатлар	100	0	100
Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетига ўтказиладиган маблағлар	0		10
Жами харажатлар			110
Такчиллик / профицит	0		0

**2-вариант. Маҳаллий бюджет даромадлари режаси камайтирилганида**

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Кирилган ўзгаришлар (+, -)	Аниқлаштирилган режа
Даромадлар	100	-10	90
Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетидан олинган маблағлар			10
Жами харажатлар			100
Харажатлар	100		100
Такчиллик / профицит	0		0

**3-вариант. Маҳаллий бюджет харажатлари камайтирилганида**

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Киририлган ўзгартiriшлар (+, -)	Аниқлаштирилган режа
Даромадлар	100		100
Режалаштирилаётган харажатлар	100	-10	90
Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетига ўтказиладиган маблағлар	0		10
Жами харажатлар			100
Тақчиллик / профицит	0		0

**4-вариант. Маҳаллий бюджет харажатлари қўнайтирилганида**

Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа	Киририлган ўзгартiriшлар (+, -)	Аниқлаштирилган режа
Даромадлар	100		100
Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетидан олинган маблағлар			10
Жами даромадлар			110
Харажатлар	100	10	110
Тақчиллик / профицит	0		0

Шундай қилиб, бюджетлараро муносабатларнинг Ўзбекистон мавжуд амалиёти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тартибга солувчи умумдаълат солиқларини республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида ажрағмаларнинг тасдиқланган нормативларига мувофиқ қайта тақсимлашни;
- юқори турувчи бюджетлардан қуйи турувчи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари сифатида молиявий ёрдам кўрсатишни;
- ўтказиладиган даромадларни;
- юқори турувчи бюджетлардан маблағларни қуйи турувчи бюджетга.

шунингдек, қуйи турувчи бюджетдан юкори турувчи бюджетта бюджетни ижро этиш жараёнида юзага келган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича йўналтиришни;  
 – бюджет ссудалари ажратишни.

## 2.5. Худудларнинг бюджетларини баланслаш алгоритми

Ўқув қўлланмасининг мазкур бандида юзага келган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда бюджетларни баланслаш масалаларини ечиш борасидаги ҳаракатлар кетма-кетлиги ёритилади.

### Худудларнинг бюджетларини баланслаш алгоритми:

**1-босқич.** Худудларнинг молия органлари ҳудуд солиққа оид даромадлари прогнозини тузадилар:

1. Худуд бюджетининг даромадлар қисмини шакллантирувчи маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлар прогнози.
2. Мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар прогнози.
3. Ўтказиладиган даромадлар прогнози (агар улар мавжуд бўлса).

Худуд даромадлари умумий суммаси (прогноз):

Худуд даромадлари умумий суммаси (прогноз)	=	Худуд бюджетни маҳаллий (ўз) даромадлари суммаси (прогноз)	+	Мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар суммаси (прогноз)	+	Ўтказиладиган даромадлар суммаси (прогноз)
--	---	--	---	--	---	--

**2-босқич.** Худудларнинг молия органлари ҳудуд бюджети харажатларининг умумий суммасини ҳисоблайдилар (режалаштирадилар):

1. Худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатлари суммаси ҳисобланади.
2. Худуд бюджетининг юкори турувчи бюджетдан субвенциялар воситасида молиялаштириладиган харажатлари суммаси ҳисобланади (ҳудуд бюджетига юкори турувчи бюджетдан мазкур бюджет қуйи турувчи бюджетга берган харажатларга оид ваколатларни мақсадли молиялаштириш учун ўтказиладиган маблағлар).

**Худуд бюджетининг режалаштирилаётган даврга мўлжалланган харажатлари умумий суммаси:**

$$\begin{array}{l} \text{Худуд бюджети} \\ \text{харажатлари} \\ \text{умумий} \\ \text{суммаси} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Худуд бюджетига} \\ \text{бириктирилган ўз} \\ \text{харажатлари} \\ \text{суммаси} \end{array} + \begin{array}{l} \text{Худуд бюджетининг юқори} \\ \text{турувчи бюджет томонидан} \\ \text{субвенциялар воситасида} \\ \text{молиялаштириладиган} \\ \text{харажатлари суммаси} \end{array}$$

“Солиқ салоҳияти” ва “солиқ даромадлари” – бу тушунчалар кўпинча айний деб қаралади, лекин “солиқ салоҳияти” тушунчаси кенгрок мазмунга эга ва “солиқ даромадлари” солиқ салоҳиятининг рўёбга чиқарилган қисми ҳисобланади.

**Солиқ салоҳиятини** аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: амалда олинган солиқ тушумлари, солиқ тўловлари бўйича қарзнинг ўсиши, солиқ имтиёзлари бўйича олинadиган даромадлар, солиқ органларининг назорат иши натижаларига кўра қўшимча ҳисобланган солиқлар, иктисодиётнинг хуфёна сектори бўйича бой берилган солиқ даромадлари, яъни хуфёна иктисодиёт ресурслари.

Одатда, **солиқ салоҳияти** деганда, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мавжуд бўлган солиқ базалари таркибидаги бюджет солиқ даромадларининг максимал суммаси тушунилади.

### **3-босқич. Худуд бюджетини баланслаш:**

**1-вариант.** Худуд бюджетини баланслашга доир вазиятлар ва баланслаш усуллари (худудлар бюджетига бириктирилган ўз харажатлари суммаси ҳамда худуд маҳаллий (ўз) даромадларининг прогноз қилинаётган суммаси):

**1.1-вазият.** Агар худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларининг режалаштирилаётган суммаси худуд бюджетининг прогноз қилинаётган маҳаллий (ўз) даромадлари билан тўлиқ ҳажмда қопланса, худуд бюджети ўзига тўқ ва қўшимча маблағларга муҳтож эмас.

$$\left. \begin{array}{l} \text{Худуд бюджетига} \\ \text{бириктирилган ўз} \\ \text{харажатлари} \\ \text{суммаси} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Худуд бюджети} \\ \text{маҳаллий (ўз)} \\ \text{даромадлари суммаси} \end{array} \right\} \begin{array}{l} \text{Худуд бюджети ўзига} \\ \text{тўқ ва қўшимча} \\ \text{маблағларга муҳтож} \\ \text{эмас} \end{array}$$

**1.2-вазият.** Юқори турувчи бюджет харажатларга оид ваколатларни куйи турувчи бюджетга берган бўлса, харажатларни молиялаштириш куйидаги шартларда амалга оширилиши мумкин:

- юқори турувчи бюджет куйи турувчи бюджетга маблағларни субвенциялар сифатида беради (мақсадли молиялаштириш);
- биргаликда молиялаштириш (улушли молиялаштириш) амалга оширилади.

**1.3-вазият.** Агар ҳудуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларининг режалаштирилаётган суммаси ҳудуд бюджетининг прогноз қилинаётган маҳаллий (ўз) даромадлари суммасидан кам бўлса, ортиқча маблағлар юқори турувчи бюджет ҳудуд бюджетига берган харажатларга оид ваколатларни қисман (улушли ёки биргаликда молиялаштириш)га йўналтирилиши мумкин.

Худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатлари суммаси



Худуд бюджети маҳаллий (ўз) даромадлари суммаси (прогноз)



*Ортиқча маблағлар юқори турувчи бюджет ҳудуд бюджетига берган харажатларга оид ваколатларни қисман (улушли ёки биргаликда молиялаштириш)га йўналтирилиши мумкин.*

**1.4-вазият.** Агар ҳудуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларининг режалаштирилаётган суммаси ҳудуд бюджетининг прогноз қилинаётган маҳаллий (ўз) даромадлари суммасидан ортиқ бўлса, мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар юқори турувчи бюджет ҳамда ҳудуд бюджети ўртасида тақсимланади. Агар бу чоралар кифоя қилмаса, ҳудуд бюджетига молиявий ёрдам (субвенциялар, дотациялар) ажратилади.

Худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатлари суммаси



Худуд бюджети маҳаллий (ўз) даромадлари суммаси (прогноз)



*1. Мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар юқори турувчи бюджет ҳақида ҳудуд бюджетини ўртасида тақсимланади;  
2. Агар бу чоралар кифоя қилмаса, ҳудуд бюджетига молиявий ёрдам (субвенциялар, дотациялар) ажратилади*

**2-вариант.** Худуд бюджетини баланслашга доир вазиятлар ва баланслаш усуллари (худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатлари суммаси ва худуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммаси):

**2.1-вазият.** Агар худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларининг режалаштирилаётган суммаси худуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммаси билан тўлиқ ҳажмда қопланса, мазкур худудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар худудда қолдирилади ҳамда унинг бюджетига ўтказилади.

$$\begin{array}{l}
 \text{Худуд бюджетига} \\
 \text{бириктирилган ўз} \\
 \text{харажатлари суммаси}
 \end{array}
 =
 \begin{array}{l}
 \text{Худуд бюджети} \\
 \text{даромадлари} \\
 \text{умумий} \\
 \text{суммаси} \\
 \text{(прогноз)}
 \end{array}
 \left. \vphantom{\begin{array}{l} \\ \\ \\ \\ \end{array}} \right\}
 \begin{array}{l}
 \text{Мазкур худудда йиғиладиган} \\
 \text{умумдавлат солиқлари ва} \\
 \text{бошқа мажбурий йиғимлар} \\
 \text{худудда қолдирилади ва унинг} \\
 \text{бюджетига ўтказилади}
 \end{array}$$

**2.2-вазият.** Агар худуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларининг режалаштирилаётган суммаси худуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммасидан кам, лекин худуд бюджети маҳаллий (ўз) даромадларининг прогноз қилинаётган суммасидан кўп бўлса, мазкур худудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар республика бюджети ҳамда худуд бюджети ўртасида ажратмалар нормативларига мувофиқ тақсимланади. Одатда, корхоналар тўлайдиган солиқлар – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва қўшимча қиймат солиғи бюджетлар ўртасида тақсимланади. Тадбиркорлар ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар, қонда тарқасида, маҳаллий ҳокимият органларининг минтақа худудида тадбиркорликнинг ривожланишидан манфаатдорлигини рағбатлантириш учун маҳаллий бюджетларга тўлиқ ҳажмда ўтказилади.



**2.3-вазият.** Агар ҳудуд бюджетининг баланслилигини таъминлашнинг 2.2-вазиятда келтирилган усули самара бермаса, юқори турувчи бюджетдан куйи турувчи бюджетга субвенциялар ва дотациялар сифатида молиявий ёрдам ажратилади. Субвенциялар аниқ мақсадга қаратилган бўлади, дотациялар эса бегараз хусусият касб этади ва куйи турувчи бюджетнинг харажатлари ҳамда даромадлари ўртасидаги тафовутни коплаш учун берилади.

Ҳудуд бюджетини чоракма-чорак ва ойма-ой баланслаш учун ҳудуд бюджетига бюджет ссудалари – кайтаришлик асосида ажратиладиган маблағлар берилиши ҳам мумкин.

**2.4-вазият.** Агар ҳудуд бюджетига бириктирилган ўз харажатларининг режалаштирилаётган суммаси ҳудуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммасидан ортик бўлса, ҳудуд бюджетига мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари қолдирилади, агар бу чоралар бюджетнинг баланслилигини таъминламаса, юқори турувчи бюджетдан ҳудуд бюджетига молиявий ёрдам (субвенциялар, дотациялар, бюджет ссудалари) ажратилади.

Ҳудуд бюджетига  
бириктирилган ўз  
харажатлари  
суммаси




Ҳудуд  
даромадлари  
умумий  
суммаси  
(прогноз)

1. ҳудуд бюджетига мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари қолдирилади;
2. агар бу чоралар кифоя қилмаса, юқори турувчи бюджетдан ҳудуд бюджетига молиявий ёрдам (субвенциялар, дотациялар, бюджет ссудалари) ажратилади.

**3-вариант.** Ҳудуд бюджетини баланслашга доир вазиятлар ва баланслаш усуллари (ҳудуд бюджети харажатлари умумий суммаси ҳамда ҳудуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммаси):

**3.1-вариант.** Агар ҳудуд бюджети харажатларининг умумий суммаси режалаштирилаётган даврда ҳудуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммаси билан тўлиқ ҳажмда копланса, мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва мажбурий йиғимлар ҳудуд бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади.



**3.2-вазият.** Агар ҳудуд бюджети харажатларининг умумий суммаси режалаштирилаётган даврда худуд бюджети маҳаллий (ўз) даромадларининг прогноз қилинаётган суммасидан ортиқ, лекин худуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммасидан кам бўлса, мазкур ҳудудда йигиладиган умумдават солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар республика бюджети ва худуд бюджети ўртасида ажратмалар нормативларига мувофиқ тақсимланади.




**3.3-вазият.** Агар ҳудуд бюджети харажатларининг умумий суммаси режалаштирилаётган даврда худуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммасидан ортиқ бўлса, бюджетни баланслаш учун юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга дотациялар сифатида молиявий ёрдам ажратилади.



**3.4-вазият.** Агар ҳудуд бюджети харажатларининг умумий суммаси режалаштирилаётган даврда худуд бюджети даромадларининг прогноз қилинаётган умумий суммасидан кам бўлса, бюджет маблағларининг ортиқча қисми юқори турувчи бюджет томонидан юқори турувчи бюджетларни ба-

ланслаш ёхуд бошқа ҳудудларнинг бюджетларини баланслаш учун олиб қўйилиши мумкин, айни ҳолда ҳудуд бюджети донор-бюджет сифатида амал қилади.



**4-вариант.** Худуд бюджетини баланслашга доир вазиятлар ва баланслаш усуллари: давлат ҳокимияти органлари томонидан молия йили мобайнида қабул қилинган қуйи турувчи бюджетларнинг даромадлар ёки харажатлар қисмини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар натижасида юзага келувчи ҳудудлар бюджетларидаги дисбаланс юқори турувчи ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар воситасида тартибга солиниши мумкин.

**5-вариант.** Худуд бюджетини баланслашга доир вазиятлар ва баланслаш усуллари: бюджет йилининг айрим даврларида, бюджетни ижро этиш жараёнида, ҳудуд бюджетиди даромадлар ва харажатлар ўртасида айланма касса маблағи меъёридаги фарқлар туфайли маблағлар тақчиллиги юзага келиши мумкин. Худуд бюджетини баланслаш учун юқори турувчи бюджетдан қисқа муддатли бюджет ссудалари уларни бюджет йили якунлангунга қадар қайтариш шарти билан берилиши мумкин.

**Ўзбекистонда ҳудудлар бюджетларини баланслаш жорий амалиёти алгоритми:**

**1-босқич.** Худудий молия органлари ўз худуди солиқ даромадларининг прогнозини тузадилар:

1). Бюджетга ўз (маҳаллий) солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар тушумларининг прогнози тузилади;

**Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлар:**

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ нишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- автотранспортни парковка қилиш бўйича пулли хизматлар кўрсатганлик учун йиғим.

2). Мазкур ҳудудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар прогнози тузилади;

**Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий йиғимлар:**

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- қўшимча қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер каъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- давлат божи;
- боғхона тўловлари;
- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича катъий белгиланган солиқ.

$$3). \quad \begin{array}{l} \text{Ҳудуднинг} \\ \text{солиқ} \\ \text{даромадлари} \\ \text{прогнози} \end{array} = \begin{array}{l} \text{Маҳаллий} \\ \text{солиқлар ва} \\ \text{бошқа мажбурий} \\ \text{йиғимлар} \\ \text{прогнози} \end{array} + \begin{array}{l} \text{Мазкур ҳудудда йиғиладиган} \\ \text{умумдавлат солиқлари ва} \\ \text{бошқа мажбурий йиғимлар} \\ \text{прогнози} \end{array}$$

2-босқич. Ҳудудий молия органлари ҳудуд бюджети харажатларини режалаштирадилар.

**3-босқич.** Худуднинг бюджет билан таъминланганлик даражаси унинг солиқ даромадлари прогнози ва мазкур худуднинг бюджет маблағлари олувчиларнинг режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжларини таққослаш йўли билан аниқланади.

Бюджет билан таъминланганлик даражасини аниқлашда қуйидаги вазиятлар кузатилиши мумкин:

<b>1-вазият.</b>	<b>Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар прогнози</b>	<b>=</b>	<b>Режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжлар</b>
------------------	--	----------	--

Айни ҳолда худуд ўзига тўқ ва бюджетни тартибга солишга муҳтож эмас.

Қўшма харажатларни (улушли молиялаштиришни) амалга ошириш учун худудларнинг бюджетлари юқори турувчи бюджетлардан субвенциялар оладилар.

Йил мобайнида худуд бюджетининг касса ижроси жараёнида маблағлар тақчиллиги юз берган тақдирда, юқори турувчи бюджет мазкур худуд бюджетига режалаштирилмаган қисқа муддатли ссуадалар бериши мумкин. Бу ссудаларни қайтариш бюджет йили яқунлангунга қадар амалга оширилади.

<b>2-вазият.</b>	<b>Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар прогнози</b>	<b>&lt;</b>	<b>Режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжлар</b>
------------------	--	-------------	--

Агар маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар прогнози худуднинг режалаштирилаётган эҳтиёжларини қопламаса, бюджетнинг баланслилигини таъминлаш мақсадида, тақчиллик мазкур худудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ҳамда йиғимлар ҳисобига қопланади. Бу солиқлар ва йиғимлар худуд бюджетига ё тўлиқ ҳажмда, ё улардан муайян улуш ажратмалар нормативларига мувофиқ берилади.

Қонда тарикасида, қуйидаги умумдавлат солиқлари бюджетлар ўртасида тақсимланади: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, акшиз солиғи.

Тадбиркорлар ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар, қонда тарикасида, маҳаллий бюджетларга тўлиқ ҳажмда берилади, яъни бу солиқлар ҳудуд бюджетига ўтказилади. Ушбу чоралар маҳаллий ҳокимият органларининг ўз ҳудудда хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган.

Юқорида зикр этилган маблағлар тақчилликни қоплаш учун етарли бўлмаса, юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетларга ўтказиладиган даромадлар ажратилиши ҳам мумкин.

**3-вазият.**                      Худуднинг солиқ даромадлари прогнози                      <                      Режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжлар

Агар худуднинг солиқ даромадлари прогнози худуднинг режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжларини қопламаса, юқори турувчи бюджетдан субвенциялар сифатида молиявий ёрдам ажратилади. Ҳозирги вақтда республика бюджетидан субвенциялар қуйидагиларга ажратилади: капитал қўйилмаларга (240-бўлим), нафақалар тўлаш учун харажатларга (250-бўлим) ва “Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи” харажатларининг II гуруҳига. Агар бу чоралар бюджетни баланслаш имкониятини бермаса, худуд юқори турувчи бюджетдан дотациялар олади (2010 йилда – Наманган вилояти).

**4-вазият.**                      Худуднинг солиқ даромадлари прогнози                      >                      Режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжлар

Агар худуднинг солиқ даромадлари прогнози худуднинг режалаштирилаётган харажатларга оид эҳтиёжларидан ортиқ бўлса, бу ҳолда:

1) мазкур худудда йиғиладиган умумдавлат солиқлари ва мажбурий йиғимлар юқори турувчи ҳамда қуйи турувчи бюджетлар ўртасида муайян улушда тақсимланади;

2) ортиқча маблағлар юқори турувчи бюджетга олинади (амалда дотация).

худуд (масалан, Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва бошқалар).

**5-вазият.** Бюджетнинг ижро этилиши жараёнида харажатлар кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Харажатлар кўпайтирилган ҳолда юқори турувчи бюджетдан маблағлар ажратилади, харажатлар камайтирилган ҳолда эса – куйи турувчи бюджетлардан маблағлар олиб кўйилади.

**6-вазият.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетида йилнинг айрим даврларида ҳосил бўладиган даромадлар ҳамда харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини коплашга юқори турувчи бюджетдан қисқа муддатли бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бу ссудалар молия йили якунлангунга қадар қайтарилиши лозим.<sup>36</sup>

## **2.6. Бюджетлараро тартибга солиш йўллари бўйлаб пул маблағларининг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш**

Бюджетлараро муносабатлар жараёнида (Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ўртасида) пул маблағларининг ҳаракати қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади:

1. Агар Республика бюджетидан вилоят бюджетига қўшимча бюджет маблағлари ажратилаётган бўлса, мазкур операцияни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети бош боқармаси (матнда кейинги ўринларда Молия вазирлиги ДБББ деб юритилади)нинг тегишли бўлими 11-сонли шаклдаги билдиришномага<sup>37</sup> мувофиқ қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 071 Кт 061,**

вилоят молия бошқармалари эса қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирадilar:

**Дт 061 Кт 071.**

<sup>36</sup> "Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган ссудаларни тўлаш тартиби тўғрисида" Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>37</sup> Бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг мавжуд суммаларга юқори молия органи 11-сонли шаклдаги хабарномани расмийлаштиради (шакл 1-иловада келтирилган) ва Ҳазначилик бўлинмалари билан келишилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли қуйи молия органига юборди.

2. Вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағларининг ўтказилишини Молия вазирлиги ДБББ қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 061 Кт 010.**

3. Агар вилоят бюджетидан маблағлар ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетига олинаётган бўлса, мазкур операцияни Молия вазирлиги ДБББ қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 010 Кт 061.**

вилоят молия бошқармаси эса ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағларининг ўтказилишини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 061 Кт 011.**

4. Агар вилоят бюджетидан туман (шаҳар) бюджетига қўшимча бюджет маблағлари ажратилаётган бўлса, берилган 11-сонли шаклдаги билдиришномага вилоят молия бошқармаси қуйидаги бухгалтерия проводкасини расмийлаштиради:

**Дт 072 Кт 062,**

вилоят молия бўлими эса пул маблағларининг ўтказилишини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 062 Кт 011.**

5. Агар туман (шаҳар) бюджетидан маблағлар ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича вилоят бюджетига тўлов топшириғи ёки инкассо топшириғига биноан олинаётган бўлса, мазкур операцияни вилоят молия бошқармаси қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 011 Кт 062,**

туман (шаҳар) молия бўлими эса мазкур ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағларининг ўтказилишини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 062 Кт 011.**

6. Агар вилоят бюджетига республика бюджетидан дотациялар ажратилаётган бўлса, Молия вазирлиги ДБББ мазкур операцияни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 020 Кт 010,**

вилоят молия бошқармаси эса мазкур маблағларнинг ўтказилишига қуйидаги бухгалтерия проводкасини расмийлаштиради:

**Дт 011 Кт 040.**

7. Агар туман (шаҳар) бюджетига вилоят бюджетидан дотациялар ажратилаётган бўлса, вилоят молия бошқармаси мазкур операцияни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 020 Кт 011,**

туман (шаҳар) молия бўлими эса мазкур пул маблағларининг олинисини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 011 Кт 040.**

8. Агар вилоят бюджетига республика бюджетидан субвенциялар ажратилаётган бўлса, Молия вазирлиги ДБББ мазкур операцияни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 020 Кт 010,**

вилоят молия бошқармаси эса мазкур субвенциянинг олинисини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан акс эттиради:

**Дт 011 Кт 040.**

9. Агар туман (шаҳар) бюджетига вилоят бюджетидан субвенциялар ажратилаётган бўлса, вилоят молия бошқармаси мазкур операцияни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 020 Кт 011,**

туман (шаҳар) молия бўлими эса мазкур пул маблағларининг олинисини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 011 Кт 040.**

10. Агар вилоят бюджетига республика бюджетидан бюджет ссудалари ажратилаётган бўлса, Молия вазирлиги ДБББ мазкур операцияни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 051 Кт 010,**

вилоят молия бошқармаси эса бюджет ссудасининг олинисини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 011 Кт 051.**

Агар туман (шаҳар) бюджетига вилоят бюджетидан бюджет ссудалари ажратилаётган бўлса, вилоят молия бошқармаси мазкур операцияни бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 052 Кт 011,**

туман (шаҳар) молия бўлими эса мазкур пул маблағларининг олинисини қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 011 Кт 052.**

**11.** Туман (шаҳар) бюджетидан вилоят бюджетига бюджет ссудаларининг тўлов топширигига биноан пул маблағлари билан қайтариллиши қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 052 Кт 011.**

Вилоят бюджетидан Молия вазирлигига бюджет ссудаларининг тўлов топширигига биноан пул маблағлари билан қайтариллиши қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштиради:

**Дт 051 Кт 011.**

Бюджет ссудаларини қайтариш ўтказилаётган режали дотациялар субвенциялар ҳисобига ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилиши ҳам мумкин, бунда мазкур пул операцияларининг акс эттирилиши бошқа бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таснифида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларнинг даромадлардаги ҳисобини юритиш учун 30-бўлим, 11–13-параграфлар назарда тутилган.<sup>38</sup>

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 йил 2 февралдаги 11-сон буйруғига 1-илова. Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромадлари ва харажатлари таснифи 2009 йил 12 декабрь ҳолатига кўра.

Бўлим	Параграф	Номи
30		<b>Бошқа бюджетлардан олинган маблағлар</b>
30	1	Республика бюджетидан олинган дотациялар
30	2	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан олинган дотациялар
30	3	Вилоятлар бюджетларидан олинган дотациялар
30	4	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан олинган дотациялар
30	5	Республика бюджетидан олинган субвенциялар
30	6	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан олинган субвенциялар
30	7	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан олинган субвенциялар
30	8	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан олинган субвенциялар
30	9	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетидан олинган маблағлар
30	10	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан олинган маблағлар
30	11	Вилоятлар бюджетларидан олинган маблағлар
30	12	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан олинган маблағлар
30	13	Қуйи турувчи бюджетлардан олинган маблағлар
30	14	Қуйи турувчи бюджетлардан олинган даромадларнинг ортиқча қисми суммалари
30	15	Республика бюджети ҳисобига олинган прогноздан ортиқча тушумлар суммаси

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таснифида **Ўзаро ҳисоб-китоблар** бўйича маблағларнинг харажатлардаги ҳисобини юритиш учун 254-бўлим, 9-12-параграфлар назарда тутилган.

Бўлим	Параграф	Номи
254	х	<b>Бошқа бюджетларга бериладиган маблағлар</b>
254	1	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига бериладиган дотациялар
254	2	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бериладиган дотациялар
254	3	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган дотациялар
254	4	Шаҳарга бўйсунадиган туманларнинг бюджетларига бериладиган дотациялар

254	5	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига бериладиган субвенциялар
254	6	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бериладиган субвенциялар
254	7	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган субвенциялар
254	8	Шаҳарга бўйсунадиган туманларнинг бюджетларига бериладиган субвенциялар
254	9	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича республика бюджетига бериладиган маблағлар
254	10	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига бериладиган маблағлар
254	11	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бериладиган маблағлар
254	12	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган маблағлар
254	13	Юқори турувчи бюджетларга бериладиган маблағлар
254	14	Куйи турувчи бюджетларга бериладиган маблағлар
254	15	Даромадлар ортқича қисмларининг юқори турувчи бюджетларига бериладиган суммалари
254	16	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ижтимоий нафакалар учун бериладиган субвенциялар
254	17	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига марказлаштирилган инвестициялар учун бериладиган субвенциялар
254	18	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига умумий таълим бўйича марказлаштирилган тадбирлар учун бериладиган субвенциялар
254	19	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига кадрлар тайёрлаш бўйича марказлаштирилган тадбирларга бериладиган субвенциялар
254	20	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ижтимоий нафакалар учун бериладиган субвенциялар
254	21	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига марказлаштирилган инвестициялар учун бериладиган субвенциялар
254	22	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумий таълим бўйича марказлаштирилган тадбирлар учун бериладиган субвенциялар
254	23	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига кадрлар тайёрлаш бўйича марказлаштирилган тадбирларга бериладиган субвенциялар
254	24	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ижтимоий нафакалар учун бериладиган субвенциялар
254	25	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумий таълим бўйича марказлаштирилган тадбирлар учун бериладиган субвенциялар

254	26	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига умумий таълим ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш учун бериладиган субвенциялар
254	27	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш учун бериладиган субвенциялар
254	28	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумий таълим ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш учун бериладиган субвенциялар
254	29	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш учун бериладиган субвенциялар
254	30	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумий таълим ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш учун бериладиган субвенциялар
254	31	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш учун бериладиган субвенциялар
254	32	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига Республика бюджетидан бериладиган даромадлар бўйича харажатлар
254	33	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бериладиган даромадлар бўйича харажатлар
254	34	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига иш ҳақидан ажратмалар учун бериладиган субвенциялар
254	35	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига иш ҳақидан ажратмалар учун бериладиган субвенциялар
254	36	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига иш ҳақидан ажратмалар учун бериладиган субвенциялар
254	37	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бўш турган қолдиқлар ҳисобига бериладиган маблағлар
254	38	Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бўш турган қолдиқлар ҳисобига бериладиган маблағлар

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таснифида бюджет ссудалари ҳисобини юритиш учун харажатларда 160-бўлим, 1–5-параграфлар назарда тутилган.

Бўлим	Параграф	Номи
160	х	Бюджет ссудалари <sup>39</sup>
160	1	Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига бериладиган ссудалар
160	2	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бериладиган ссудалар
160	3	Туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган ссудалар
160	4	Шаҳарга бўйсунадиган туманларнинг бюджетларига бериладиган ссудалар
160	5	Хўжалик юритувчи субъектларга республика бюджетидан бериладиган ссудалар
161	х	Республика бюджетининг прогноздан ортиқча тушумлари қуйи турувчи маҳаллий бюджетларнинг харажатларига йўналтирилиши

Давлат бюджетининг ғазна ижроси шароитларида юқори турувчи бюджетлардан қуйи турувчи бюджетларга дотациялар, аниқ мақсадга қаратилган субвенциялар, ссудалар сифатида бериладиган маблағлар ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобини юритиш, шунингдек, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни қуйи турувчи бюджетлардан юқори турувчи бюджетларга ўтказиш ва ссудаларни қайтариш ҳам ғазначилик органларида амалга оширилади. Бюджет маблағларини ўтказиш ғазначилик органлари томонидан тегишли ғазна ҳисоб варақларидан амалга оширилади.

Бунда бюджетлар ўртасида маблағлар ҳаракати ҳисобини юритиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ғазначилик органлари томонидан юқорида келтирилган бухгалтерия проводкалари ёрдамида юритилади.

Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда бюджетлар ўртасида маблағлар ҳаракати Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таснифининг тегишли бўлимлари ва параграфларида акс эттирилади.

### Назорат саволлари

1. Бюджет тузилмаси, бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатлар тушунчаларининг ўзаро алоқасини тушунтириб беринг.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 йил 2 февралдаги 11-сон буйруғига 1-илова. Ўзбекистон Республикаси бюджетлари даромадлари ва харажатлари таснифи 2009 йил 12 декабрь ҳолатига кўра.

2. Бюджет тузилишини ташкил этишга қайси омиллар таъсир кўрсатади?
3. Бюджет тузилиши моделларига тавсиф беринг.
4. Бюджет тизими тузилиши типининг қайси омилларга боғлиқлигига изоҳ беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимига тавсиф беринг.
6. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини тузиш принципларини айтинг ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистон бюджет тизимининг ҳуқуқий базасига тавсиф беринг.
8. Ўзбекистон бюджет тизимининг даражаларига тавсиф беринг.
9. Ўзбекистон бюджет тизимининг хусусиятларини айтинг.
10. Виолятлар, туманлар, шаҳарлар бюджетлари ҳамда республика бюджетини режалаштириш босқичида бюджетлараро муносабатларнинг хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
11. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, виолятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатларининг баланслилигига қандай қилиб эришилади?
12. Қайси ҳолларда ва қандай мақсадларга юқори турувчи бюджетлар қуйи турувчи бюджетларга дотациялар ажратади?
13. Қайси ҳолларда ва қандай мақсадларга юқори турувчи бюджетлар қуйи турувчи бюджетларга субвенциялар ажратади?
14. Қайси ҳолларда ва қандай мақсадларга юқори турувчи бюджетлар қуйи турувчи бюджетларга ссудалар ажратади?
15. Ҳўтазиладиган даромадлар нима?
16. Ҳўзаро ҳисоб-китоблар қайси ҳолларда юзага келади?
17. Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларни баланслаш манбаларини айтинг.
18. Маҳаллий бюджетларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам турларига тавсиф беринг.
19. Ўзбекистонда умумдавлат солиқларининг қайсилари тартибга солувчи солиқлар ҳисобланади?

### **3-бўлим. Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш борасида жаҳон тажрибаси**

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш борасида жаҳон тажрибасини алоҳида бўлимга ажратдик, зеро “Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади”.<sup>40</sup>

Ўқув қўлланмасининг мазкур қисмида бюджетлараро муносабатлар соҳасидаги етакчи мутахассислар ва олимлар (Христенко В.Б.,<sup>41</sup> Трунина И.<sup>42</sup> ва бошқалар)нинг эълон қилинган тадқиқотларидан олинган материаллар жамланган. Бундан мақсад – мазкур ўқув қўлланмасидан фойдаланувчиларда турли мамлакатлар ҳукуматларининг бюджетлараро муносабатлар тизимини ташкил этиш масалаларини ечишга нисбатан ёндашувлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишларига қўмаклашиш. Шунингдек, мазкур бўлимда бюджет тузилишининг марказлаштиришдан чиқарилган ва ўта марказлашган моделлари амал қилувчи мамлакатлар: Австралия, Канада, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Япония, Хитой ва Беларусь Республикаси амалиётининг қисқача тавсифи келтирилган.

#### **3.1. Федератив давлатларда бюджетлараро муносабатлар тизимининг асосий элементлари: Австралия, Канада, Германия, АҚШ**

##### **Австралия<sup>43</sup>**

Австралияда бюджет федерализми модели ўта марказлаштирилгани билан ажралиб туради. Ижтимоий сектор даромадларида федерал марказ улуши 67,4% ни, штатлар ва ҳудудлар улуши – 27,8% ни, маҳаллий маъмуриятлар улуши – 4,8% ни ташкил этади (1992-1993 йиллар маълумотлари). Даромад манбаларининг тақсимланиши “қатлама” принципіга асосланади. Ушбу принциpga мувофиқ бюджет тизимининг ҳар бир даражаси ўз солиқ базасига эга бўлади.

<sup>40</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: янги истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 40-б.

<sup>41</sup> Қаранг: Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. – М.: Дело, 2002. – 45–63-б.

<sup>42</sup> Қаранг: Трунина И.В., Золотарева А.П., Синельников С.Г., Днепровская С.В., Четвериков С.П. Бюджетный федерализм в России: проблемы, теория, опыт // [www.iet.ru](http://www.iet.ru)

<sup>43</sup> Spahn P. B., Shah A. Intergovernmental Fiscal Relations in Australia. Jayanta R. (ed.) Macroeconomic Management and Fiscal Decentralization. The World Bank, 1995.

Австралия федерал бюджетига қуйидаги солиқлар ва йиғимлар тушади: даромад солиғи, фойдадан олинадиган солиқ, акциз солиғи, сотувлардан олинадиган солиқ, божхона тўловлари, иш ҳақи жамғармасига солиқлар. Солиқлар таркибий тузилишида энг катта улушга даромад солиғи (48%) ва фойда солиғи (11%) эга. Давлат корхоналарининг даромадлари, хизматлар учун тўловлар, жарималар ва бошқа манбалар федерал бюджет даромадларининг 12 фоиз ни ташкил этади.

Штатлар ва ҳудудларнинг бюджетларига қуйидаги солиқлар ва йиғимлар ўтказилади: иш ҳақи жамғармасига солиқлар, герб йиғими, автотранспортга солиқлар, франшиза солиғи ва муниципал солиқлар. Уларнинг таркибий тузилишида энг катта улушга иш ҳақи жамғармасига солиқлар (9%) ва герб солиғи (6%) эга. Давлат корхоналарининг даромадлари, хизматлар учун тўловлар, жарималар ва бошқа манбалар штатлар ҳамда ҳудудлар бюджетлари даромадларининг 34 фоизни ташкил этади. Штатлар ва ҳудудлар бюджетлари федерал ҳукуматдан оладиган пул тушумлари ҳажми мазкур бюджетлар даромадларининг 42 фоизни ташкил этади.

Маҳаллий бюджетларга муниципал солиқлар ўтказилади. Улар бюджет даромадларининг 51 фоизни ташкил этади. Давлат корхоналарининг даромадлари, хизматлар учун тўловлар, жарималар ва бошқа манбалар маҳаллий бюджетлар даромадларининг 27 фоизни ташкил этади. Маҳаллий бюджетларга федерал ҳукуматдан бериладиган маблағлар ҳажми 14 фоизни, штатлар ва ҳудудлар ҳукуматлари тақдим этадиган маблағлар ҳажми эса – 8 фоизни ташкил этади.


Австралияда бюджетларнинг даромад манбалари 2-гистограммада кўрсатилган.

Ижтимоий секторнинг талаблар жамланмасида (трансферт тўловларини ҳисобга олмаганда, ижтимоий сектордаги жами пировард истеъмол плюс жами капитал қўйилмалар) федерал ҳукумат улуши 32,4% фоизни, штатлар ҳукуматлари улуши – 59,3 фоизни ва маҳаллий маъмурилар улуши – 8,3 фоизни ташкил этади. Ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлашга трансфертлар ва аниқ мақсадга қаратилган бошқа ажратмаларни ўз ичига олувчи харажатлар жамланмасида федерал ҳукумат улуши нисбатан кўпроқ ва 43 фоизни ташкил этади.

Австралияда федерал бюджетдан трансфертлар субфедерал бюджетлар даромадларининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. 1992-1993 йилларда штатлар бюджетларига ўтказилган федерал трансфертларнинг умумий ҳажми

31,7 млрд. долларни ташкил этган, штатларнинг харажатлари эса 51,8 млрд. долларга тенг бўлган.

2-гистограмма. Австралияда 1991-1992 йилларда бюджетларнинг даромад манбалари (хар бир даражадаги бюджетнинг жами даромадларига нисбатан % ҳисобида)<sup>44</sup>



Максадсиз грантлар бюджетни тенглаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Грант ҳажмининг ҳисоб-китобида стандарт тўпلامга кирувчи хизматларни кўрсатиш учун нисбий харажатлар ҳажми ва штатларнинг нисбий солиқ салоҳияти ҳисобга олинади (даромадлар ва харажатларни тенглаштириш). Трансфертлар ҳисоб-китобида муниципал тузилмаларнинг даромадлари ҳисобга олинмайди. Бюджетни тенглаштириш учун ажратиладиган грантларнинг умумий ҳажми олдинги йил даромад солиғи тушумларининг тахминан 40% ни ташкил этади.


Харажатларни молиялаштириш борасида федерал ҳукумат ихтиёрига мудофаа, савдо, иммиграция, ташки иқтисодий муносабатлар, ижтимоий муҳофаза ва аҳолини иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш, штатлар

<sup>44</sup> Гистограмма куйидаги манба маълумотлари асосида тузилди: Fletcher C, Walsh C. Intergovernmental relations in Australia: a managerialist revolution? / Mimeo, Australian National University, Federalism research center, Canberra; 1991.

хукуматлари ихтиёрига эса – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ҳамда бошқа ижтимоий хизматлар, транспорт, электр ва сув билан таъминлаш берилган. Шу билан бир вақтда, федерал хукумат ижтимоий-иқтисодий соҳада субфедерал ҳокимият органлари олиб бораётган сиссатга аниқ мақсадга қаратилган грантлар орқали сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Масалан, 1982-1992 йилларда аниқ мақсадга қаратилган грантлар штатларга трансфертларнинг 44% ни ташкил этган.

Шундай қилиб, Австралияда амал қилувчи бюджет федерализми модели марказлаштириш даражасининг кучлилиги билан тавсифланади. Бюджет тизимининг ҳар бир даражасига ўз солиқ базаси бириктирилган. Ижтимоий сектор даромадларида федерал марказнинг улуши 2/3 дан ортиқ, бунда ижтимоий секторнинг талаблар жамланмасида унинг улуши 1/3 ни ташкил этади, яъни даромадлардаги улушдан 2 баравар кам. Айни вақтда, бюджет даромадларида штатлар, ҳудудлар ва маҳаллий маъмуриятлар улуши уларнинг ижтимоий секторнинг ялли талабдаги улушидан икки баравар камроқ (1, 2-диаграммалар).

1-диаграмма





Субфедерал бюджетлар даромадларининг муҳим манбаи федерал бюджетдан трансфертлардир. Мақсадсиз грантлар бюджетни тенглаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади, мақсадли грантлар эса федерал ҳукуматга ижтимоий-иқтисодий соҳада субфедерал органлар сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

#### Канада <sup>45</sup>

Канада федератив тузилиш модели марказлаштиришдан чиқариш даражасининг юксаклиги билан тавсифланади. Конституцияга мувофиқ федерал ҳукумат ва провинциялар ҳукуматлари тенг ҳуқуқли шерик ҳисобланади, маҳаллий ҳокимият органлари мустақил конституцион мақомга эга эмас. Бу ҳол солиқ солиш базаси, солиқ ставкасини белгилаш, солиқларни йиғиш ва уларни бошқариш борасидаги ваколатларнинг федерал ҳукумат, провинциялар ҳамда маҳаллий маъмуриятлар ўртасида тақсимланишида ўз аксини топган (9-жадвал).

<sup>45</sup> Shah A. Intergovernmental Fiscal Relations in Canada: an Overview, Jayanta R. (ed.) Macroeconomic Management and Fiscal Decentralization. The World Bank, 1995.

9-жадвал. Канадада солиққа оид ваколатларнинг тақсимланиши

Солиқ тури	Солиқ базаси	Солиқ ставкаси	Йиғиш ва бошқариш
Божхона тўловлари	Ф	Ф	Ф
Даромад солиғи (7 провинция)	Ф	Ф, П	Ф
Даромад солиғи (3 провинция)	П	П	П
Фойда солиғи (9 провинция)	Ф	Ф, П	Ф
Фойда солиғи (1 провинция)	П	П	П
Бойликдан олинадиган солиқ	Ф, П	Ф, П	Ф, П
Корпоратив капиталга солиқ	П	П	П
Роялти	П	П	П
Ишсизлик бўйича сугурта ва Пенсия жамғармасига тўловлар	Ф	Ф	Ф
Иш ҳақига бошка солиқлар	П	П	П
Тиббий сугурта	П	П	П
Солиқлар:			
ёнилғига	Ф, П	Ф, П	Ф, П
тамаки махсулотларига	Ф, П	Ф, П	Ф, П
алкоголли ичимликларга	Ф, П	Ф, П	Ф, П
Транспорт воситаларини рўйхатга олиш солиғи	П	П	П
Бизнесни рўйхатга олиш солиғи	П, М	П, М	П, М
Мол-мулк солиғи	П, М	П	П
Ер солиғи	П, М	П	П
Фасаднинг узунлиги учун солиқ	М	М	М
Бюджет муассасалари кўрсатадиган хизматлар учун тўловлар	Ф, П, М	Ф, П, М	Ф, П, М
КҚС (9 провинция)	Ф	Ф	Ф
КҚС (1 провинция)	Ф, П	Ф, П	П
Сотувлардан солиқ (чакана савдо)	П	П	П
Жами – 100 %; (Ф) федерал даража – 49 %; (П) провинциялар ва (М) маҳаллий даража – 51%.			

Харажатлар соҳасида федерал ҳукумат ваколатларига куйидагилар киради: мудофаа, пул-кредит сиёсати, темир йўл ва ҳаво транспорти, ташкилотчилик ва ишсизлик бўйича сугурта.

Федерал ҳукумат ва провинциялар ҳукуматларининг қўшма ваколатларига куйидагилар киради: пенсия таъминоти, иммиграция, sanoat ҳамда кишлоқ хўжалиги.

Провинцияларнинг ваколатларига қуйидагилар киради: таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти (полиция), табиий ресурслар ва йўллар.

Канадада минимал миллий стандартларни таъминлашга бюджет маблағларини қуйидаги уч йўналишда вертикал қайта тақсимлаш йўли билан эришилади:

– мавжуд дастурларни молиялаштириш (соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида кўрсатиладиган хизматларнинг федерал даражада белгиланган стандартларига асосланувчи аниқ мақсадга қаратилган блокли грантлар);

– Канада ёрдам режаси (ижтимоий ёрдам соҳасида аниқ мақсадга қаратилган улушли грантлар);

– Канада бюджетни тенглаштириш дастури.

Бюджетни (даромадларни) тенглаштириш ҳар йили солиқ салоҳияти стандарт даражадан паст бўлган ва ижтимоий хизматларни лозим даражада молиялаштириш имкониятини бермайдиган провинцияларга мақсадсиз грантлар бериш орқали амалга оширилади.

Тенглаштирувчи грантларнинг ҳисоб-китоби қуйидагилар воситасида амалга оширилади: солиқ салоҳиятига баҳо бериш учун мўлжалланган репрезентатив солиқ тизими методи асосида; провинциялар ва маҳаллий ҳокимият органларининг даромадларини тўлиқ ҳисобга олиш орқали; провинциянинг солиқ салоҳиятини “беш провинция стандарти” билан таққослаш орқали; мамлакат бўйича ўртача солиқ ставкаларини йўллаш ва аҳоли сонидан ҳар бир провинциянинг ижтимоий хизматларга бўлган нисбий эҳтиёжи ва уларнинг қийматини аппроксимацияловчи<sup>46</sup> ўзгарувчи сифатида фойдаланиш йўли билан.

Провинция учун тенглаштирувчи солиқ тўлови қийматининг ҳисоб-китоби солиқ манбаларининг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида амалга оширилади, сўнгра олинган натижалар қўшилади. Мусбат сумма ҳосил бўлса, провинция айти шу сумма ҳажмида грант олади, манфий суммалар эътиборга олинмайди.

Шундай қилиб, Канада федератив тузилиш модели марказлаштиришдан чиқариш даражасининг юксаклиги билан тавсифланади. Мазкур шароитда солиқ солинадиган базани ва солиқ ставкасини белгилаш, солиқлар, йиғимларни йиғиш ҳамда бошқариш бўйича ваколатлар федерал ҳукумат, провинциялар ва маҳаллий маъмуриятлар ўртасида тақсимланган.

<sup>46</sup> Аппроксимация, аппроксимациялаш – муайян катталикларни бошқа, нисбатан соддарок катталиклар орқали тахминий ифодалаш.

Харажатларга оид ваколатлар федерал ҳукумат ва провинциялар ҳукуматларининг ваколатларига мувофик белгиланган, шу билан бир қаторда, қўшма харажатлар ҳам мавжуд. Минимал миллий стандартларни таъминлашга бюджет маблағларини вертикал қайта тақсимлаш орқали эришилади, бюджетни (даромадларни) тенглаштириш эса йиллик мақсадсиз грантлар воситасида амалга оширилади.

### Германия <sup>47</sup>

Германияда амал қилувчи федерализм моделининг хусусияти мамлакатни унитар федерация сифатида тавсифлаш имкониятини беради. Германия Конституциясига мувофик ижтимоий хизматлар кўрсатиш минимал стандартларни таъминлашга эмас, балки бутун миллат учун тенг яшаш шароитларини яратишга қаратилади.


Мамлакатда солиқ қонунчилиги тўлиқ марказлаштирилган ва солиқларни бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимлаш Конституция даражасида мустаҳкамланган. Бюджет тизими даражаларининг ҳар бирига бириктирилган солиқлар бюджет даромадларининг унча катта бўлмаган қисминигина таъминлайди.

Бюджетлар даромадларининг асосий манбаи солиқлар бўлиб, улар марказлаштирилган тартибда йиғилади ва бюджет тизимининг бир неча даражалари ўртасида белгиланган улушларга мувофик қайта тақсимланади (3-диаграмма).

Даромад ва фойда солиғини вертикал тақсимлаш Конституцияда мустаҳкамланган, уларни горизонтал тақсимлаш резидентлик принципига кўра – солиқ тушумлари келиб чиққан жойга мувофик амалга оширилади. Корпорациялар даромадига солинадиган солиқни тақсимлаш махсус қондаларга мувофик амалга оширилади (резидентлик принципининг кўринишларидан бири).<sup>48</sup> ҚҚСни минтакалар ўртасида тақсимлаш аҳоли сонига мутаносиб равишда амалга оширилади ва бу тенглаштирувчи таъсир кўрсатади.

<sup>47</sup> Spahn P.B. China's Reform of Intergovernmental Fiscal Relations in the Light of European Experiences, Jayanta R.(ed.) Macroeconomic Management and Fiscal Decentralization. The World Bank, 1995.

<sup>48</sup> Ушбу принципга мувофик даромад солиғидан келган тушумлар фирма қайси ерлар (минтакалар) ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган бўлса, шу ерларда қўшни равишда тақсимлашнинг обороти ва минтакаларининг ҳар бирида тўланган жами иш ҳақи миқдорини ҳисобга олишдан олган ҳолда тақсимланади.



Харажатлар соҳасида федерал ҳукумат ваколатларига қуйидагилар кирди: мудофаа, дипломатик муносабатлар ва ташқи иқтисодий фаолият иммиграция ва эмиграция, валютани тартибга солиш, федерал транспорт почта ва телекоммуникациялар.

Ерларнинг ваколатлари маданият, таълим, жамоат тартибини сақлаш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақавий иқтисодий сиёсатга таъбиқ этилади.

Муниципалитетлар ихтиёрига коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш, спорт, дам олиш, уй-жой қурилиши ва йўллар қурилиши берилган. Шу билан бир вақтда, ушбу моддаларнинг аксарияти бўйича харажатлар ҳокимиятнинг барча даражалари томонидан, шу жумладан, аниқ мақсадга қаратилган грантлар ҳисобидан амалга оширилади.



Германияда федерализм талқини инглиз-саксонча моделлардан анча фарқ қилади. Федерал даражада қонунчилик функцияси, молия ресурсларини тақсимлаш ва у ёки бу соҳада сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш биринчи даражали аҳамият касб этади. Ерлар ва муниципал тузилмаларнинг вазифаси – тегишли соҳада белгиланган сиёсатнинг асосий йўналишларини самарали амалга ошириш.

Германияда бюджетлараро муносабатларга бюджетни горизонтал тенглаштириш – маблағларни ерлар ўртасида қайта тақсимлаш хос. Германия бирлашгунга қадар, бу тадбир федерал ҳукумат иштирокисиз амалга оширилган.

Бюджетни горизонтал тенглаштиришда трансфертни ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:<sup>49</sup>

1. Ҳар бир ернинг солиқ салоҳияти аниқланади. У тахминан солиқ тушумларининг махсус харажатлар чегириб ташланган, аҳолининг зичлиги, урбанизация даражаси ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда туатиш киритилган суммасига тенг.

<sup>49</sup> 1993 йилда консолидация Федерал дастури қабул қилингунга қадар.

2. Мазкур ерга мувофиқ келувчи стандарт солиқ салоҳияти аниқланади. Ушбу кўрсаткич барча ерларнинг мазкур ер аҳолиси сонига кўпайтирилган ўртача солиштирма солиқ салоҳияти сифатида ҳисобланади.

Агар мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ манфий бўлса, ер солиқ салоҳияти ўртача даражадан юқори бўлган ерлар ҳисобидан тенглаштирувчи грант олади. Барча ерларнинг ўртача даражасини таъминлаш имконияти доим ҳам мавжуд бўлавермайди, лекин ҳар бир ернинг солиқ салоҳияти тенглаштирувчи грантни қўшганда мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичнинг 95 фоизига етиши кафолатланади.

Германия бирлашганидан сўнг вертикал тенглаштирувчи дастурлар – мақсадсиз федерал грантларнинг аҳамияти янада ошди. Шарқий ерлар Германия бирлашганидан сўнг бюджетни горизонтал тенглаштириш тизимига киритилди ва бу тенглаштирувчи механизмни такомиллаштиришни талаб қилди.

Шундай қилиб, Германияда амал қилувчи федерализм модели мамлакатни унитар федерация сифатида тавсифлаш имкониятини беради. Бу ерда ижтимоий хизматлар кўрсатиш бутун миллат учун тенг яшаш шароитларини яратишга қаратилади. Мамлакатда солиқ қонунчилиги тўлиқ ҳажмда марказлаштирилган. Бюджет тизими даражаларининг ҳар бирини бириктирилган солиқлар бюджет даромадларининг унча катта бўлмаган қисминигина таъминлайди, бюджетларни тўлдириш қайта тақсимланадиган солиқлар орқали амалга оширилади. Харажатларга оид ваколатлар федерал ҳукумат, ерларнинг ҳукуматлари ва муниципалитетларнинг ваколатларига мувофиқ белгиланган. Шу билан бир қаторда, кўпгина моддалар бўйича харажатлар ҳокимиятнинг барча даражалари томонидан, шу жумладан, аниқ мақсадга қаратилган грантлар ҳисобидан амалга оширилади.

Германия бирлашгунга қадар бюджетлараро муносабатларга горизонтал тенглаштириш хос бўлган, мамлакат бирлашганидан сўнг вертикал тенглаштирувчи дастурлар – мақсадсиз федерал грантларнинг аҳамияти янада ошди.

### **Америка Қўшма Штатлари**<sup>50</sup>

Америкача федерализм модели ҳокимият субмиллиий органлари фискал эркинлиги даражасининг ўта юксаклиги билан ажралиб туради. Бундай

<sup>50</sup> Bahl R. Comparative Federalism; Trends and Issues in the United States, China and Russia. Jayanta R. (ed.) Macroeconomic Management and Fiscal Decentralization. The World Bank. 1995.

эркинлик мазкур органларга ўз бюджетларининг даромад қисмини шакллантириш соҳасида ҳам, ўз бюджет маблағларини сарфлаш соҳасида ҳам берилган.

Америкача федерализм моделининг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ базаларини белгилаш учун йўл бюджет тизимининг барча даражалари учун очик (халқаро савдога солинадиган солиқлар ва мол-мулк солиғи бундан мустасно). Бунда штатлар ҳукуматлари Конституция доирасида ҳар қандай солиқларни, шу жумладан, солиқ базалари ва ставкаларини мустақил жорий этиш ҳуқуқига эга.

Халқаро савдога солинадиган солиқларни белгилаш федерал ҳукумат ихтиёрига, мол-мулк солиғини белгилаш эса – штатлар ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига берилган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг эркинлиги штатлар томонидан чекланган. Хусусан, округлар томонидан жорий этилиши мумкин бўлган солиқлар ва улар ставкаларининг юқори чегараси аксарият ҳолларда штатлар даражасида белгиланади.

Федерал ҳукумат солиқ даромадларининг асосий қисмини жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадига солинадиган солиқлар ташкил этади, бунда даромад солиғи барча солиқ тушумларининг қарийб 2/3 қисмини таъминлайди (4, 5-диаграммалар).


АҚШда федерал солиқ тушумларини субфедерал бюджетлар ўртасида тўғридан-тўғри тақсимлаш амалиёти мавжуд эмас.

Харажатларга оид ваколатлар ҳокимият даражалари ўртасида тақсимланиши натижасида федерал ҳукумат ихтиёрига мудофаа, халқаро муносабатлар, космик тадқиқотлар, ташқи ва ички (минтақалараро) савдо, почта хизмати, патентлаш ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қисман ҳуқуқий тартиботни сақлаш берилган.


Штатларнинг ҳукуматлари маблағларни сарфлаш борасида федерал ҳукумат мандатлари ва шартли (аниқ мақсадга қаратилган) грантлари ҳамда суд қарорлари билан қифояланадилар. Бундан ташқари, жорий харажатларни қарз бериш орқали молиялаштириш штатларнинг конституциялари билан таҳиқланган.

5-диаграмма.

Штатлар ва округлар ҳукуматлари даромадларининг таркибий тузилиши





6-диаграмма.



Округлар ҳукуматлари даромадларининг таркибий тузилиши

Уй-жой қурилиши, таълим, жамоат транспорти ва ижтимоий таъминот каби ижтимоий хизматларни кўрсатишда бюджет тизимининг барча даражалари иштирок этади (6-диаграмма).

7-диаграмма.



Бюджетлараро муносабатлар соҳасида америкача моделнинг ўзига хос хусусияти – бюджетни тенглаштириш федерал дастури йўқлиги. У аниқ мақсадга қаратилган дастурларнинг айримларида таркибий элемент сифатида назарда тутилган (масалан, мактаб кенгашларига грантлар). Бюджет харажатларини штатлар бўйича аҳоли жон бошига нисбатан дифференциациялаш бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда, кенгрок қўлланилади, харажатлар ҳажмининг юқори чегараси куйи чегарадан 2,25 – 2,5 барабар баланд.

Шундай қилиб, федерализмнинг америкача (АҚШ) модели ҳокимият субмилий органлари фискал эркинлигининг юксак даражаси билан тавсифланади. Ушбу моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, солиқ базаларини белгилаш учун йўл бюджет тизимининг барча даражалари учун очик. Бунда штатлар ҳукуматлари ҳар қандай солиқларни, шу жумладан, солиқ базалари ва ставкаларини мустақил жорий этиш ҳуқуқига эга. АҚШда федерал солиқ тушумларини субфедерал бюджетлар ўртасида тўғридан-тўғри тақсимлаш амалиёти мавжуд эмас. Харажатларга оид ваколатлар федерал ҳукумат ҳамда штатлар ва округлар ҳукуматларининг ваколатлари мувофиқ ажратилган. Шу билан бир қаторда, бюджет тизимининг барча даражалари иштирокида амалга ошириладиган харажатлар ҳам мавжуд. Бюджетлараро муносабатлар соҳасида америкача моделнинг ўзига хос хусусияти – бюджетни тенглаштириш федерал дастури йўқлиғидир.

### **3.2. Унитар давлатларда бюджетлараро муносабатлар тизими: Буюк Британия, Италия, Япония, Хитой, Беларусь Республикаси**

#### **Буюк Британия**

Буюк Британия – икки даражали бюджет тизимига эга бўлган унитар давлат. Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида молиявий ўзаро муносабатлар тизими бу мамлакатда викторианчилик давридан то 1990-йилларнинг бошига қадар ўзгаришсиз қолган. Сўнги 20 йил ичида амалга оширилган ислохотлар натижасида Буюк Британия иктисодиётида маҳаллий бюджетларнинг роли сезиларли даражада пасайди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг таркибий тузилиши Буюк Британиянинг барча қисмларида ҳар хил. Англияда ҳокимият маҳаллий

органларининг икки бўғинли тизими амал қилади. Бу тизим кишлоқ жойларида графликлар ва округларни ҳамда урбанизациялашган ҳудудларда шаҳарлар ва округларни ўз ичига олади. 1992 йилдан Уэльс ва Шотландияда маҳаллий ҳокимият органларининг бир бўғинли тизими жорий этилган.

Маҳаллий бюджетлардан Буюк Британия давлат харажатларининг атиги 36 фоизи молиялаштирилади.<sup>51</sup> Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси икки солиқ: тижорат мақсадларида фойдаланиладиган миллий мол-мулк солиғи ва жисмоний шахсларнинг яшаш шароитларини яхшилашга йўналтириладиган маҳаллий мол-мулк солигидан иборат.

Буюк Британиянинг бюджетлараро тенглаштириш тизими анча мураккаб ва мамлакатнинг турли таркибий қисмларида ҳар хил. Аммо молиявий ёрдам ажратиш бутун давлат учун ягона принципларга асосланади. Молиявий мадад кўрсатишнинг икки асосий тури мавжуд – блок-грантлар (улар Англия ва Уэльсда даромадларни кўпайтириш учун грантлар деб аталади) ва махсус мақсадларга қаратилган грантлар. Бюджет даромадларини кўпайтириш учун грантлар ҳар йили ажратилади. Бунда марказий ҳукумат молиявий ёрдам суммаси белгиланишидан олдинги даврда режалаштирилаётган йилга маҳаллий ҳокимият органлари учун харажатларнинг нормативларини марказий бюджет лойиҳасини ва макроектисодий вазият прогнозини ҳисобга олган ҳолда белгилайди. Молиявий мадад ҳажми тўғридан-тўғри счёт билан муниципал тузилма бюджети харажатларининг харажатлар нормативларига мувофиқ ҳисобланган суммаси ва маҳаллий бюджет даромадларининг унга бириктирилган даромад манбаларидан олинган суммаси ўртасидаги фарк сифатида аниқланади.

Марказий ҳукумат бюджетидан маҳаллий бюджетларга аниқ мақсадга қаратилган харажатларни молиялаштириш учун грантлар ажратилиши ҳам мумкин.<sup>52</sup>

1986 йилда Буюк Британияда маҳаллий бюджетларнинг харажатлари устидан назоратни амалга оширишнинг янги механизми жорий этилди. Ушбу механизм марказий ҳукуматга унинг ҳужжатларида қайд этилган даражадан ортик бўлган маҳаллий бюджетнинг солиқ базасини камайтириш учун имконият яратди. Мазкур тартиб 90-йилларгача амал қилди. Бу давр

<sup>51</sup> B. Potter "United Kingdom" // "Fiscal Federalism in Theory and Practice" - Papers, prepared by the staff of the IMF. - Washington: IMF, 1997.

<sup>52</sup> «Councillors Guide to Local Government Finance: 1996 Revised Edition». - London: The Chartered Institute of Public Finance and Accountancy, 1996.

мобайнида солиқ базасини камайтириш тартиб-таомиллари мавжуд 200 маҳаллий бюджетнинг 10-12 тасигагина қўлланилди.

Жон бошидан олинадиган солиқ жорий этилиши билан марказий ҳукумат маҳаллий бюджетларнинг харажатларини чеклаш тартибини қайта кўриб чиқди. Ҳукумат норматив ҳужжатлари билан кўшимча харажатлар ва жон бошига олинадиган солиқ тушумлари ўртасида 1:4 нисбат белгиланди, яъни харажатлар белгиланган даражадан 1 фоизга ошиши жон бошига олинадиган солиқ тушумлари тўрт фоизга кўпайишига сабаб бўлиши лозим.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари жорий харажатларни молиялаштириш учун қарз олинган маблағларни жалб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда маҳаллий бюджетлар капитал эҳтиёжларга маблағлар жалб қилишни фақат тижорат банкларидан тўғридан-тўғри ёки махсус орган – Маблағлар жалб қилиш бўйича давлат кўмитаси орқали амалга оширишга ҳақлидирлар. Маблағлар жалб қилиш бўйича давлат кўмитаси Жалб қилиш учун маблағлар миллий давлат фонди (U.K. National Loans Fund) маблағларини тасарруф этиш имкониятига эга, бинобарин, у тижорат банкларига қараганда, қулайроқ шартларда қарзлар беришга қодир.

Жалб қилинадиган маблағлар ҳажмига чекловлар билан бир қаторда, капитал харажатлар ҳажмига чекловлар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий бюджетлар роли асосан марказий ҳукумат томонидан олдиндан белгиланган ҳажмдаги молия ресурслари самарали тақсимланишини таъминлашдан иборат. Маҳаллий бюджетларнинг айрим харажатлари (шу жумладан, таълим ва турар жой-коммунал хўжалигига харажатларнинг бир қисми) хусусий тусдаги уюшмалар, қонда тарикасида, маблағларни сарфлаш бўйича агентликлар томонидан назорат қилинади. Мазкур агентликлар марказий ҳукумат томонидан молиялаштирилади ва унинг вакиллари назорати остида бўлади. Бюджетлараро тенглаштириш тизими анча мураккаб ва мамлакатнинг турли таркибий қисмларида ҳар хил. Маҳаллий ҳокимият органларининг маблағларни жалб қилиш ҳуқуқлари чекланган. Марказий ҳукумат маҳаллий бюджетларни молиявий қўллаб-қувватлашни блок-грантлар ёки давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли грантлар орқали амалга оширади.

## Италия

Италия – давлат ҳокимиятининг тўрт даражаси: марказий, минтакавий ҳокимият органлари, провинцияларнинг ҳокимият органлари ва муниципалитетлардан иборат унитар давлат. Маъмурий жиҳатдан Италия 20 минтақа, 99 провинция, 8100 муниципал тузилма ва 212 соғликни сақлаш маҳаллий бирликлари (Local Health Units)га бўлинади. Италиянинг йигирмата минтақасидан бештаси алоҳида макомга эга, яъни тегишли конституциявий қонунларга мувофиқ бу минтақаларга ўз бюджетларининг харажатлар базасини белгилашда кўпроқ эркинлик берилган.

Италия бюджет тизими даражаларининг харажатларга оид мажбуриятлари қуйидагича тақсимланади:

– минтақаларнинг бюджетлари тиббий муассасаларнинг хизматлари, шаҳарсозликни режалаштириш, сув таъминоти, йўл қурилиши ва минтакавий йўловчи транспортни молиялаштиришни амалга оширади. Бунда харажатларга оид ваколатларнинг бир қисмини минтақалар ҳокимият органлари томонидан бюджет тизимининг қуйи турувчи даражаларига берилиши имконияти алоҳида айтиб қўйилган. Ваколатларнинг бундай берилиши одатда турар жой-коммунал хўжалиги ёки жамоат ишларини молиялаштириш билан боғлиқ харажатларга нисбатан кузатилади;

– провинцияларнинг бюджетларига минтакавий давлат автомобиль йўллари қуриш ва сақлашни молиялаштириш, сув ва тоғ транспортини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини, минтакавий аҳамиятга молик таълим муассасалари ҳамда маданий муассасалар (маҳаллий университетлар, музейлар, театрлар ва бошқалар)ни молиялаштириш бўйича харажатлар юклатилади;<sup>51</sup>

– муниципалитетларнинг бюджетлари полиция маҳаллий бўлимларини, ижтимоий таъминот тизимини сақлаш, адлия идоралари ва таълим муассасалари учун биноларни қуриш ва сақлаш, муниципал кўчалар ҳамда йўللарни қуриш, таъмирлаш ва тозалаш, муниципалитет аҳолисини газ ҳамда электроэнергия билан таъминлашга маблағларни сарфлайдилар.

Харажатларга оид ваколатларнинг келтирилган тақсимотидан кўриниб турганидек, субмиллий даражадаги барча бюджетлар орасида харажатлар бўйича энг кам юк провинцияларнинг бюджетларига тушади (1992 йилда уларнинг харажатлари ЯИМнинг 1% фойздан ошмаган).

<sup>51</sup> N.Emiliani, S.Lugaresi, E.Ruggiero «Italy»// «Fiscal Federalism in Theory and Practice» - Papers, prepared by the staff of the IMF. - Washington: IMF, 1997.

Италияда бюджет тизимининг юкори турувчи даражалари томонидан харажатларга оид ваколатларни қуйи турувчи даражаларга бериш амалиёти мавжуд. Бунда ваколатларни бериш ўтказилган харажатларни амалга оширишга тегишли даражадаги бюджетдан аниқ мақсадга қаратилган грантларни ажратиш билан бирга амалга оширилади.

Минтақавий ва маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбалари бўлиб солиқ тушумлари, юкори турувчи даражадаги бюджетларнинг мақсадли ва мақсадсиз грантлари ҳамда жалб қилинган маблағлар хизмат килади. 1992 йилдан маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ йиғиш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантириш учун маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасига бир нечта марказий солиқлардан тушумлар киритилган.

1992 йилгача минтақавий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида ўз солиқ ва носолиқ даромадлари улуши тахминан 3 фоизни ташкил этган. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари янги солиқлар жорий этиш ёки мавжуд миллий солиқларнинг ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. 1993 йилда солиқ ва бюджет тизимларини марказлаштиришдан чиқариш дастурини амалга ошириш жараёнида минтақаларнинг ҳокимият органларига айрим миллий солиқларнинг ставкаларини белгиланган чегарада ўзгартириш ҳуқуқи берилди. Шу билан бир қаторда, минтақавий бюджетларга меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ва жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириладиган соғлиқни сақлаш учун мақсадли солиқ унинг ставкасини ўзгартириш ҳуқуқи билан ўтказилди. Мазкур қоралар минтақавий бюджетлар даромадларининг умумий ҳажмида ўз солиқ ва носолиқ даромадларининг улуши кўпайишига олиб келди (1993 йилда уларнинг улуши 48,6 фозгача ўсди).

Барча даражадаги субмиллий ҳокимият органлари орасида муниципалитетларга, айниқса, катта молиявий мустақиллик берилган. Масалан, 1994 йилда мазкур муниципалитетлар бюджетларини даромадларининг қарийб 50 фоизни ўз солиқ ва носолиқ манбалари ташкил этган, бунда мол-мулк солиғи ва муайян турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга солиқлар муниципал бюджетларга тўлиқ ҳажмда ўтказилган.

Юқорида кайд этиб ўтилганидек, субмиллий даражадаги бюджетлар даромадларининг асосий қисмини юкори турувчи даражадаги бюджетлардан бериладиган мақсадли ва мақсадсиз грантлар ташкил этади. Минтақавий доирада мақсадсиз грантлар улуши унча кўп эмас ва минтақавий бюджетлар

жами даромадларининг тахминан 3 фонзни ташкил этади, уларнинг манбалари икки миллий бюджет жамғармаси – умумий жамғарма (Common Fund) ва минтакавий ривожланиш жамғармаси (Regional Development Projects Fund)дир. Мазкур жамғармаларнинг маблағлари минтакалар ўртасида уларда яшовчи аҳоли сони, минтақа майдони ва ишсизлик даражасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Марказий бюджетдан муниципал бюджетларга бериладиган мақсадсиз грантлар нисбатан кенг ва ранг-баранг хусусият касб этади, уларнинг манбалари уч турли жамғарма бўлиб, улардан трансфертлар стандарт жорий харажатларни, махсус харажатлар дастурларини (масалан, ёшларни иш билан тўғйинлаш дастурини) молиялаштириш ҳамда муниципалитетларда солиқ базасининг тақчиллиги ўрнини тўлдириш мақсадида ажратилади.

Мақсадли грантлар минтакавий ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий ҳажмини ташкил этади. Уларнинг манбалари икки бюджет жамғармаси – Соғлиқни сақлашни молиялаштириш миллий жамғармаси (National Health Fund) ва Миллий транспорт жамғармаси (National Transportation Fund)дир. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, транспорт хизматлари ва тиббий хизматлар минтакавий муассасалар томонидан тўғридан-тўғри кўрсатилмайди, чунки йўловчи транспорти муниципал корпорациялар мулки ҳисобланади, тиббий муассасалар эса маҳаллий соғлиқни сақлаш округлари балансига киритилган. Айни вақтда, кўрсатилаётган хизматлар таннархи ва уларга ҳақ тўлашдан олинган даромадлар ўртасидаги фарқни молиялаштириш минтакаларнинг бюджетларидан амалга оширилади.

Италияда капитал харажатларни молиялаштириш мақсадлари учун субмиллий даражадаги бюджетларга қарз олинган маблағларни жалб қилишга йўл қўйилади. Бунда жалб қилинган маблағлар ҳажми қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини ҳисобга олганда, бюджет ўз даромадларининг 25 фонддан ошмаслиги керак. Минтакалар учун маблағларни жалб қилиш манбалари сифатида тижорат банкларининг маблағлари, Депозит ва ссуда жамғармаси амал қилиши мумкин. Марказий ҳукумат субмиллий бюджетларнинг қарзлари бўйича жавобгар бўлади. Ушбу қарзлар вақт-вақт билан турли даражадаги бюджетлар ўртасида клиринг тартиб-таомилларини ўтказиш йўли билан қайтарилади.

Италияда 1970-йилларнинг ўрталаригача муниципал ҳокимият органлари томонидан жалб қилинадиган маблағларнинг манбалари,

ҳажмлари ва шартлари устидан каттиқ назорат мавжуд бўлмаган. Бу ҳол муниципал ҳокимият органлари томонидан жалб қилинган маблағларнинг асосий суммалари ва фоиз тўловлари бўйича кўп миқдорда қарзлар йиғилиб қолишига олиб келди. Шу туфайли ҳам 1977 йилда муниципалитетларнинг киска муддатли қарз мажбуриятларини 10 йиллик газна облигацияларига конвертация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Муниципал бюджетлар томонидан қарзга маблағлар жалб қилиниши устидан каттиқ назорат ўрнатилди. Хусусан, жорий харажатларни молиялаштириш учун киска муддатли қарзларни жалб қилиш тақиқланди, маҳаллий бюджетларнинг баланслилигига қўйиладиган талаблар жорий этилди ва уларнинг харажатлари ўсиши устидан каттиқ назорат ўрнатилди.

Шундай қилиб, унитар давлат ҳисобланган Италияда субмиллий даражадаги барча бюджетлар орасида харажатларни амалга ошириш борасида энг кам юк провинцияларнинг бюджетларига тушади; харажатларга оид ваколатларни бюджет тизимининг юқори турувчи даражаларидан қўйи турувчи даражаларига бериш амалиёти мавжуд, бунда ўтказилган харажатларни амалга ошириш учун тегишли бюджетдан мақсадли грантлар ажратилади; барча даражадаги субмиллий ҳокимият органлари орасида муниципалитетлар молиявий жиҳатдан, айниқса, мустақилдир; минтақавий ва маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбалари бўлиб, солиқ тушумлари хизмат қилади; бюджетни тенглаштириш юқори турувчи даражадаги бюджетларнинг мақсадли ва мақсадсиз грантлари ҳамда жалб қилинган маблағлар билан таъминланади.

### Япония

Унитар давлат бўлган Японияда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан молия ресурсларини жалб қилиш имкониятлари тенг эмас. Айни шу сабабли солиқ юки мамлакат аҳолиси ўртасида одилона тақсимланишини таъминлаш ва маҳаллий маъмурий функциялар лозим даражада бажарилишини қувватлаш мақсадида, давлат муниципал тузилмаларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини тенглаштиришни амалга оширади.

Маҳаллий бюджетларга бериладиган дотациялар муниципал тузилмаларнинг бюджет имкониятларини тенглаштириш ва маҳаллий бюджетларни молиявий манбалар билан уларни бойлар ҳамда камбағаллар ўртасида қайта тақсимлаш орқали таъминлаш функцияларини бажаради.

Маҳаллий бюджетларга бериладиган дотациялар даромад солиғи, фойда солиғи ва алкогольли ичимликларга акциз солиғининг 32%, истеъмол солиғи тушумларининг 29,5% ҳамда тамаки маҳсулотларига акциз солиғининг 25% даражасида шакллантирилади ҳамда маблағларни давлат бюджетининг умумий ҳисоб варағидан дотациялар ва трансфертларнинг махсус ҳисоб варағи орқали маҳаллий бюджетларга ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Японияда маҳаллий бюджетларга трансфертлар давлат томонидан йиғилган солиқларнинг бир қисмини маҳаллий бюджетларга бериш тизимидир. Ушбу тизимга беш турдаги солиқлар ва йиғимлар: маҳаллий йўлларни саклаш трансферт солиғи (100%); газга трансферт акциз солиғи (50%); авиация ёки қисқасига трансферт акциз солиғи (15,4 %); автотранспорт воситаларининг юк кўтариш қобилиятига трансферт солиғи (25%); алоҳида трансферт тоннаж йиғими (100%) киради. Бу солиқлар ва йиғимларни маҳаллий бюджетларга тушириш давлат бюджетининг умумий ҳисоб варағини четлаб ўтиб, давлат солиқлари тушумларини жамлаш жамғармаси маблағларини маҳаллий бюджетларга трансфертларни тақсимлаш махсус ҳисоб варағига бевосита ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Японияда марказий ҳукумат маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига давлат ғазнасидан маблағлар – турли хил субсидиялар ва субвенциялар беради. Бунда улардан ижтимоий қурилиш ишлари, ижтимоий таъминот, таълим ва бошқа соҳалардаги харажатларни қоплаш учун фойдаланиш мақсади аниқ кўрсатилади.

Шундай қилиб, Японияда муниципал тузилмаларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасини тенглаштириш дотациялар, трансфертлар, турли хил субсидиялар ва субвенциялар воситасида таъминланади.

### **Хитой Халқ Республикаси**

XX аср 90-йиллари бошида Хитойнинг бюджетлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсати мутахассислар томонидан изчил ва самарали сиёсат сифатида баҳоланади.

Хитойда 70-йилларнинг охирида бошланган ислохотлар унинг бюджет тизими сезиларли даражада марказлаштиришдан чиқарилишига ва қарор қабул қилиш бўйича ваколатлар марказий ҳокимият органларидан қуйин турувчи ҳокимият даражасига ҳамда давлат режалаштирувчи органларидан

давлат корхоналарига берилишига олиб келди.<sup>54</sup> Ислохот замирида марказлаштиришдан чиқаришдан ташқари, Хитой ҳукумати томонидан танланган “очиқ эшиклар” сиёсати ётади.

Ислохотга қадар даромадлар ягона миллий бюджетга тушар ва ундан харажатлар молиялаштирилар эди. Бюджетнинг даромадлар базасини кўпайтириш учун Молия вазирлиги даромадларни марказий ва субмиллий ҳокимият органлари ўртасида тақсимлаш тизимини жорий этди. Бунда субмиллий ҳокимият органлари марказий ҳукумат билан ўзлари йиғадиган даромадларни тақсимлаш тўғрисида узоқ муддатли битимлар тузишлари талаб этиларди. Даромадларни тақсимлаш ҳажмлари битимда кўрсатилиши лозим эди.

Аммо, мамлакатда иқтисодий вазият ўзгаришига қараб, солиқ тушумларини бюджет тизимининг даражалари ўртасида тақсимлаш амалдаги тизими марказий ҳукуматни даромадлар билан барқарор даражада таъминламай қўйди. Хитой солиқ тизимининг ўзига хос хусусияти шу билан белгиланар эдики, бюджет даромадларининг асосий манбаи давлат корхоналари ҳисобланарди. Ички бозорда рақобат кучайиши натижасида мазкур корхоналарнинг даромадлари пасая бошлади. Минтакавий бюджетларнинг тақсимланиши лозим бўлган солиқ даромадлари қисқариб борди. Хусусан, 1985 йилдан 1993 йилгача бўлган даврда уларнинг улуши ЯИМнинг 14,4 фоизидан 10,8 фоизгача пасайди, марказий ҳукуматнинг ўз даромадлари бундан ҳам кўпроқ камайди. Ушбу даврда жамланган бюджет даромадлари ЯИМнинг 23,7 фоизидан 13,5 фоизгача қисқарди. Бунда солиқ даромадларида марказий ҳукумат донорлари саналган нисбатан бойроқ провинцияларнинг улуши кўпайди. Натижада минтакаларга кўрсатиладиган молиявий ёрдам ҳажми қисқарди ва банкротлик ёқасига келиб қолган марказий ҳукумат провинциялар билан тузиладиган даромадларни тақсимлаш тўғрисидаги битимларнинг шартларини ўзгартириш чораларини кўра бошлади.

1994 йилда даромадларни тақсимлашнинг янги тизими жорий этилди. Ушбу тизим доирасида марказий ва минтакавий бюджетларнинг кесинмайдиغان солиқ базалари, шунингдек, тартибга солувчи солиқлар белгиланди. Марказий бюджетга солиқларни йиғиш учун Марказий солиқ агентлиги ташкил этилди. Минтакаларнинг солиқ хизматлари провинцияларнинг бюджетларига солиқларни йиғишда давом этдилар. Янги сиёсатни минтакавий даражада қўллаб-қувватлаш учун марказий ҳукумат

<sup>54</sup> Fukasaku K, de Mello L.R. Jr. Op. cit. P. 121-148.

провинцияларга молиявий ёрдамнинг махсус турини жорий этди. Бу ёрдам провинциялар даромадларининг пасайиши ўрнини тўлдиришга қаратилган.

Янги бюджет моделининг жорий этилиши қуйидаги оқибатларга олиб келди: бюджет даромадларининг барқарорлашувига (ЯИМга нисбатан) ва марказий ҳукумат даромадлари улушининг ўсишига эришилди; провинцияларнинг ҳокимиятлари солиқ имтиёзлари бериш ҳуқуқини йўқотди; банк тизими қайта ташкил этилди ва марказлаштирилди; бюджетдан ташқари жамғармалар бюджет таркибига киритилди; минтақавий даражага қўшимча харажатлар ўтказилди.

Марказий ҳукумат ҳар бир йил учун солиқ тушумларининг ўсиш режасини белгилай бошлади ва у бажарилмаган тақдирда солиқ органлари раҳбариятига нисбатан қаттиқ чоралар кўрди. Режа топшириқлари илгари эришилган даражадан келиб чиқиб ҳисобланар эди: бирон-бир йилда солиқ даромадлари кўп бўлгани келгуси йилга режа топширигининг оширилишини аниқларди; шу сабабли режа топширигини ошириб бажариш учун рағбатлар йўқ эди. Провинциялар даражасида ҳам вазият шу йўсинда ривожланди.

Шундай қилиб, ислохот натижасида провинцияларнинг ҳокимият органлари бизнесга нисбатан “тортиб олувчи қўл” (*grabbing hand*) сиёсатини юритишга мажбур бўлди. Айни вақтда, ислохотга қадар мавжуд бўлган бюджетлараро муносабатлар тизими уларни “ёрдам берувчи қўл” (*helping hand*) сиёсатини олиб боришга рағбатлантирар эди.<sup>55</sup>

1994 йилги ислохотдан сўнг Хитой федерализми ўзининг “бозорни асровчи” ахамиятини йўқотди. Шунга қарамай, ислохот жараёнида юз берган ўзгаришлар Хитой иқтисодиётининг ўсиш суръатларига жиддий таъсир кўрсатгани йўқ. Хитой тажрибаси марказий ҳукумат минтақавий ҳокимият органларига нисбатан рағбатлантирмайдиган сиёсатга ўтиши уларни бизнесга нисбатан “тортиб олувчи қўл” сиёсатини юритишга мажбур қилишини кўрсатади.

### Беларусь Республикаси <sup>56</sup>

Беларусь Республикасида амал қилувчи бюджетлараро муносабатлар тизими асосан ушбу давлат доирасида қабул қилинган маъмурий-худудий бўлиниш билан белгиланади. Республикада маъмурий-худудий бирликларнинг уч даражаси фаркланади ва уларнинг ҳар бирига бюджетни

<sup>55</sup> Chen Kang, Hillman A.L., Qingyang Gu. Op. cit. 2000.

<sup>56</sup> Қаранг: Криворотко Ю.В. Межбюджетные отношения в Беларуси: возможен ли прорыв на постсоветском пространстве? //Финансы и кредит, 2009.

шакллантириш ҳукуки берилган. Биринчи даражага вилоятлар ва Минск шаҳри бюджетлари, иккинчи даражага – вилоятга бўйсунадиган туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари, учинчи даражага – туманга бўйсунадиган шаҳарлар, шаҳар кишлоқ посёлкалари ва кишлоқ аҳоли яшайдиган пунктларининг бюджетлари киради. Беларусь Республикасида бюджетлараро муносабатларга мазкур муносабатлар марказлаштирилган моделининг унсурлари хос. Чунончи:

- бюджет тизимининг ҳар бир даражаси ўз бириктирилган ва тартибга солувчи солиқлари ва даромадларига эга;

- вилоятларнинг ҳокимият органлари бириктирилган ва ўз даромадларини вилоят доирасида бюджетлараро тартибга солишда кенг иштирок этади;

- маҳаллий молиянинг ҳолати учун марказнинг жавобгарлиги кучайтирилган (кўрсаткичларни маҳаллий бюджетларга етказиш, маҳаллий бюджетлар тақчиллиги учун жавобгарлик ва бошқалар);

- солиқ ставкалари ва солиқ базаларини белгилаш масалаларида қуйи турувчи ҳокимият органлари мустақиллигининг чекланиши;

- вилоят доирасида бириктирилган ва ўз солиқлари ҳамда даромадларини тақсимлаш нормативларини табақалаштириш орқали пул маблағларини бошқарув даражалари ўртасида қайта тақсимлаш ривожланган механизмининг мавжудлиги.

Беларусь бошқарув тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш барча даражадаги субмиллий бюджетлар доирасидан ташқарига чиқарилган ва ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш органларининг тор гуруҳигагина татбиқ этилади (микротуманлар, турар жой мажмуалари, кварталлар, кўчалар, посёлкалар ҳудудларида ихтиёрийлик асосида ташкил этилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари) Бу ҳудудий микрожамоалар, уй кўмиталари ва фуқароларнинг яшаш жойи бўйича бошқа ташкилотлари маҳаллий Кенгашларга ва ижроия кўмиталарига маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишда ёрдам кўрсатади. Маҳаллий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш тизими тўлалигича давлат ҳокимияти тизимига киритилган бўлиб, бу бюджетлараро муносабатларнинг тузилишига ўзига хос тус беради.

Бюджетлараро муносабатлар Беларусь Республикасининг ҳар йили қабул қилинадиган “Бюджет тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солиниши. Ушбу Қонун умумдавлат солиқларини тақсимлаш нормативларини

махаллий бюджетларнинг ўз ва бириктирилган соликлари таркибини, солиқ ставкалари ҳамда солиқ базаларининг миқдорларини, республика бюджетидан субмиллий бюджетларга йўналтириладиган дотациялар, субвенциялар ва субсидияларнинг умумий миқдорларини белгилайди.

Беларусь Республикасида вилоят бюджетларини тартибга солиш учун умумреспублика соликлари (ҚҚС, даромад солиғи)дан ажратмаларнинг табақалаштирилган нормативлари қўлланилади. Қуйи турувчи базавий бюджетларни тартибга солиш умумреспублика солиқларидан ажратмаларни табақалаштирилган усулда тақсимлаш, шунингдек, қуйи бюджетларга бириктирилган айрим солиқларни вилоят доирасида тартибга солиш тартибида тақсимлаш йўли билан амалга оширилади. Базавий бюджетларга қўшимча молиявий ёрдам республика бюджетни (марказий бюджет)дан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар сифатида берилади. Молиявий ёрдамни ажратиш тегишли формулаларга эмас, балки даромадлар ва харажатларни юкори турувчи даражалар билан келишишга асосланади. Молиявий ёрдамнинг асосий тури ноишлаб чиқариш соҳаси харажатларини қоплашга дотациялар (70 фоизгача)дир. Улар марказий бюджет таркибида ҳосил қилинадиган маъмурий-ҳудудий бирликларни молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармасидан берилади.

Беларусь Республикасида бюджетлараро муносабатлар тизими турли даражадаги бюджетларнинг харажатларга онд ваколатлари ва тегишли функцияларини эмас, балки уларнинг даромадларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Бюджетлараро муносабатлар икки асосий қисмни – солиқларни тақсимлаш кичик тизимини ва дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар сифатида молиявий ёрдам кўрсатиш кичик тизимини камраб олади. Айни шу воситалар ёрдамида бюджетни вертикал ва горизонтал тенглаштириш амалга оширилади.

Солиқларни тақсимлаш кичик тизими умумдавлат соликлари (ҚҚС, даромад солиғи)ни йиллик қайта тақсимлашни ҳам, айрим ўз солиқлари ва бириктирилган солиқларни вилоят доирасида бюджетни тартибга солиш тартибида тақсимлаш, шунингдек, ўз солиқлари ва йиғимларини тартибга солишни ҳам назарда тутди.

Беларусь Республикасида бюджетлараро тартибга солиш доирасида солиқларни тақсимлаш тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

– маҳаллий бюджетларнинг пул маблағлари: умумдавлат тўғри ва эгри солиқлари билан тўлдириш;

– марказий ҳукумат ва субмиллий бюджетлар учун солиқларни тақсимлаш меъёрларини белгилаш йўли билан вертикал беқарорликни республика бюджети (марказий бюджет)дан ўнглаш.

Вертикал беқарорликни ўнглаш асосан маҳаллий бюджетларда қолдириладиган ва даромадларнинг хусусий манбалари сифатида қаралиши мумкин бўлган ажратилган солиқлар орқали амалга оширилади. Минтақавий ва маҳаллий даражаларда ҳаракатлар молиявий эркинлигининг тақчиллиги жамоа молиясида вертикал молиявий беқарорлик даражасининг кучлилигини тавсифлайди. Беларусь Республикасида субмиллий бюджетлар харажатларининг 50 фоиздан кўпроғи сиртдан молиялаштириш манбалари билан қопланади.<sup>57</sup> Россияда бу кўрсаткич 55-60 фоизни, Украинада – тахминан 80-85 фоизни ташкил этади.

Солиқларни бўлиш тизими ҳам вертикал беқарорликни ўнглашнинг муҳим воситаси ҳисобланади, башарти бунда иштирок этувчи солиқлар таркиби барқарор бўлса, шунингдек, ҳеч бўлмаса яқин келажак учун мўлжалланган бўлиш нормативлари барқарор бўлса. Беларусь амалиётида тартибга солувчи солиқлар таркиби ва нормативлари барқарор эмас ва деярли ҳар йили ўзгартирилади.

Беларусь Республикасида солиқларни бўлиш тизими вертикал тенглаштириш доирасидан чиқади. Солиқларни бўлиш усулидан горизонтал номутаносибликларни бартараф этиш учун ҳам фойдаланилади. Ушбу таомил вилоят доирасида тартибга солиш тартибида амалга оширилади. Айни ҳолда базавий ҳудудий бюджетларга бириктирилган солиқлар: даромад солиғи, кўчмас мулк солиғи, мақсадли йиғимлардан ажратмаларни ҳам бўлиш талаб этилади. Бюджетдаги горизонтал номутаносибликларни солиқларни бўлиш усуллари билан бартараф этишга уринишлар баъзан шунга олиб келадики, айрим ҳудудий бирликларда йиғилган бириктирилган солиқлар бўлиш нормативлари орқали олиб қўйилади ва вилоят доирасида тартибга солиш тартибида бошқа, “камбағалроқ” тузилмаларга берилади.

Беларусь Республикасида бюджетлараро муносабатлар амалиётида субмиллий бюджетларни шакллантириш жараёнида қарши бюджет оқимларидан фойдаланилади. Бу бюджет оқимлари бюджет жараёнларини бошқариш харажатлари кўпайишига олиб келади. Минтақа ҳудудларида йиғиладиган солиқларнинг каттагина қисми марказий бюджетга ўтказилади.

<sup>57</sup> Ҳисоб-китоблар ҳар йили нашр этиладиган қуйидаги статистик ахборотнома маълумотлари асосида амалга оширилган: РБ 2008: Стат.сборник. – Мн.: Министерство анализа и статистики РБ, 2008. – 494-495-б.

у ердан маҳаллий бюджетларга бўлинган солиқлар, дотациялар, субвенциялар ҳамда субсидиялар сифатида қайта йўналтирилади.

Беларусь Республикасида бюджетни горизонтал тенглаштиришнинг асосий мақсади муайян ҳудудларнинг бюджет билан таъминланганлик даражасида объектив омиллар таъсирида вужудга келган фарқларни бартараф этиш, шунингдек, конкрет ҳудудлар фаолияти учун тенг бошланғич шароитлар яратишдир. Бу чора-тадбирларнинг барчаси мамлакат ҳудудида умумий эътироф этилган минимал ижтимоий стандартларни ўрнатишни назарда тутди.

Беларусь Республикасида бюджетни горизонтал тенглаштиришнинг асосий воситалари сифатида марказий бюджетдан ажратиладиган дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар тарзидаги трансфертлар амал қилади (10-жадвал):

**10-жадвал. 2005-2007 йилларда дотациялар, субвенциялар, субсидияларнинг таркибий тузилиши (% ҳисобидаги улуши)**

N	Республика бюджетидан ажратиладиган бегараз молиявий ёрдам турлари (дотациялар, субвенциялар, субсидиялар)	2005	2006	2007
1	Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларига дотациялар	69,5	62,6	64,4
2	Минск шаҳри пойтахт функцияларини амалга ошириши учун субвенциялар	2,0	1,4	1,0
3	Минск шаҳрида метрополитен қурилиши учун субвенциялар	0,3	0,2	0,1
4	Республика йўл жамғармасидан трансфертлар	1,7	1,5	1,1
5	Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини молиялаштириш учун субвенциялар	-	6,9	10,4
6	Чернобыль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш харажатларини молиялаштириш учун субвенциялар	17,1	12,0	8,4
7	Агрошаҳарчалар ижтимоий соҳасини ривожлантириш бўйича харажатларини молиялаштириш учун субвенциялар	4,4	3,2	1,9
8	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда аграр фанини қўллаб-қувватлаш республика жамғармасидан олинadиган маблағлар	-	1,2	1,1
9	Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бюджетдан ташқари давлат жамғармасидан аҳолини иш билан таъминлаш тадбирларини молиялаштириш учун олинган маблағлар	3,6	2,7	1,6
10	Турар жойга субвенциялар	1,4	8,3	10,0
	Жами:	100,0	100,0	100,0

10-жадвалдан кўриниб турганидек, ноншлаб чиқариш соҳаси тармоқларини тенглаштириш учун дотациялар молиявий ёрдам кўрсатишнинг асосий йўли ҳисобланади. Ушбу ёрдам республика бюджетни таркибида норматив-улушли асосда ҳосил қилинадиган маъмурий-худудий бирикларни молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилади. Бунда нормативлар бириктирилган ва ўз солиқларини йнгиш режасини бажариш билан эмас, балки фақат умумдавлат даромадлари (КҚС ва даромад солиғи) режасини бажариш билан боғланади. Худуд умумдавлат солиқлари (тартибга солувчи солиқлар)ни қанча қўл йиккан бўлса, у шунча кўпроқ дотациялар олади. Шундай қилиб, ажратиладиган трансфертларнинг миқдорлари ўз солиқлари ва бириктирилган солиқларнинг йиғилиши билан боғланмайди ва бу дотацияларни ҳисоблаш учун муҳим параметр ҳисобланади.

Трансфертлар бюджет муассасалари харажатларининг муҳофаза қилинган моддаларини молиялаштиришга, чуновчи: иш хақи, иш ҳақиға устамалар, овқатланиш, дори-дармонларга; аҳолиға турли хил трансфертларга, аҳолиға турар жой-коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича харажатларни қоплашға ажратилади. Бунда трансфертнинг ўтиш жараёни конкрет базавий бюджетгача тўғридан-тўғри эмас, балки вилоят бюджетлари орқали амалға ошириладики, бу тезкорликни таъминламайди ва пул маблағлари субъектив ёндашувларға мувофиқ қайта тақсимланиши учун имконият яратади.

Шундай қилиб, Беларусь Республикасида бюджетлараро муносабатлар тизими куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: бюджетлараро муносабатлар марказлаштирилган модель унсурларига эга; маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш субмиллий бюджетларнинг барча даражалари чегарасидан ташқарида бўлиб, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими билан бир қаторда, тўлалигича давлат ҳокимияти тизимига киритилган; вилоят бюджетларини тартибға солиш учун умумреспублика солиқларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган нормативларидан фойдаланилади; бюджетлараро муносабатлар тизими харажатларға оид ваколатлар ва тегишли харажатлар функцияларини ҳисобға олган ҳолда эмас, балки турли даражадаги бюджетларнинг даромадларидан келиб чиқиб ташкил этилади; вертикал беқарорлик бўлинган солиқлар орқали “ўнғланади”; субмиллий бюджетларнинг шакллантириш жараёнида қарши бюджет оқимларидан фойдаланил горизонтал тенглаштириш бутун мамлакат ҳудудида умумий эътироф эти. минимал ижтимоий стандартларни таъминлаш мақсадида ҳудудларнинг

бюджет билан таъминланганлик даражасидаги фаркларни бартараф этишга қаратилган; бюджетни горизонтал тенглаштириш воситалари сифатида марказий бюджетдан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар сифатида ажратиладиган трансфертлар амал қилади.

### **Назорат саволлари**

1. Федератив давлатлардаги бюджетлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. Унитар давлатлардаги бюджетлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

## Глоссарий

**Аллокацион самарадорлик** – оқилона ёки берилган таркибий тузилишга эга бўлган маҳсулотнинг минимал харажатларини таъминловчи ресурсларнинг самарали бирикмасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш.

**Бюджет маблағлари билан минимал даражада таъминланганлик** – давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан аҳоли жон боши ҳисобига кўрсатиладиган давлат хизматлари ёки муниципал хизматларнинг йўл қўйиладиган минимал пул қиймати.

**Бюджет даромадлари контингенти** (Ўзбекистон амалиётида) – солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимларни тўловчилар.

**Бюджет дотациялари** – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет сюддалари** – юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтариш шарти билан ёки республика бюджетидан юридик шахс-резидентга ёки хорижий давлатга ажратиладиган маблағ.

**Бюджет субвенциялари** – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет тизими** турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди (“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II сон Қонуни).

**Бюджет трансферти** – бюджетдан бевосита ёки ваколатли орган орқали юридик ёки жисмоний шахсга беғараз ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет тузилмаси** – бюджет тизимини ташкил этиш, уни тузиш принциплари. Бюджет тузилиши давлат бюджети ва мамлакат бюджет тизимининг ташкил этилишини, унинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет тизимига кировчи бюджетларнинг фаолият

юритиши ҳуқуқий асосларини, бюджетларнинг таркибий тузилишини, бюджет маблағларини шакллантириш ҳамда фойдаланиш тартиб-таомилларини ва бошқаларни белгилайди.

**Бюджет тузилишининг аралаш модели** марказий бюджетга маҳаллий бюджетларни тартибга солиш роли бириктирилиши билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (Россия Федерацияси).

**Бюджет тузилишининг марказлаштирилган модели** барча бюджетлар ягона давлат бюджетида марказлаштирилиши билан тавсифланади, бунда ҳар бир юқори бюджетга тартибга солиш роли бириктирилган бўлади (Франция, Италия, Қозоғистон, Ўзбекистон).

**Бюджет тузилишининг марказлаштиришдан чиқарилган модели** бюджет тизими марказий ва маҳаллий бюджетларининг эркинлиги билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (АҚШ).

**Бюджетни марказлаштиришдан чиқариш** – барча даражалардаги бюджетларнинг мустақиллиги, яъни бошқарувнинг ҳар бир даражасига ўз даромад манбалари бириктирилиши, уларни сарфлаш йўналишларини мустақил белгилаш ҳуқуқи, юқори турувчи органлар томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келувчи харажатларни қоплаш ҳуқуқи берилиши. Идеал ҳолатда ривожланган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш институтини ўз ичига олган бюджет федерализми сифатида намоён бўлади.

**Бюджетлараро муносабатлар** – бюджет жараёни давомида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келувчи иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи.

**Бюджетлараро муносабатлар модели** – бюджет тизими даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлаш масалаларини ечишда ўзаро муносабатларни ташкил этишнинг асосларини аниқлашга нисбатан институционал ёндашув.

**Бюджетни тартибга солиш** – турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадлар манбасининг конун билан бириктирилган тарзда тақсимланиши, яъни давлат бюджети даромадларини тақсимлаш тартиби (турли даражадаги бюджетлар ўртасида молдавий ресурсларнинг қисман қайта тақсимланиши); худудий бюджетларга минимал ҳажмда зарур даромадлар даражасини

таъминлаш мақсадида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига йўналтириладиган маблағларни қайта тақсимлаш.

**Вертикал тенглаштириш** – ҳар бир ҳокимият даражасининг ҳаражатларга доир мажбуриятлари ҳажми билан унинг даромад ресурслари салоҳияти ўртасида мутаносибликка эришиш жараёни.

**Горизонтал тенглаштириш** ҳудудларнинг солиқ имкониятларидаги тенгсизликларни бюджет маблағларини ҳудудий тузилмалар ўртасида пропорционал тақсимлаш йўли билан бартараф этишни назарда тутати.

**Давлат бюджети** – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ҳамда миқдори назарда тутилади (“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-П сон Қонуни).

**Деволуция** – бошқарув ёки ҳокимиятнинг бир даражаси ҳуқуқлари ёки бурчларини бошқа даражага ўтказиш.

**Деконцентрациялаш** (маъмурий марказлаштиришдан чиқариш варианты) – вазифаларни марказий ҳукуматнинг пойтахтда жойлашган тузилмаларидан уларнинг минтақавий бўлинмаларига ўтказиш. Деконцентрациялаш маҳаллий бошқарув тизими бўлиб, бунда қуйи турдаги даражаларнинг барчаси марказий ҳокимият ҳукмини бажарувчилар ҳисобланади ва марказий ҳукумат томонидан тайинланади ёки унга бевосита бўйсунади.

**Делегирлаш** (маъмурий марказлаштиришдан чиқариш варианты) – давлат ҳокимиятини, маъмурий ваколатларни ва (ёки) аниқ белгиланган вазифаларни бажариш учун жавобгарликни ё мустақил бўлган, ё марказий ҳукуматга бевосита бўйсунадиган тузилмалар ва ташкилотларга ўтказиш.

**Интерналлаштириш** – салбий ташқи омилларни ички омилларга айлантириш йўли билан уларни қискартириш ёки бартараф этишга қаратилган иқтисодий стратегия. Интерналлаштириш стратегияси бир неча йўللар билан амалга оширилиши мумкин: 1) зарурий технологиялар ва ишлаб чиқаришларнинг бир трансмиллий корпорация ва унинг филиаллари қўлида жамланиши ҳамда ички нархларга ўтилиши. Шу тариқа

даромаддорлик даражасига салбий ташки омилнинг таъсири кискартирилади; 2) компания муайян товарни ишлаб чиқариш ёки уни мазкур бозорда сотиш ҳажмини (бинобарин, ташки омилларни ҳам) оптимал даражагача пасайтириши мумкин. Шу тариқа мақбул даражада самарадорликка эришилади; 3) салбий ташки омилдан жабр кўраётган компания муайян шароитларда харажатларни тақсимлаш учун мазкур омилни яратувчи билан келишиши мумкин; 4) вазиятга давлат аралashiши ва у салбий омилни яратувчига (масалан, атроф мухитни ифлослантирувчига) ташки омил қийматига тенг бўлган миқдорда солиқ солиб, шу тариқа уни мазкур омилни ҳамайтириш ёки тугатишга мажбур қилиши мумкин.

**Марказлаштиришдан чиқариш:** 1) кенг маънода бу атама жавобгарликни турли даражадаги ҳокимият тузилмалари, шу жумладан, миллий ҳукумат, минтақавий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида тақсимлаш ҳамда ўтказишнинг барча шакллари камраб олади; 2) тор маънода марказлаштиришдан чиқариш деганда, муайян функциялар (ваколатлар)ни маҳаллий даражага бериш тушунилади.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ҳамда миқдори назарда тутилади (“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II сон Қонуни).

**Республика бюджети** – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ҳамда миқдори назарда тутилади (“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II сон Қонуни).

**Солиқ даромадлари** – солиқ салоҳиятининг амалга оширилган қисми.

Ўзбекистон амалиётида бюджет даромадлари контингенти – бюджетнинг даромад қисмини шакллантирувчи барча даромадлар: солиқлар, мажбурий тўловлар ва солиқсиз даромадлар.

## Адабиётлар

### Махсус ва асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Муниципальные финансы: Учебное пособие / Л.Л.Игонина. – М.: Экономист, 2003.
3. Развитие бюджетного федерализма: международный опыт и российская практика / Общая ред. Мигары Де Сильвы, Галины Курляндской; Науч. ред. Центр фискальной политики. – М.: Изд. «Весь мир», 2006.
4. Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. – М.: Дело, 2002.
5. Трунин И.В., Золотарева А.П., Синельников С.Г., Днепровская С.В., Четвериков С.П. Бюджетный федерализм в России: проблемы, теория, опыт// [www.iet.ru](http://www.iet.ru)
6. Криворотько Ю.В. Финансовые инструменты регионального и местного управления в Беларуси и в постсоциалистических странах. – Мн.: Мисанта, 2008.

### Норматив ҳужжатлар

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.
8. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХП-сон Қонуни.
9. “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-П сон Қонуни.
10. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664 П сон Қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган.
12. “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.
13. “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” Ўзбекистон

- республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон Қарори.
  15. Правила составления и исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Утв. Приказом МФ от 29.12.2001 г., № 130, Зарег. МЮ от 14.03.2002 г., № 1111.
  16. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган ссудаларни тўлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган.
  17. Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштиришнинг йиллик муваққат базавий нормативларини белгилаш тўғрисида низом. Молия вазирининг 2001 йил 18 январдаги 15-сон буйруғи.
  18. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда назарда тутилган даромадлар ва харажатларнинг йиллик режали ҳажмларининг чоракма-чорак таксимотини тузиш, бюджетларни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олиш, бюджетда назарда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. Молия вазирининг 2001 йил 26 мартдаги 29-сон Буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2001 йил 12 апрелда 1025-сон билан рўйхатга олинган.
  19. Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган академик лицейларда 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 32/28-сон қўшма қарори.
  20. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган касб-ҳунар коллежларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 33/29-сон қўшма қарори.

21. Мактабгача таълим муассасаларида 2010 йил учун бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 34/16-сон қўшма қарори.

22. Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори .

#### **Чет тилидаги адабиётлар**

23. ACIR (1974), *Governmental Functions and Processes: Local and Areawide*. Advisory Commission on Intergovernmental Relations, A-45, Washington D.C

24. *Anwar Shah. The Reform of Intergovernmental Fiscal Relations In Developing & Emerging Countries*, Policy and research Series N 23, World Bank 1994.

25. Bahl R. *Comparative Federalism; Trends and Issues in the United States, China and Russia*, Jayanta R. (ed.) *Macroeconomic Management and Fiscal Decentralization*. The World Bank, 1995.

26. B.Potter "United Kingdom"// "Fiscal Federalism in Theory and Practice" - Papers, prepared by the staff of the IMF. - Washington: IMF, 1997.

27. Chen Kang, Hillman A.L., Qingyang Gu. Op. cit. 2000.

28. *Councillors Guide to Local Government Finance: 1996 Revised Edition*. - London: The Chartered Institute of Public Finance and Accountancy, 1996.

29. Fletcher C, Walsh C. *Intergovernmental relations in Australia: a managerialist revolution?* / Mimeo, Australian National University, Federalism research center, Canberra; 1991.

30. N.Emiliani, S.Lugaresi, E.Ruggiero «Italy»// «Fiscal Federalism in Theory and Practice» - Papers, prepared by the staff of the IMF. - Washington: IMF, 1997.

31. Spahn P. B., Shah A. *Intergovernmental Fiscal Relations in Australia*, Jayanta R. (ed.) *Macroeconomic Management and Fiscal Decentralization*. The World Bank, 1995.

### **Даврий нашрларда эълон қилинган материаллар**

32. Криворотько Ю.В. Межбюджетные отношения в Беларуси: возможен ли прорыв на постсоветском пространстве? //Финансы и кредит, 2009.
33. Материалы семинара «Межбюджетные трансферты», Узбекистан, 14-16 мая 2009 г.

### **Интернет ресурслари**

34. <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf> - Стратегия реформы управления государственными финансами.
35. <http://www.gov.uz> -Государственный Портал Республики Узбекистан.
36. <http://www.press-service.uz>
37. <http://www.UzA>
38. <http://www.mf.uz>
39. <http://www.cer.uz>
40. <http://www.review.uz>
41. <http://www.lex.uz>
42. <http://www.eduworld.ru>
43. <http://www.academic.ru>
44. <http://www.forum.economicus.ru>

## ИЛОВАЛАР

1-илова.

Молия органининг номи		11-сонли шакл	
		Кодлар	
(кимга, молия органининг номи)  200__ йил учун ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича  _____ - сон <b>БИЛДИРИШНОМА</b>  Сана Ўзгартиришлар тури			
(молия органининг номи)			
_____ асосида _____ режасини ўзгартириш ҳисобиغا (даромадлар, харажатлар)			
		бюджетидан бюджетга	ДТ КТ
ЖАМИ: _____ (сўз билан)			
Сумма – жами сўмда (рақам билан)	Чораклар бўйича		
	I	II	III
	IV		
Қўшимча кўрсатмалар _____			
Молия органининг раҳбари Бюджет бўлимининг бошлиғи			
Ҳисоб ва ҳисобот бўлими бошлиғи Бош бухгалтер			

орқа томони

11-сон шаклдаги билдиришномага  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ бюджетидан

\_\_\_\_\_ бюджетга

Даромадлар бўйича режанинг ўзгариши

ўлч. бир.

Т/р	бўлим	пара- граф	Жами сумма	Шу жумладан, чорақлар бўйича			
				I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6	7	8

ЖАМИ:

орқа томони

11-сон шаклдаги билдиришномага  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ бюджетидан

\_\_\_\_\_ бюджетга

Харажатлар бўйича режанинг ўзгариши

ўлч. бир.

т / р	бўлим	боб	параграф	Харажат схемаси	Харажатлар			Жами сум- ма	Шу жумладан, чорақлар бўйича				
					тури	объекти	кўчма объекти		I	II	III	IV	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

ЖАМИ:

<b>17-сонян ШАКЛ</b>												
(молия органининг номи)												
Кимга _____												
(бюджет маблағлари ажратмаларини тақсимловчининг номи)												
<b>Молиялаштириш микдорлари ўзгарганлиги тўғрисида</b>												
<b>20__ йил “_____” _____ даги _____-сонли</b>												
<b>МАЪЛУМОТНОМА-БИЛДИРИШНОМА</b>												
Маълум қиламизки, _____ га												
мувофиқ 20__ йил _____ да белгиланган харажатлар учун бюджет маблағлари ажратмаларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилган:												
<i>ўлч. бир.</i>												
Т / р	бўлим	боб	параграф	Харажатлар			Ўзгартиришлар сўммаси – жами		шу жумладан, чорақлар бўйича:			
				харажат тури	объект	кичик объект	Оширияди	Қамайтирилди	I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
<b>Жами</b>												
Молия органи раҳбари _____ (имзо)												
Бюджет бўлими (инспекция) бошлиғи _____ (имзо)												
Бюджет бўйича катта иктисодчи _____ (имзо)												
_____												
<i><b>Изоҳ:</b> Уч нусxada тўлдирилади: биринчи нусха бюджет маблағлари ажратмаларининг бош тақсимловчисига жўнатилади; иккинчиси молия органининг бухгалтериясига; 3-нусха эса молия органининг бюджет бўлимида қолдирилади.</i>												



## **БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР**

### **Ўқув қўлланмаси**

Босишга рухсат этилди 23.12.2011 й.

Ҳажми А5

Адади 30 дона.

Шартнома № РО/0006/11, РО/0453/11

2011 йил 09 декабр буюртма № 972

МЧЖ «NORI» босмахонасида чоп этилди

Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Ц-4, 35-уй